

Профессор Норали Норбоев


92 ёовли Ўзбек эли

Ўзбек элининг  
қабилла ва уруғлари  
ҳақида

Тошкент-1997

Профессор Николай Норман

ИЗДАТЕЛЬСТВО



УДК 62-75

КОНСТРУКЦИЯ

МАШИНЫ

Томск

Профессор Норали НОРБОЕВ

Ўзбек элининг қабила  
ва уруғлари ҳақида

ТОШКЕНТ-1997

Кулингиздаги ушбу рисола 92 бовли Узбек эли ҳақида оммабоп тарзда 50га яқин қабила ва уруғлар туғрисида қисқача маълумот беради. Мустақиллик туфайли халқимизни узоқ утмиш тарихимизга булган кизиқиши кучайди. Авлод аждодларимизни эслаш ва бой меросини урганиш келажак сари туғри қадам ташлашимизга ёрдам беради.

Муҳаррир

Тошкент Давлат Аграр Университети, фалсафа ва ҳуқуқ кафедрасининг мудирини, фалсафа фанлари докторини, профессор

*Иброҳим Хужамуродов*

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети, Ўзбекистонда демократик жамиятни қурилиш назарияси ва амалиёти кафедрасини мудирини, тарих фанлар докторини, профессор

*Худойкул Тураев*

Тошкент Давлат Аграр Университети, Тарих ва маданиятшунослик кафедрасини доцентини

*Шорасул Шоралимов*

Ушбу рисола тарих ва маданиятшунослик, фалсафа, ҳуқуқ кафедраларининг қўшма семинари тавсияси билан чоп этирилди.

## КИРИШ

Марказий Осиё ерларида қадим-қадимдан туркий халқлар яшаб келганлар. Археологларнинг маълумотларига қараганда бизнинг эрамыздан 500-300 минг йил олдин тошдан ясалган қурооллар Туркменистон, Ўзбекистон, Тожикистон ерларидан топилган. Сурхондарёни “Тешиктош” горидан неандерталь даврига оид боланинг жасади, кўмиш маросимида ишланган тоғ эчкисининг шохи топилиши Ўрта Осиё маданиятининг юқори эканлигидан дарак беради.

Албатта Марказий Осиё, айниқса Ўзбекистон ерлари доимий равишда жаҳонгирларни биринчи галда қўлга киритадиган ўлжаларидан бири ҳисобланган бўлиб, ҳар бир чет эллик ҳукмдорлар Мовароуннаҳр ўлкасига суқланиб қараганлар.

Мовароуннаҳрда ҳам улуг амирлар, подшолар етишиб чиққанлар ва ўз эрки, урф-одати, маданияти, мустақиллиги учун курашганлар: Широқ, Маҳмуд Тарабий, Паҳлавон Маҳмуд, Муқанна, Сарбадорлар, Амир Қозағон, Амир Хусаин, Соҳибқирон Амир Темур ва бошқалар шгулар жумласидандир.

Аммо, узоқ ўтмиш даврларда қабилалар, уруғлар бир-бирлари билан гоҳо душманлашиб, гоҳо бирлашиб иттифоқ тузишиб янги қабила ва уруғлар пайдо бўлган. Кўпинча ҳукмрон қабила ёки уруғ, миллат номини бошқа қабила ва уруғлар ҳам олганлар. Чунки ҳукмрон қабила ва уруғга баъзи бир имкониятлар берилган. Айниқса мўғулларнинг 200-300 йиллик ҳукмронлиги ёки мавқеининг юқори бўлиши кўп қабила ва уруғлар ўзларини мўғуллардан келиб чиққанмиз деб юришган. Бундан ташқари кучсиз, кам сонли уруғлар, бўғинлар ҳам кучли, ҳукмрон қабила паноҳида яшаб, ўзларини ўша қабиладанмиз деб ҳам юришган. Шунинг учун ҳам бир қабиланинг, уруғнинг тарихий келиб чиқишини қараганда, ёки ким ва қачон, қандай шароитда ёзилганлигини ҳамда ўша давр сиёсий ҳаётини ҳам ҳисобга олган ҳолда мулоҳаза қилиш керак деб ўйлаймиз. Чунки бирон-бир уруғнинг келиб чиқиши балким этноним ном бўлмасдан сиёсий маънода айтилган бўлиши ҳам мумкин.

Собиқ Иттифоқ даврида баъзи бир кишилар ўзбек миллатидан дейишдан кўра мағрурланиб мен советлар Иттифоқининг гражданиман деб юришар эди.

Ушбу китобчада қабила ва уруғлар ҳақида ёзишдан мақсад биттасини иккинчисидан баланд ёки паст қўйиш эмас. Аксинча ҳамма қабилалар, уруғлар бир-бирига тенг ва бир отадан бир онадан тарқалгандирлар. Ўзбекистонда яшовчи барча қабила, уруғларнинг ота-боболари қадим қадимдан бир-бири билан қиз олиб қиз бериб қуда-анда<sup>1</sup> бўлиб келишган.

---

<sup>1</sup> Анда-одатда қадимий туркий халқларнинг удумига асосан икки инсон бош бармоқларидан озгина қон чиқариб бир-бирининг бармоғини-бармоғига босади. Натижада қон қўшилади. Демак ўғил ёки қиз томон қуда-анда дегани қонимиз қонимизга қўшилди демакдир. Анда бўлишнинг шартларидан яна бири бир-бирига ҳеч қачон душманлик қилмасликдир.

Ҳар бир қабилаинг, уруғнинг, бўғиннинг ўзига хос ибрат бўладиган ғриф-одати, маданияти, турмуш тарзи бўлиб бошқалар учун намуна бўлиши мумкин.

Қабила ва уруғлар ҳақида маълумотга эга бўлиш ва ўз уруғини, авлодларини билиш генетик фани нуқтаи назаридан ҳам зарурдир. Чунки генетика фанидан бизга маълумки, генларнинг узоқ авлодлари яташтирилганда соғлом ва бақувват авлод етишади. Бу борада қозоқ халқининг ибратли ишлари мавжуддир.

Ўзбекистонда яшовчи қабилалар, уруғлар қозоқ, қирғиз, туркман, бошқирд, нўғай, олтой, тотар, тува, қорақалпоқ, якут, уйғур, мўғул, озарбайжон, қолмоқ, туркия, Афғонистон, Шимолий Эрон, Ироқ ва бошқа халқларнинг ҳам этник таркибида учрайди. Шунинг учун ҳам қабила ва уруғни билиш халқларимизни бир-бирига яқинлаштиради. Чунки асосан Марказий Осиё халқларининг тупроғи, суви, ҳавоси, дарёлари, тоғлари ва гўзал табиати бир-бирига туташ бир ўлкадир.

Ҳозирги даврда Марказий Осиё мамлакатлари мустақил бўлиб кетган экан бундан бегона, ёт эл эмас, балки бир-бирига жондош, қардош, оғанини, қуда-анда эллардир.

Ўзбек қабилалари, уруғлари ҳақида ёзилган китоблар республикамызда ниҳоятда кам бўлиб, мавжудлари ҳам асосан тилшунослик(шевалар) нуқтаи назарида ёзилган ва кенг халқ оmmasига мўлжалланмаган(С.Иброҳимов. “Ўзбек тилининг Бешкент район шевалари юзасидан кузатишлар”. Тошкент, 1957й; Х.Дониёров. “Ўзбек халқининг шажара ва шевалари”. “Фан”, Тошкент, 1968й; Абулғозий. “Шажарайи турк”. Тошкент, “Чўлпон”, 1992й.).

Бу борада қозоқ тарихчи-этнографлари салмоқли иш қилганлар: (В.В.Востров, М.С.Муқанов “Родоплеменной состав и расселение казахов”, Алма-Ата. 1968; М.С.Муқанов “Этнический состав и расселение казахов Среднего Жуза”. Алма-Ата, 1974 ва бошқалар).

Биз ўйлаймизки, бугунги кунда Марказий Осиё халқларининг уруғ аймағи бир-бирига туташиб кетган бир халқ эканлигини куйлайдиган оммабоп китоб жуда ҳам зарурдир.

Ҳар бир китобни, илмий мақолани ёзишга албатта бирон бир эҳтиёж, сабаб бўлади. Мени X-XVIII асрлардаги Марказий Осиё халқлари тарихи, қабиласи, уруғи, яшаган жойлари, подшоҳлари(айниқса, Тан, Чингизхон, Жучихон, Ботухон, Ўзбекхон, Соҳибқирон Амир Темур, Шоҳрух, Улуғбек, Абул Хайрихон, Шайбониҳон(Шохбахт), Мухаммад Зоҳириддин Бобир, Абдуллоҳон, Абулғозихон ва бошқалар) тарихи билан ҳам қизиқиб келишимни сабабчиси тарихчи тоғам Эргаш Бобоназаровдир. Қабила ва уруғлар ҳақида китоб ёзишимни жуда кўп хурматли кишилар Аллломурад, Хушбоқ, Эгамберди, Хушбоқ, Шерали боболар ва Тўар раис Массиев, Абдимурод Лапасов, Омон ака Сариев, Жўра Турсунов, Бинокул раис Цўлчиев, Сайид ака Кучкинов, Эшпўлат ака Холиқов, проф. Энаббор Эсанов, проф. Абдужаббор Омонтурдиевлар сўрашган эди. Бундан 10-12 йил олдин, Марказий Осиё халқларининг ҳаммаси бир-бирига қон-қариндош эканлигини куйловчи китобни ёза бошлаган эдим. Аммо ўша давр шароити тақозо этмаганлигидан бу китоб чала ҳолда қолган эди.

Республикамиз мустақилликка эришган бир даврда қабила ва уруғлар ҳақида кичик, оммабоп бир китоб чоп этиш заруратини ҳис қилдик.

Ушбу рисола ни чоп этишга имконият яратиб берган Тошкент Давлат Аграр Университети ректори, проф.Хасан Чутбоевич Бўриевга миннатдорчилигимни билдираман.

Бу китобни ёзишда мен асосан Рашидиддин (1952), К.Нажимов (1958), М.Ваҳобов (1960), Д.Абдурахмонов (1963), Ш.Шоабдурахмонов (1962), К.Шониезов (1964), Х.Дониёров (1968), Хофиз Таниш бухори (1983), Абулғозий (1992), Б.Аҳмедов (1992,1994), И.Жабборов (1994), В.В.Востров, М.С.Муқанов (1968), Р.Г.Кўзиев (1974), Б.Х.Кармишева (1976) ва бошқаларнинг тарихий-этнографияга оид китобларидан фойдаландим.

Китобнинг оммабоп бўлганлиги учун ҳам айрим китоблардан олинган фикрларга далил келтирмадик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатининг асосийларини эса китоб охирида илова қиламиз.

92 бовли ўзбек элининг қабила ва уруғларига бағишланган ушбу рисола муаллифининг шу мавзудаги биринчи китоби, шунинг учун ҳато ва камчиликларни кўрсатганларга ва фикр-мулоҳазалири билан ўртоқлашганларга олдиндан раҳматлар айтамиз.

Фикр ва мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишларингизни сўраймиз: Тошкент-94, Фарғона йўли шоҳ кўчаси, 9-берк кўча, 9-уй. Тел. 92-43-11. Профессор Норали Норбоев.

## 92 БОВЛИ ЎЗБЕК ЭЛИ ҲАҚИДА

Ўзбек элининг қабила ва ўруғлари сонини тарихий мánбаларда олимлар ўз давридаги маълумотларга қараб ҳар хил қилиб кўрсатган. Манбаларда 32 бовли ўзбек эли ҳақида гап боради(Султонов, 1982). Аммо ўзбеклар вилоятининг энг ривожланган даврлари Ўзбекхон даври(1313-1342) Днепр дарёсидан то Обь, Енисей дарёларигача ва Марказий Осиё мамлакатларида яшаётган туркий халқларни ҳисобга олинган ҳолдагиси кейинроқ 92 бовли ўзбек элатини ташкил қилган бўлса керак. 92 бовли ўзбек эли деганда нафақат ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги, шунинг билан биргаликда, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, Волга бўйлари халқлари Бошқирдистон, Нўғой автоном республикаси, тотарлар, Олтой, Тува, Якутлар, уйғурлар ҳамда Мўғулистон ҳудудида яшовчи туркий халқларни эътиборга олиш керак.

Ўзбек элининг 92 бовли қабила уруғдан иборат эканлиги асосан исботланган. Бундан 700 йиллар олдин ўз даврининг машҳур олими, тарихчиси Рашидиддин “Жомеъ-ат таворих” асаридан (бу асарни 1301-1311 йиллар ёзган) туркий халқларнинг қабила, уруғлари ҳақида батафсил маълумот беради. Асарнинг энг муҳим томонларидан бири шундаки, мўғулларни сиёсий бирлашмаларига кирган туркий халқларни мўғуллар деб атай бошлаганини қайд этишдир. Айрим ҳолларда мўғул сўзи шу уруғнинг номи бўлиб қолган (Х.Дониёров, 1968) бу асардан парча келтирилишича “ҳар хил уруғлар ўзларининг улуғлигини ва қадрини ўзларини мўғулларга қўшиш билан белгилай бошладилар” дейди. “Чунки

Чингизхон ва унинг уруғи мўғул деб аталар эди. Ана шунинг учун ҳам Жалайир, Тотар, уйрат, унгут, керайит, найман, тангут каби ҳар хил қабилаларнинг қадимги вақтларда мўғулларни тан олмаганлигига қарамасдан энди мақтаниб ўзларини ҳозирги вақтда мўғулга қўшиб ҳисоблайдилар” дейди.

Х. Дониёров Рашидиддин фикрини давом эттириб “улар ҳозирги авлодлари ўзларини қадимги вақтлардан бери мўғулларга қўшилиб келган деб ҳаёл қиладилар. Ҳолбуки, бундай эмас, балки қадимги вақтда мўғулларнинг ўзлари ҳам чўлларда яшовчи туркий халқларнинг бир бўлаги холос”.

Х. Дониёров Рашидиддиннинг юқоридаги сўзларини чуқур мулоҳаза қилиб мўғулларнинг ўзи ҳам туркий халқларнинг бир бўлаги бўлган эканда деган хулосага келади. Х. Дониёров Рашидиддинни бу асарига юксак баҳо бериб айтадики, барлос, жалайир, мўғул, кенагас, қиён, нерун, сулдуз, қиёт, кўнғирот, боёвут каби қабила ва уруғларнинг тарихи шу қалар чигаллашиб кетган эдики, агар Рашидиддиннинг шу китоби сақланиб қолмаганда эди, уларнинг тарихини, қайси халқдан чиққанлигини ечиб бериш амри маҳол бўларди, чунки бу уруғларнинг ўзларини айрим вакилларидан тортиб ғарб ва шарқ олимларигача мўғуллардан келиб чиққан деб ҳисоблар эди.

Ҳозирги кунда ҳам матбуот саҳифаларида айрим уруғларни мўғуллардан келиб чиққан деган ёзувчи муаллифлар ҳам топилади. Бу муаллифлар Рашидиддинни “Жомеъ-ат таврих”, ҳатто Х. Дониёровни (1968) “Ўзбек халқининг шажара ва шевалари” китобини эсдан чиқарган кўринади.

Ўзбек халқининг қабила ва уруғлари ҳақида тарихий китобларда оз бўлсада маълумотлар мавжуд: Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғатит турк” китобида келтирилишича турклар 20та қабиладир: Бейенек, қипчоқ, ўғуз, яман, башғирт, басмил, қай, ёбоку, тотар, қирғиз, чигил, тухси, яғмо, игроқ, юмуп(шамул), уйғур, тангут, товғоч бўлиб ҳозирги ўзбеклар таркибида 10 гача уруғ мавжуд.

Рашидиддинни “Жомеъ-ат таврих” китобида ўзбек халқининг қабила ва уруғларини келиб чиқиши ҳақида ривоятлар, уруғбошликлари, яшаган жойлари ҳақида ҳам маълумотлар беради.

Алишер Навоийнинг “Чор девон” китобида Темурийлар даврида Кўнғирот, Қиёт, Оғар, Билгут каби қабилаларни катта мавқега эга эканлиги таъкидланади.

Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турк”, Муҳаммад Заҳириддин Бобурнинг “Бобурнома”, Биноининг “Шайбонийнома”, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”, “Абулхайрнома” ва бошқа асарларида ҳам Ўзбек уруғ ва қабилалари ҳақида маълумотлар мавжуддир. Абулғозихон Ўзбек қабилаларини иккига бўлиб бири турк авлодлари, иккинчиси мўғул авлодлари деб кўрсатади. Абулғозий Баҳодирхон кўнғирот қабиласидан бўлиб бир неча тилларни билган, табиат, тарих, тил, сиёсат соҳасида ҳам етук инсон бўлиб, 1644-1664 йиллари Хоразмни идора қилган.

Ўзбек халқининг уруғ ва қабилалари ҳақида маълумотларни Н.Ханиковнинг 1843 йилда “Бухоро хонлигининг тавсифи” асарида Ўзбекларнинг 97 та уруғини келтиради. Аммо муаллиф айтадики, уруғ



номларини қўлига тушиб қолган “Насаяд Памяти-Узбекия”(“Насиб номаи узбекия”) асаридан ёзиб олганлигини, бу асарда ўзбек элининг 97та уругга бўлинганини келтиради(жадвалга қаранг).

1849 йили А. Бори ўзининг “Бухорога саёҳат” номли асарида Ўзбеклар қадимги даврда 32та уругдан иборат бўлиб, энг таниқлилари: Қўнғирот-Бойсунда, Урганчда, Қатагон-Қундузда, Манғит-Бухорода, Юз-Қўқонда, Ҳисорда, Лоқай-Ҳисорда, Қипчоқ-Балхда, Ёбу(Яба)-Балхда, Минг-Майманади кўпроқ жойлашган деб хабар беради. Маълумки, Ҳожи Абдурашид таҳаллуси билан дарвеш сифатида Бухорога келиб қолган ва кейинчалик Бухоро шаҳри мачитларнинг бирида Имомлик қилган

Ҳерман Вамбери (асл ота юртлари Туркистонлик бўлган Можор олими) 1865 йили ёзган ўзининг “Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат” асарида ҳам ўзбекларнинг 32та уругини келтиради: Қўнғирот, Қипчоқлар, Юз, Мангитлар, Нуқис, Найман, Кулам, Киёт, Оз(Ос), Тоз, Сайёд, Жигатой, Уйгур, Ойбек, Дўрмон, Ушин(Уйшун), Канжиғали, Нугай, Болғали, Метан(Митан), Жалайир, Кенағас, Кангли, Ичкили, Бағурли(Бавурли), Олчин, Очмойли(Очмайли), Қоракурсоқ, Биркулоч, Тирлиш, Катта Кесор, Минг.

Х. Вамбери ёзадики, қўнғирот, уйгур, қипчоқ, нукус(нукуз) очмайли(ачамайли) уруглари Хивада, Минг-Майманада, Найман-Қаршида кўп учрайди. Бундан ташқари муаллиф Афғонистонни Қундуз, Хулма, Окча, Шибиргон, Маймана ва Антхам шаҳарларининг аҳолиси асосан ўзбеклар тоифасидандир.

Ўзининг “Қитмир” китобида А.П. Хорошхин ўзбекнинг 92 бовли элати бор эканлигини маъқуллайди. В.В. Радловнинг фикрича курама қабиласи ўша вақтда 5 уругдан ташкил топган: Жалайир, Тилов(телу), тома, жағалбайли ва тароклидир. Ўша пайтдаги қозоқ оқсоқолларнинг фикрича курама ўзбек билан қозоқнинг аралашмасидан келиб чиққан. Марказий Осиё халқларининг тарихини ўрганишда Н.А. Аристовнинг “Туркий халқларнинг этник состави бўйича мулоҳазалар ва уларнинг сони тўғрисида маълумотлар” китобида (Х.Дониёровнинг ўзбек халқининг шажара ва шевалари китобидан олинди) туркий халқлар(Хунлар) урушлар натижасида Шарқий ва Ғарбий Хунлар мамлакатига айланган. Ғарбий Хунлар давлатига Ўрта Осиё Орол бўйлари, Каспий, Волга бўйи киради.

Ўзбекларнинг 102 та уругга бўлиниши Д.Н. Логофет 1911 йилда ёзган “Бухоро хонлиги рус вассаллигида” асарида келтиради. -Манғит, Қўнғирот, Ўзбек, Қизил қозоқ, Қатагон, Лақай. Аммо шу юқорида баён этилган муаллифларнинг уругларни келтиришида анча ҳато ва камчиликлар мавжуд. Ҳозир Олим ўзининг 1936 йилда чиққан китобида

Ҳозир Олим ўзининг “Сурхондарё область аҳолисининг антропологик состави” номли китобида ҳам уруглар ҳақида қимматли антропологик маълумотлар беради.

Қабила ва уругларнинг келиб чиқиши ҳақида бошқирд олими Ф.Г. Кузиев(1974) “Происхождение Башкирдского народа” китобида нафақат Бошқирдлар жумладан туркий халқларнинг этнографик маълумотлари кенг ёритилган.

Қozoқ олимлари Ч.Ч. Валиханов(1961), В.В. Востров, М.С. Муқанов(1968), М.С. Муқанов(1974), Т.И. Султонов(1982) асарларида туркий халқларнинг қабила ва уруғлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Қабила ва уруғларнинг пайдо бўлиши, маданияти, урф-одати ҳақида академик В.В. Бартольд ўзининг қатор асарлари билан ўчмас из қолдирган.

Биз 92 бовли ўзбек эли ҳақида сўз юритар эканмиз, бу эл қачон таркиб топгани, қаерда, кимлар бу элни бирлаштирган деган савол албатта тугилади. Бу саволларга тўлиқ жавоб бериш борасида мунозаралар мавжуд. Ўзбек элининг, миллатининг таркиб топиши ҳақида М.Г. Воҳобовни “Ўзбек социалистик миллати”(1960) асари жуда қимматлидир.

Ўзбек элининг тўғрироғи улусининг таркиб топишида атоқли олим ва адиб, академик Бўрибой Аҳмедовнинг қатор асарлари “Ўзбекларнинг чиқиши тарихидан”(1982), “Ўзбек улуси”(1992), “Государство кочевых узбеков”(1965) ва бошқа асарлари муҳим роль ўйнайди.

Ўзбеклар эл бўлиб қачон бирлашган Ўзбекхон давридами(1313-1342) ёки 1428-1429 йиллари Абулхайрихон 200дан ортиқ уруғларни бирлаштириб Ўзбек давлатини тузгандами ёки Ўзбекхон, Абулхайрихонлар давридан олдинроқми? Б.Аҳмедов(1992) “Ўзбек халқи Ўрта Осиёнинг қадимий халқларидан бири бўлиб, деярли 3000 йиллик тарихга эга” дейди.

#### 92 бовли ўзбек элати

Абулғозий Баҳодирхон бўйича		Н. Хаников бўйича	
1. Уйғур	52. Олаютли	1. Манғит	50. Араб
2. Кангали	53. Ўқли	2. Минг	51. Илачи
3. Қипчоқ	54. Уйғур	3. Юз(Жуз)	52. Жулаган
4. Қалач	55. Аймоқ	4. Қирқ	53. Қишлиқ
5. Қорлуқ	56. Бошқирд	5. Ўнг	54. Гадой
6. Текрин	57. Баёт	6. Ўнгочит	55. Туркман
7. Қирғизлар	58. Тоғ	7. Жалоир	56. Дурман
8. Қемкечутлар	59. Тотар	8. Сарой	57. Тобин
9. Ўрманкат	60. Темирли	9. Қўнғирот	58. Тома
10. Нукузлар	61. Турумчи	10. Ялчин	59. Риндан
11. Татарлар	62. Турк	11. Орғун	60. Мўмин
12. Ойрот(Уйрот)	63. Туркман	12. Найман	61. Юйшун
13. Тўрговут	64. Така	13. Қипчоқ	62. Берой
14. Қўри	65. Турботли	14. Чечак	63. Хофиз
15. Туласлар	66. Тевачи	15. Уйрот	64. Қирғиз
16. Булғочин	67. Жоби	16. Қолмоқ	65. Юйрувчи
17. Кермучинлар	68. Жомачи	17. Қартув	66. Жуйрат
18. Туленгут	69. Чубичоқ	18. Бурлоқ	67. Бўзачи
19. Урасут	70. Чубани	19. Буслоқ	68. Сихтиён
20. Кусутит	71. Чигатой	20. Самаргин	69. Ботош
21. Найман	72. Чуни	21. Қатагон	70. Ягрини
22. Керайит	73. Хизрэли	22. Фаллачи	71. Шулдур
23. Унгутлар	74. Хуросанли	23. Кенағас	72. Тумай
24. Турчоқ	75. Халаж	24. Бўтрак	73. Тилов
25. Меркит	76. Дукар	25. Узой	74. Қардор
26. Қўнғирот	77. Сарих	26. Қабатлар	75. Қирқин

27. Қоранут	78. Солур	27. Қангли	76. Уғлон
28. Куралас	79. Сурхи	28. Ұз	77. Гурлат
29. Энгигин	80. Соқар	29. Чунглачи	78. Иглан
30. Урмовут	81. Салжұқлар	30. Тунчи(тунчи)	79. Жимабой
31. Кўниклар	82. Султонли	31. Ұтарчи	80. Чилкес
32. Арлот	83. Савроқи	32. Упилачи	81. Уйгур
33. Келжит	84. Совчили	33. Жулун	82. Оғир(Оғар)
34. Бодой	85. Кўрғоли	34. Жид	83. Ебу
35. Қишлик	86. Кўрқин	35. Жуют	84. Норғил
36. Уйшин	87. Қорлуқ	36. Чилжиют	85. Юзак
37. Сулдус	88. Қипчоқ	37. Буймовут	86. Қахат
38. Элдуркин	89. Қоратошли	38. Уймовут	87. Ночер
39. Кенкит	90. Қаллиқ	39. Орлот	88. Хужалик
40. Дурбан(Дурман)	91. Қирғиз	40. Крайт	89. Бузан
41. Барин(Бахрин)	92. Чиройли	41. Унгут	90. Ширин
42. Сукут	93. Қутлар	42. Қангит	91. Бахрин
43. Курловут	94. Лола	43. Холёват	92. Тума
44. Буркут	95. Мугул	44. Масад	93. Нукуз
45. Уклан	96. Мангит	45. Муркут	94. Мугул
46. Жуйрат	97. Мунди	46. Беркут	95. Калон
47. Хожарот	98. Езир	47. Куролас	96. Татар
48. Боёвут	99. Еғмо	48. Учлан	
49. Жалайир	100. Евмут	49. Қори	
50. Орлот	101. Юрти		
51. Оғар			

Жадвалнинг давоми

Херман Вамбери бўйича		Н. П. Хорошхин бўйича	
1. Кўнгирот		1. Нўғай	47. Чақмоқ
2. Қипчоқлар		2. Татар	48. Арзук
3. Мангитлар		3. Қозоқ	49. Қарлуқ
4. Нўкис		4. Қирғиз	50. Турдос
5. Найман		5. Кўнгирот	51. Қатагон
6. Кулам		6. Найман	52. Киловчи
7. Қиёт		7. Қангли	53. Уйрот
8. Оз(ос)		8. Тома	54. Кибот
9. Тоз		9. Қорақалпоқ	55. Қахат
10. Сайёд		10. Туркман	56. Жуячи
11. Жигатой		11. Туёқли	57. Пўлатчи
12. Уйгур		12. Турк	58. Турбут
13. Ойбет		13. Биркут	59. Жиёт
14. Дўрмон		14. Мисит	60. Буёт
15. Уйшин(Уйшун)		15. Абу	61. Арлот
16. Қанжиғал		16. Сарой	62. Уйкут
17. Нўғай		17. Бахринлар	63. Жафжут
18. Болғали		18. Қипчоқлар	64. Хит
19. Метан(митин)		19. Минг	65. Саидли
20. Жалайир		20. Юз	66. Турлос
21. Кенагас		21. Қирқ	67. Уғлон(Уқлон)
22. Қангли		22. Жалайир	68. Илачи
23. Ичкили		23. Батош	69. Қишлиқ
24. Бавурли		24. Олчин	70. Тежамли
25. Олчин		25. Орғин	71. Бўри

26. Очамайли		26. Қизили	72. Овчи
27. Қорақурсоқ		27. Қирабит	73. Үтарчи
28. Бирқулоч		28. Рамадон	74. Тилов
29. Тирпиш		29. Тобин	75. Қирқин
30. Катта кесар		30. Кенагас	76. Жуйрот
31. Минг		31. Манғит	77. Турган
		32. Қиёт	78. Савдон
		33. Сайёд	79. Бовдалоқ
		34. Шағатай	80. Ардури
		35. Дурман	81. Лакай
		36. Уйғшун	82. Қийиқчи
		37. Муйтай	83. Утачки
		38. Ҳайбат	84. Үткан
		39. Кучурли	85. Итчи
		40. Баллос	86. Нитагай
		41. Қавчин	87. Жовсар
		42. Ғараб	88. Акансолди
		43. Қалмоқ	(арқонсолди)
		44. Қорахон	89. Амон
		45. Үнг	90. Абдал
		46. Яман	91. Асака

Т.И. Султоновни “Кочевые племена приаралья в XV-XVII вв.” китобида 92  
 боғли ўзбек элати (Изд-во “Наука”, Москва, 1982)

Малжмуаттаварих ИВ АН(Л.ПО-18а)	“Тухфат аттаварих- и хани” УзФА Ш.И.Л 266 6	Рукопись УзФА Ш.И. ЛИ 4330 Л 13-20	Г.Г. Валиханов рўйхати
1. Минг	1. Минг	1. Минг	1. Минг
2. Йуз	2. Қирғиз	2. Йуз	2. Юз
3. Қирқ	3. Йуз	3. Қирқ	3. Қирқ
4.	4. Қирқ	4. Үнг	4. Унага
5.	5. Унг	5.	5.
6. Қунғирот	6. Қунғирот	6. Қунғирот	6. Қунғирот
7. Олчин	7. Олчин	7. Олчин	7. Олчин
8. Найман	8. Найман	8. Найман	8. Найман
9. Қипчоқ	9. Қипчоқ	9. Қипчоқ	9. Қипчоқ
10. Қалмоқ	10. Қалмоқ	10. Қалмоқ	10.
11. Чақмоқ	11. Чақмоқ	11. Чақмоқ	11. Чақмоқ
12. Килени	12. Килежи	12. Килежи	12. Клаци
13. Килекес	13. Кинегес	13. Кинагес	13. Кинегес
14. Бурат	14. Буйюрук	14. Буйрак	14. Буйрак
15. Убрат	15. Уйрасут	15. Ойрат	15. Уйрак
16. Қиёт(қийат)	16. Қоят(Қиёт)	16. Қийот(қиёт)	16.
17. Джиёт	17. Буйут	17. Жуут	17. Чуют
18. Жуиут	18. Жийит	18. Житит	18. Хент
19. Жалдениут	19. Жалджиут	19. Жалджут	19. Жилжут
20. Турмаут	20. Буйаут	20. Буйазут	20. Бояут
21. Уймаут	21. Уймаут	21. Уймаут	21. Оймаут
22. Арлагут	22. Арлай	22. Арлот	22. Арлат
23. Онгут	23. Онгут	23. Онгут	23. Унгут
24. Тангут	24. Тангут	24. Тангут	24. Танкит
25. Мангут	25. Мангит	25. Мангит	25. Мангит

26. Жалаут	26. Жалаут	26.	26. Жал-жут
27. Мамасит	27. Масит	27. Масит	27. Месит
28. Меркит	28. Меркиф	28. Меркит	28. Меркит
29. Буркут	29. Гуркут	29. Буркут	29. Буркут
30. Жубурган	30. Жубурган	30. Шуберган	30. Жубурган
31. Кишлик	31. Кишлик	31. Кишлик	31. Кишлик
32. Кирай	32. Кирай	32. Кирай	32. Сарай
33. Табин	33. Табин	33. Табин	33. Табиң
34. Тама	34. Тама	34. Там	34. Тама
35. Рамадан	35. Рамадан	35. Рамадан	35. Рамадан
36. Тилау	36. Тилау	36.	36. Тлеу
37. Кердари	37. Керади	37.	37. Кердари
38. Йабу	38. Бабу	38. Йабу	38. Ябу
39. Таргил	39. Таргил	39. Таргил	39. Таргил
40. Турчак	40. Турган		40. Турган

Х.Дониёров (1968) “Ўзбек элати таркибига 92та қабила ва уругнинг кирганлиги ҳар ҳолда қипчоқ ўзбеклар давлати вақтида, яъни XIV-XV асрда ёки ундан олдинроқ, яъни XIII асрда Ўзбекхон даврида ёки Нўғойхон даврида юз берган бўлса керак” деган фикрни илгари суради.

Бизнинг фикримиз бўйича 92 бовли ўзбек эли Олтин Ўрда хони Ўзбекхон, Жонибекхон, Бердибекхонлар даврида ташкил топган. Чунки ўша даврнинг тарихий манбаларида Ўзбекхон ҳукмронлик қилган ерларни “ўзбеклар мамлакати”, аскарларини эса “ўзбеклар сипоҳи” деб юритганлар. Ўзбеклар деганда қабилалар, уруглар иттифоқи маъносидеда тушиниш керак. Шунинг учун ҳам ўзбек элининг асосчилари Ўзбекхон, Абулхайрихон ҳақида қисқача тўхталиб ўтайлик.

Ўзбекхон (1312-1342) йиллар Олтин Ўрда хони (Олтин Ўрда хонлигини Ботухон Волга бўйидаги ерларда XIII асрнинг ўрталарида ташкил этган ва Қуйи Дунай, Фин қўлтигидан Иртиш, Обь дарёсини қуйи оқимигача, Қора, Каспий, Орол денгизлари ва Балхаш қўллари қиради) Ўзбекхонни авлоди Чингизхон - Жўжихон - Ботухон - Букахон - Темурхон - Туғралхон - Ўзбекхон - Жонибекхон - Бердибекхон).

Ўзбекхоннинг тўртинчи бобоси Ботухон Астрахан шаҳри яқинида Сарай шаҳрини қуриб Марказ қилди. Кейинчалик Ботухоннинг укаси Беркехон Олтин Ўрда тахтига ўтириб мусулмончиликни қабул қилди. Ривоят қилишларича, Саралжик(Урал дарёсининг Каспий денгизга қуйилишига яқин жойда) шаҳрига Бухородан мусулмон савдогарлар келганда Беркехон иккитасини чақириб мусулмончиликнинг қонун қоидаларини яхшилаб сўраб билиб олибди ва сидқидилдан мусулмон бўлибди. Кейин кичик укаси Тўқай Темурни чақириб унга ҳам мусулмон бўлишни таклиф этибди.

Ўзбекхон даврида Сарай-ал-Жадид Олтин Ўрда маркази бўлган, мамлакат ривожланган, водопровод қурилган, мураккаб гидротехник иншоатлар қурилиб сув омборлари ишлаб турган, шаҳарнинг микро топографияси чизилган. Шаҳар кварталларга бўлиниб, кўчалар, иморатлар тартиб билан ўрнатилган. Аммо Сарай-ал-Жадид 1395 йили Амир Темурнинг Олтин Ўрда хони Тўхтамишга (1380-1395) ҳужуми даврида ҳаробаликка айлантирилган(Тўхтамиш-отаси Тўйхожа отаси

Тўқликхожа отаси Кунчак ўгли отаси Сарича отаси Ўзтемур отаси Тўқай Темур отаси Жўжихон).

Ўзбекхон ўгли Жонибекхон (1342-1357) даврида Олтин Ўрда “Мамлакати ўзбек”, “Улуси ўзбек” аскарларини эса “Сипоҳи ўзбек” деб тарихий манбаларда ёзилади (Аҳмедов, 1992). Ҳатто Миср билан Олтин Ўрда хонлиги ўртасидаги дипломатик ҳужжатларда ҳам Жонибекхонни ўзбек ерининг, мамлакатнинг хони деб этилган, дейди. “Ўзбек” сўзини Х.Вамбери “Ўз ўзига бек” маъносида деб атайди. “Зайниддин Казваний ўзбекиёни(ўзбекчилар) деган маънода ишлатади.

Демак “ўзбек” сўзининг келиб чиқиши бизнингча, кўп, катта, мустақил, кўп уруғлар бирлашган бир уюшма сифатида ҳам қараш керак. Албатта бевосита ўз-ўзига бек, мустақил деган маъно ўзбекларнинг қадим-қадимдан мустақилликка интилганини англатади.

Ўзбекхон даврида ўзбек давлати ўзбек миллати элементлари пайдо бўлган бўлса керак. Ана шу “Ўзбеклар мамлакати”, “Ўзбеклар улуси” деган этник сўзларининг халқлар ўртасида сингишида албатта ўзбекхон, Жонибекхонларни хизматлари каттадир. Мусулмончиликни қабул қилиб, ўзбеклар давлатининг оламга танилишига буюк ҳисса қўшган Беркехон, ўзбекхон, Жонибекхон, Бердибекхонларнинг қабри “Хонлар мазори” Астрахан вилоятини Харобалик районидаги Лапас деган поселкасида жойлашган.

Абулхайрихон. Ўзбек эли ҳақида сўз борар экан, авваламбор Обидарёсининг бўйларида 1428-1429 йилларда ёш Абулхайрихон 200 яқин уруғларни бирлаштириб ўзбек давлатини тузди. Пойтахти эса Обидарёсининг ирмоқларидан бири Тўра дарёси бўйида Тўра шаҳри бўлди (Чингизхон-Жучихон-Шайбонийхон-Баҳодирхон-Жужи-Бука-Бадакул-Минг-Темур-Пулод-Иброҳим ўғлон-Давлатшайх ўғлон-Абулхайрихон-Шох Будох Шайбонийхон(Шохбахт)-Темур Султон). Темур Султон 1514 йили Бобир ва Бобурийлар томонидан ўлдирилган.

Маълумки, Абулхайрихоннинг набираси Шайбонийхон Мовароуннаҳрда Муҳаммад Заҳириддин Бобур билан тожу-тахт учун курашган. Мовароуннаҳрга ўзбек миллий номни Шайбонийхон(1500-1510) олиб кирган десак назаримда ҳато қилмаймиз. Чунки ҳозирги Ўзбекистоннинг кўп вилоятлари ўша вақтларда Чигатой улуси деб ҳам юритилган. Соҳибқирон Амир Темур(1370-1405), Улуғбек Мирзо (1409-1449) ҳукмронлик йиллари ҳам Ўзбекистоннинг асосий территорияси чигатой улуси деб юритилган.

Абулғозихоннинг(1992) ёзишича, Жўжихонга отаси Чингизхон хат юбориб шундай деган экан “Оқмаган сув сасийди”, яъни демоқчики сен бир ерда ётаберма аскарларинг билан ўзга юртларга юриш қил бўлмаса, аскарлар, уруғлар орасида низо чиқади деб. Шунда Жўжихон ўз қарамоғида бўлган элу-элатларга хат(чопар) юбориб, 7 йиллик урушга тайёргарлик кўришни буюради. Жўжихон бошқирд, ўрус, Курил ва Намаш юртларига отланайин деб тайёргарлик ишлари олиб борилаётган бир пайтда вафот этди. Кейинчалик Чингизхон учинчи ўгли Уқтой коон(хон) отаси ўрнига тахтга ўлтиргандан кейин Ботухонга лақаби Соийнхонга (Жўжи ўгли) ҳукм қилди. “Отанг на ерга борайин деб ният қилгон бўлса,

сен отанг ўрнига бош бўлиб борғил”деб. Натижада Ботухон вилоятларни ола-ола Москов борди. У ерларда Курил, Намаш ва ўруснинг подшоҳлари қаттиқ туриб уч ойгача уруш қилди. Ботухон ғалабаси қийин аҳволда бўлганда Шайбонхон акаси Ботухонга айтади “Менга ўз навкарларимдан бошқа 5-6 минг навкар беринг. Мен кечаси сувни орқасига бекинайин, эртасига сизлар олдин ва мен орқадан жанг қиламиз”-дейди. Шайбонхоннинг айтганини қилиб жангда ғалаба қозонишади. Шунда энг катта акаси Ўрда лақаби “Ичан” айтади “бизни ишимизни битирғон сен бўлдинг” деб Сайинхон эса Шайбонхонга олган ўлжаларини 15 минг уйлик эл Курил вилоятини Қушчи Найман, Қорлик ва буйрак уруғларини кўшиб беради.

Сайинхон айтадики, “Ўлтирур юртинг акам Ичан бирлан менинг орамизда бўлсин. Ёз ёзина Иргиз совуқ ва Ур, ва Илк то Урол тоғинача ёйиқни кун туғиш тарифини яйлагил. ҚИш бўлгонда Орақум, Қорақум ва Сир сувининг бўйини, Чу сувининг, Сари сувининг оёқина қишлағил, теди”(Абулғозий,1992). Ана шу Шайбонхон авлодидан Абулхайрихондир.

Шайбонхон авлодлари шимолда ва шимолий шарқда(Тобол, Ишим, Ирғиш, Обь, Урал, Иргиз, Сирдарё бўйларидаги) кенг ўлкани эгаллайди.

Абулхайрихоннинг отаси Давлатшайх ўғлон вафотидан кейин ёш Абулхайрихонни хийла ва макрлар билан тахтдан четлаштириб ҳокимиятни Жумадуқхон олади. XV асрнинг бошларида Шайбон улусида бир неча мустақил хонликлар вужудга келади: натижада тез-тез яйлов учун урушлар бўлиб турди. Жумадуқхонга итоат этмасдан Жайтар Жолкин деган жойда манғитлар кўзғолон кўтардилар, натижада бу кўзғолонни бостириш учун бўлган жангда Жумадуқхон ўлдирилди, қўшинни жавонгарига кўмондонлик қилган ёш Абулхайрихон аср олинди. Сариқ Усмон ва Олаша Баҳодирларни қўлаб-қувватлаш натижасида Абулхайрихон Шайбонхон авлодларидан бўлганлиги учун омон қолди. Бир йилдан кейин Олаша Баҳодир ёрдами билан Абулхайрихон ўз элига келди. Олаша Баҳодир ва унга яқин уруғлар, қабилалар ҳайрихоҳлик билдириб Абулхайрни хон қилиб кўтардилар.

Бунда иштирок этган қабилалардан қиёт, кўнғирот, манғит, дўрмон, кўшчи, найман, қорлуқ, хитой, ушун ва бошқалар.

XV асрнинг бошларидан бошлаб Дашти Қипчоқ иккига бўлинди. Шарқда Оқ ўрда аҳолиси “Ўзбеклар” деб атала бошлади (Аҳмедов, 1992) ва Абулхайрихон(1428-1468) ҳукмронлик қилди. Абулхайрихон(1428-1431йиллар) илгари Шайбонхонга қараган жуда кўп улус ва ерларни бирлаштириб мустақил бўлиб олди.

Рузбехонни “Меҳмонномаий Бухоро” асарида ўзбекларга уч “халқ” (тоифа) кирган... шу кунда(булардан бири)-Шайбонийлар.... иккинчи “халқ”(тоифа)-қозоқлар.... учинчи(тоифа) манғитлар Абулхайрихон давлатини кўчманчи ўзбеклар давлати деб юритилади. Бу давлат 40 йилга яқин Абулхайрихон ҳукмронлигимдан кейин эса набираси Шайбонийхон бошчилигида(1501-1505) Темурийлардан Мовароуннаҳр тортиб олиб, ўзбеклар диёрини янада кенгайтирилди (Б.Аҳмедов, 1992).

Абулхайрихонни 11та ўғли бўлган, шулардан Шайх Ҳайдархон, Санжар Султонларнинг онаси кўнғирот қабиласидан бўлган. Шайх Ҳайдархон

Абулхайрихон вафот этганидан кейин отаси ўрнига хон бўлиб ўтиради. Аммо Абулхайрихоннинг барча душманлари бирлашиб Шах Ҳайдархонга(Ибокхон, Бурка Султон, Сибир хонлари, Жонибекхон, Гирайхон манғит амирларидан Ёмгурчи ва Мусо(Идигейни ўғиллари) Мирзолар бирлашиб курашганда ҳам Шайх Ҳайдархон енгади. Аммо Шайх Ҳайдархоннинг душманлари Олтин Ўрда хони Аҳмадхон билан иттифоқ тузиб биргаликда уришади ва жангда Шайх Ҳайдархон ҳалок бўлади.

Абулхайрихонни ўз давлатининг потахти қилиб Тура шаҳри олинади. (Тура деган сўз қадимий турк тилида бўлиб, катта қалқон, яъни одам бўйи келадиган жанглarda ўқ ўтмаслик учун ишлатилadиган қалқон). Тура шаҳри ҳозир ҳам бор бўлиб, Обь дарёсини ирмоғини Тура дарёсини бўйида жойлашган шаҳар. 1446-1447 йиллар чамаси марказ шаҳридан Сигнок шаҳрига (Қизил Орда яқинидаги ҳозирги Сунак ота мозори ҳаробалари) кўчирилади.

Абулхайрихон 40 йилга яқин Ўзбеклар давлатининг хони бўлиб Темурийзодаларни гоҳ бунисига, гоҳ унисига ёрдам бериб турган. Темурийзодалардан жангги-жадалларда енгилиб паноҳ истаб борганлардан Султон Абу Сайид Муҳаммад Жуки, Ҳусайн Бойқаро(ҳатто Ҳусайн Бойқаро хондан "табуғ" олади).

Абулхайрихон даври (1426-1427-1469) Мирзо Улугбекнинг Самарқанд ҳокимлиги (1411-1449) йилларига тўғри келади ва улар бир-бирлари билан иноқ бўлишган. Абулхайрихон Мирзо Улугбекнинг Робияхонум исмли кизига уйланган. Робияхондан Кучкунчижон, Суяунхўжажонлар тугилади.

Абулхайрихон Шайх Ҳайдархон, Шайбонийхонлар даврида 92 бовли Ўзбек элатини такомиллаштириш яна кенг намоён бўлди.

Ўзбек элини, давлатини, шуҳрати кенгайишида албатта Абулхайрихоннинг ҳиссаси бениҳоядир. Ҳозирги пайтда Х.Дониёров (1968) 300га яқин ўзбек элининг уруғ ва қабилаларини этноним-номларини келтиради.

## ҚҰНҒИРОТЛАР

Қўнғиротлар қабиласи энг қадимги асл туркий уруғлардан бўлиб, юксак маданиятга, урф одатга, бошқа уруғларга ибрат бўладиган расм русумларга бой қабилadir. Ўзбек халқининг энг машҳур дostonларидан бири "Алпомиш" қўнғиротларнинг тортувли уруғи бўлиб, ўтган воқеалар акс эттирилиб дoston қилинади. (Ҳозирда тортувли уруғи асосан Бойсун районида яшайди) дostonда қўнғиротларнинг жасурлиги, ёрга, ватанга меҳр оқибатлилиги мадҳ этилган бўлиб, бу дostonни ўқиганда ёки эшитганда инсонларни тўғри сўз, дўстлик, бир-бирига ва бошқа уруғларга(масалан Қоражон қалмоқ билан Алпомишни) нисбатан чуқур иззат ҳурмат мавжудлигини ҳис этиб ёшларни чин инсоний руҳда тарбиялашда айниқса ҳозирги мустақил республикаимизнинг ёшлари учун ибратлидир.

Қўнғиротлар қадим қадимдан Марказий Осиё ерларида яшаб келганлигини қўнғирот уруғи номи билан аталадиган шаҳарлар, каналлар,



жойлар мавжудлиги далилдир. Қорақалпоғистонда кўнғирот шахри, Сирдарё бўйларида “Кўнғирот” канали, Сурхондарёда “Кўнғирот” жамоа хўжалиги мавжуд.

Кўнғирот уругига мансуб халқларни ўзбек, қозоқ, қирғиз, бошқирд, нугай, олтой, туркман, ва бошқа миллатларда ҳам учратамиз.

Кўнғиротлар бу халқларнинг этник гуруҳига кириб, шу миллат халқлари билан сингишиб кетган.

Кўнғиротлар ҳозирги пайтда Ўзбекистонда, Қозоғистонда, Қирғизистонда, Бошқирдистонда, Олтойда, Тожикистонда, Афғонистонда, Саудия Арабистонида ва бошқа мамлакатларда яшайди.

Кўнғирот қабиласи жуда кўп кўшни мамлакатларда яшар экан, савол туғиладики, кўнғирот қайси халқ таркибида уюшма бўлиб ажралиб чиққан. Яшаган жойлари, уруғларнинг бўлиғниши, шоирлари, подшоҳлари, амирлари ҳозирги кундаги жойлашган ҳудуди ва бошқа халқларга ибрат бўладиган урфи одатлари ҳақида қисқача тўхтаб ўтайлик.

Кўнғиротлар яшаган жойлар. Кўнғиротлар қадимий туркий қабил бўлганлиги учун қадим-қадимдан Марказий Осиё мамлакатларида яшаб келганлар. Маълумки, Аль Вахидий(747-823) “Китоб ал-магазий”(урушлар тарихи), Маҳмуд Қошғарий “Девону луғати турк”, Ибн ал-Асир(1160-1224) “Ал-Комил фи-т-тарих”(“Муқаммал тарих”), Юсуф Хос ҳожибни “Қутадғу билиг” тарихий манбаларда туркий халқлар Балх, Хутталон(Кулоб), Чағаниён, Термиз, Самарқанд, Шош, Бухоро аҳолисини катта қисмини ташкил қилган.

Академик Б.Аҳмедов(1992) Маҳмуд Қошғарийни “Девону луғатит турк” асаридан мисол келтириб айтадики, “Коз-Афросиёб қизини исми бўлиб, Эрондаги Казвин шахрини қурдирган. Худди Кум шахрида ҳам турклар яшаган. Турклар Рум шахридан(Эрондаги шаҳарлардан бири, умуман Каспий денгизини жанубий томонидан) кунчиқарга қадар жойлашгандир” дейилади.

Аммо Рашидиддин ўзининг “Жомеа-ут-таворих” ва Шарофиддин Али Яздий асарларида жуда кўп турк уруғлари жанубий Сибирь, Олтой, Мўғулистон, Еттисув каби жойларда яшовчи ўзбек, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ, тотар, бошқирд каби этник таркибига кирувчи қорлик, қипчоқ, бахрин, нукуз, қиёт, кўнғирот, сулдуз, уйғур, боёвут, уйрот, бўлғоч, кериот ва найманлар Чингиз аскарлари таркибида бўлган ва Марказий Осиёдаги туркий халқлар билан қўшилиб кетган дейилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, нафақат Чингизхон лашкари билан келган ундан минг йиллар олдин хунлар юришида ҳам туркий халқлар Марказий Осиёга, гарбга юриш қилиб яшаб кейинчалик ўша ерларда қолганлар. Эҳтимол хунлар юришидан олдин ҳам туркийзабон халқлар Марказий Осиёга келиб ўрнашган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Туркий халқлар кейинчалик Шарқий Сибир, Мўғулистон томонларга кўчиб борган бўлиши керак. Ёки катта урушлар натижасида қисман урушлар ўз юртларини ташлаб кетган бўлишлари мумкин. Маълумки, “Алпомиш” достонида ака-ука бир-биридан Закот учун Бойсун, Кўнғирот элини бир қисми Бойсарини бошчилигида Қалмоқ-кашар элига кўчиб кетган.

Фараз қилайлик, туркий халқлар қадим-қадимдан чорвачилик билан шуғулланган деб. Мовароуннахр территориясида жуда қаттиқ иссиқ бўлиши натижасида чорва молларини ривожланиши учун ўт-яйлов йўқлиги ҳамда чанг тўзонда яйлов-қўкаламзорлари тезда қуриб қолиши натижасида ҳам серяйлов Олатов ортларига кўчиб юриб ўрнашиб қолган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки ҳозирги пайтда ўзбек халқи этнонимини тўлиқ ечиб берадиган археологик қазилмалар, далиллар етишмайди, жумладан қўнғирот уруғининг этногенезида ҳам.

Ўрта аср тарихчиларининг ёзишича, қўнғирот, манғит, қиёт, қорлик, қипчоқ, боёвут ва бошқа уруғларни Шимолий Сибирь, Мўғулистон, Амур дарёси бўйларидан келиб қолган деган фикрлар бизнингча старли далиллар билан исботланмаган. Мовароуннахр айниқса Сурхондарё вилояти қиши унча совуқ эмас, ёзи эса тоғолди районларда айтарли даражада иссиқ бўлмаганлиги учун туркий уруғларни жуда кўпчилиги шу водийда яшаб одамлари, чорва моллари кўпайиб кетганликларидан янги яйловлар ахтариб Олатов ва Шарқий Сибирь томонларига кўчган бўлишлари ҳам ҳақиқатга бироз яқинроқдир. Чунки Сурхондарё вилоятини Шеробод туманида ва бунга яқин жойларда туркий уруғларни анчагина қисмини учратиш мумкин.

Бир табиатшунос олим сифатида мен 50дан ортиқроқ туркий уруғларнинг ажод-авлодлари Шарқий Сибирда, Кирулен, Онан, Амур дарёси бўйларида пайдо бўлган деган фикрга қўшила олмайман. Чунки ҳаёт ерда ҳозирги тушунча бўйича каоцерватдан пайдо бўлган. Ҳаётни ерда пайдо бўлиши учун албатта табиий шароит ҳамда биричи ўринда температура, қуёш нури, космик нурланишлар муҳим рол ўйнаган. Шунинг учун Шарқий Сибирни қиши билан қор босиб ётган музликларидан ёзи билан тўхтовсиз қуёшни тўсиб турадиган ёмғирли булутлари шароитида тирик мавжудот пайдо бўлиши амри маҳол. Албатта бу масалалар анча мунозарали бўлиб келажак авлод муаммони ечишга кўп ўзгартиришлар киритади.

Эҳтимол бизнинг турк ажодларимиз илк бор Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона, Самарқанд, Бухоро водийларига ва Сирдарёни қуйи оқимларига жойлашгандир, аммо табиатда бўладиган, zilzilалар, тоғ кўчишлари, вулқонлар, сув босишлар, ёнгин, қургўқчилик ва бошқа офатлар натижасида бир юз минг йиллар давомида Енисей, Иртиш, Олатау, Мўғулистон, Амур дарёси бўйларига секин-секин силжиган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

“Алпомиш” дostonининг қўнғирот версияси Т. Мирзаев ва Б. Саримсоқовлар X—XI асрда Орол денгизи атрофларида, Сирдарёнинг қуйи оқимида, дашти қипчоқда яшовчи туркий қабилалар орасида юзага келган деб ёзади (Алпомиш ва Рустам, Тошкен. 1985 й.).

Ўзбек фольклоршунослиги асосчиси Ҳоди Зариф “алпомиш” дostonини яратилишини мўғуллар истилосидан олдин яратилган деган фикрни билдиради. Чунки дostonда учрайдиган Барчинликент, Барчканд, Барчин ва Бойсун шаҳри ҳам Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган деб кўпчилик фольклорист олимлар фикрлайдилар.

Бундан хулоса чиқариш мумкинки, Кўнғирот ва бошқа айрим туркий уруғлар Чингизхон лашкари Моварауннахрга бостириб кирмасдан олдин ҳам шу ўлкада яшаганлар. Чунки Чингизхон 1220 йилда Моварауннахрга бостириб киради, аммо “Алпомиш” достонини яратилиши X—XI аср деб тахмин қилишади.

Демак, “Алпомиш” достонини кўнғирот версияси Чингизхон Моварауннахрга бостириб киришидан 100—200 йил олдин ҳам мавжуд бўлган. Кўнғирот ва бошқа туркий уруғлар қадим-қадимдан Марказий Осиёда яшаб келганлар ва “Алпомиш” достонини яратилиш даври профессор М. Саидов ва С. С. Суразаковларни фикрича патриал-уруғчилик даврини тугаб бораётган вақтига тўғри келади.

Хулоса қилиб айтганда Моварауннахрдаги ёки Ўрта Осиёдаги кўнғирот ва бошқа туркий уруғлар қадим-қадим замонлардан буён яшаб келганлар. Аммо Бойсун шаҳри Сурхондарё вилоятида “Алпомиш” “охири” (отта озуқа берадиган “оҳур”) ҳам Шерободдан Бойсунга кетадиган йўлда жойлашган.

Бизнинг фикримизча, “Алпомиш” достони аслида Аму-Шеробод-Бойсун, Хисор соҳилида яратилгандир. Чунки достонда учрайдиган айрим жойлар масалан: Кўкқамиш кўли, Элибой ёки белибойлилар, Аму ёқаси, 6-ойлик йўл эканлиги то Сирдарёни қуйи оқимиғача кўнғиротларни қадим-қадимдан Фузор, Деҳқонобод, Бойсун, Шеробод, Хисор воҳасида яшаган бўлса керак деган фикрга олиб келади.

Манбаларда, ривоятларда айтилишича, марказий Осиёда яшаётган кўнғирот қабиласининг асл ватани “жийдали Бойсун” дейилади. “Алпомиш” достонини аксарият вариантларида ҳам кўнғиротларнинг асл ватани “жийдали Бойсун” деб мадҳ этилади. “Жийдали Бойсун” қаерда жойлашганлиги ҳақида олимларда икки хил фикр бор: биринчиси Т. А. Жданко (1950), К. Л. Задихина (1952) ёзадиларки, Жийдали Бойсун Орол бўйида эмас, бу жой Сурхондарё вилоятининг Бойсун деган жойи билан боғланган дейдилар. Иккинчи фикр Х. Т. Зарипов (1959), Л. С. Толстов (1963)ларнинг ёзишича “Жийдали Бойсун” Орол бўйи билан боғланган, сабаби Сирдарёни қуйи оқимида Барчиннинг кўк шонаси, Барчикент, Барчканд, Барчин деган жойларни мисол келтирадилар.

Менинг фикримча, “Алпомиш” достонидаги Бойсарибой ўз акаси билан закот сўраганлиги учун аразлаб Сирдарёни қуйи оқимига, Орол бўйига, қалмоқлар юртига кетганда Сирдарё бўйларида ёлғиз қизи Барчинойга атаб шу юқоридаги шаҳар ва жойларни қўйган бўлса керак. Чунки қалмоқлар ўша даврда қозоғистон хулудида, Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимида доимо кўчиб юрган жанговар халқ бўлган.

Этнограф-ботаник И. С. Сагитов (1968) “алпомиш” достонини қозоқ, қирғиз, кўнғирот, нўғай, тотар ва олтой вариантларидаги келтирилган барча ўсимликларни, жумладан жийда ва “Жийдали Бойсун” иборасига эътибор бериб, жийда ўсимлигини Амударёни ўрта оқимида ҳамда тоққа яқин дойларда истеъмол қилиш учун кўп жийда дарахти мавжудлигини, жийдаларни оиласини этно-ботаник усуллар билан анализ қилиб Т. А. Жданко, Л. Д. Задихиналарни “Жийдали Бойсун” Сурхондарёни Бойсун воҳаси билан бағланганлигини тасдиқлайди.

С. И. Сагитов (1968) “Алпомиш” достонининг барча халқларда мавжуд бўлган вариантларидаги келтирилган: буғдой, сули, арпа, саксовул, жийда, тол, қамиш, мия, бойтерак, гужум, шакарқамиш, чинор, қарағай, арча, анор, гия каби дарахтларни анализ қилиб, айниўса жийдани истеъмолга монанд навлари ва бошқа ўсимликлар асосан Бойсун, Шеробод воҳасида ўсишини, бошқа жойларда (Орол бўйида, Сирдарёни куйи оқимида, нуғайда, Тотаристонда., Олтойда, сибирда бу келтирилган ўсимликларни кўпчилигини ўсмаслиги, яхши ривожланмаганлигини исботлайди.

С. И. Сагитов “Жийдали Бойсун” деган жой, яъни қўнғирот қабиласини асл ватани, авлод-аждодлари яшаган жой бу Сурхондарё вилоятининг Бойсун воҳасидадир, деб қатъий фикрга келади.

Профессор Ж. Э. Эсоновни берган маълумотларига қараганда, Бойсунда “Жийдали Бойсун” мазори Инқобод қишлоғи ёнида жойлашган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қўнғиротларнинг асл ватани қадим-қадимдан Ғузор, Деҳонобод, Хамкан, Кишак, Широбод, Ҳисор бўлиб ҳисобланади, Қўнғиротлар қабиласини аввал айтганимиздек, одамлари чорва моллари кўпайиб кетганлигидан, марказий Осиё, Сибирь, Афғонистон, ҳатто Мўғулистон ўлкаларига кенг ер, яйлов излаб кетган. Чингизхон ундан олдинги ва кейинги Шайбонийхонлар даврида Моварауннахрга келган қўнғиротлар ўзларининг ота-боболари юртига келишган. Шунинг учун ҳам тезда сингишиб, ўтроқлашиб бир уруғ бўлиб кетишган.

### ҚЎНҒИРОТЛАР ҚАБИЛАСИНИ КЕЛИБ ЧИҚИШИ,

Қўнғиротларнинг бош бобоси Элхон ўғли Қаёқ (Қаён — мўғул тилида тоғдан оқан сел. Тоғдан оққан селни барчасини Қиёт дерлар, яъни чаққон. илдам, бақувват ва тез маъносиди) инисининг ўғли Нукуз деб номланади. Элхон мўғул (мўғул — мунгли ул — сўзидан олинган) элига подшоҳ бўлган ва тотар хонларнинг тўққизинчиси Севинчхон билан доимо равишда уришиб голиб келган. Аммо тотарлар хони қирғизлар хонига кўп совғалар билан элчи юбориб ўзларига яқин биродар қилиб олдилар. Лекин бари бир Туркий мўғул хонларидан енгилла бердилар, шундан кейин тотарлар, биз хийла ишлатмасак туркий мўғул хонларини енголмаймиз, деб эртасига тонг пайти бостириб келдилар ва худди қочиб кетаётган лашкарлардек оғир юкларини ташлаб кета бошладилар. Туркий мўғуллар эса қочиб кетмоқда, деб орқасидан борди, аммо тотарлар хийла ишлатган эди, натижада туркий мўғулни қаттиқ уришиб тор-мор келтирди, ҳамда уруғларни барчасини қиличдан ўтказди, ёшларини асир олиб кетди. Бу жангда Элхонни 8 та ўғли ўлдирилди. Фақатгина энг кенжа ўғли Қаён ва инисининг ўғли Нукуз қолди.

Қаён билан Нукуз ҳам хотинлари билан кишиларнинг қўлида банди эди. 10 кундан кейин қочдилар ва юртига келдилар.

Муҳаммад Бухорийни “Шарафномаи Шохи” асарида ёзишича (1983) Ўғузхон давлати емирилгандан кейин минг йиллар давомида турклар билан бўғуллар қабиласи ўртасида душманлик пайдо бўлди. Элхон даврига келиб Моварауннахрни подшоси Тур ибн Фаридун ўртасида қаттиқ уруш бўлиб фақат иккита мўғул қолади. улар Кийан ва нукуз бўлиб, булар

иккита хотинни олиб қалин ўрмон ортидаги Арканакун осилган қалъада, яъни тоғига 400 йилга яқин яширинадилар.

Аркананакун тоғида кўпайганларнинг биринчи уруғи дурлакан, яъни нукуздан тарқалган барча қибалаларни Дурлакан деб айтишади ва 17 та қабилани ташкил этади.

Кўнғиротлар қабиласи ҳам Қайан ва Нукуздан ташкил топган.

**УРЙАНККАТ.** Бу уруғ ҳам ҚИЙАН ва НУКУЗдан тарқалган. Аммо бундан кўнғиротлар мўғулдан тарқалган деган гап келиб чиқмайди. Рашидуддиннинг найманлар ҳақида ёзган сўзини эсласак, яъни найманлар мўғул уруғидан эмас. Аммо мўғул давлати тасарруфида бўлган, шунинг учун ҳам мўғуллар дейди. Худди шундай кўнғиротлар ҳам асосан мўғул хонлари ҳукмронлик қилган даврларда мўғуллардан тарқалган ёки мўғул деб нотўғри тушунчага эга бўлган олимлар ҳам мавжуд. Кўнғиротларни мўғул деб ёритиш Чингизхон ва кейинги хонлар даврида этник маънода эмас, сиёсий маънода ишлатилган.

Абулғозихонни “Шажари турк” асарида қуйидагича ёзади: Қаён билан Нукуз ўзаро маслаҳатлашиб айтадиларки, агар элга борайлик десак, ҳамма томонда ота-боболари ҳукмрон бўлиб келган ва кичик уруғларни доимий равишда таъқиб қилганлиги учун бизга ёв назари билан қарайди. Агар юртда ўлтирайлик десак юрганга ва турганга учрашмасдан бўлмас дедилар. Қаён билан Нукуз айтадиларки, яхшиси кишиларнинг кўзи тушмайдиган тоғ орасига борайлик деб тўрт турлик молдан олдиларда, Арканакун тоғига яшириндилар.

Тарихий китобларда ёзилишича, 400 йилга яқин Қаён ва Нукуз уруғи ўша тоғ ичида яшаган. Қаённи авлоди Нукузни авлодларига нисбатан кўп кўп бўлган. Қаённинг авлодига қиёт, Нукузникига нукуз ва дурилган деб ном қўйдилар.

Қаён ва Нукуз авлодлари 400 йил ичида анча кўпайишиб тоғ камарига ўзлари ва моллари сиғмай қолдилар. Натижада кенгашиб айтдиларки, бизнинг ота-боболаримиз тоғнинг орқасида яшашган, бизнинг юртимиз ул ерлар, унда тотарлар ва бошқа эллар яшайди. Энди тоғни қарида қамалиб ўтирмайликда, йўл излаб чиқиб кетайлик, деб килишишади. Агар бизга ким ўзини дўст турса, кўришайлик, душманман деса курашайлик деб маъқуллашади. Бу тоғдан қандай чиқиб кетиш йўлини излаб юрганда бир темирчи уста айтадики, бунда бир темир кони бор, ўтин ва кўмир олиб келиб ёқиб эритсак йўл очилади деди. Худди Темирчи айтган ишларни амалга оширганда тоғ-темир эриб оқабошлайди, йўл очила бошланади. Натижада тева (туя) чиққудек йўл ҳосил бўлади ва натижада уруш бўлиб туркий мўғулни аскарлари ғолиб бўлди. Натижада 400 йилдан кейин туркий мўғуллар ўз ота юртларида тотар ва бошқа элларга бош бўлиб яшадилар. Кўп эллар, уруғлар муғул бўлмасда биз мўғулмиз деб паноҳ излаб қўшилдилар.

Абулғози Баҳодирхонни “Шажарайи турк” асарида ёзишича, Қаённинг наслидан бир кишини учта ўғли бўлиб каттаси Чурлик, мерган, иккинчиси Кубайшира, учинчиси Тусбудай. Чурлик мерган кунлардан бирида укаси Кубайшира билан уришди ва иккиси ҳам бир-бирига ёй олиб ўқталди. Аммо Кубайшира отини бўйнига энгашиб паноҳ излади. Чурлик мерган

инисини кўрқитмоқчи бўлиб шундай ёй ўқини отдики, укасининг қулоғидаги ҳалқадан ўқ ўтиб кетди. Чурлик мерганнинг бир ўғли бор эди, оти Кўнғирот бўлиб барча кўнғирот элиана шу уруғдандир. Кўнғирот уруғининг келиб чиқиши ва номи ҳақидаги Хофиз таниш Бухорий ўзининг “Шараофномаий Шохи” китобида кўнғиротлар Чурлик мерган ва Нукузнинг уруғидан келиб чиққан бўлиб, Арканакун тоғидан ҳеч ким билан маслаҳатлашмасдан ҳаммадан олдин кўнғиротлар чиқиб олган, натижада бошқа уруғларни чиқиш жойларини, бурчақларни эзиб ташлаган. Шунинг учун ҳам кўнғиротларни оёқ оғриш касали ўша сабабдан мавжуд дебёзади.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдарни “Тарихи Рашидий” асарида кўнғиротларнинг келиб чиқишида гуя олтин устунни учта ўғли бўлган, яъни каттаси Чурлик мерган бўлиб, бу авлодни кўнғиротлар деб атайди. иккинчи ўғли Кубайшира бўлиб, унинг авлодни инкирас ва Олкулут уруғлари бўлиб ҳисобланади. Учинчи ўғли тусбудайни Қоранут ва Кункилут ўғилларидан қораўут ва кункилут уруғлари тарқалган. Кункилутни ўғли Мийсар бунинг катта ўғлини оти курлас ва курлак уруғини шундан тарқалган, иккинчиси Элчикин бўлиб, барча элчикан уруғи шу кишидан тарқалган.

Кўнғирот уруғининг келиб чиқиши ҳақидаги ривоятларда Чингизхондан оолдин, кейин ўтган подшоҳлар ва бошқа уруғ кишилари билан бўлган муносабатда, бу қабила одамларини ўта илтифотли, мард, доно, полвон, ботир кўринишида ифодалайди. Халқ ривоятларига қараганда, бир чол ўзини қора-кўнғир отида, айрим ривоятларни фикрича, кўнғирбой чўлдан кетаётган экан, йўлда бир хон кўшни вилоятларга ҳужум қилиб, енгилиб, қочиб бораётган экан. Шунда чол айтибди: “Агар мен ўлсам битта-ю битта қариман, аммо сен ўлсанг бутун давлат бузилади” деб ўз отини хонга ҳадя қилиб юборибди, шунда хон айтадики, бир неча вақтдан кейин мени саройимга боргин. Шунда чол айтибди, машхур ва маълум бўлмаган мени олдингизга кўемайди, деганда хон айтибди, кўрғонни олдига бориб, қалпоғингни осмонга отасан, “Хонни кутқардим” деб. Кейин хон чақириб иззат-икром қилиб чолдан сўрабди, тила тилагингни. Шунда чол менга қўй, кенг яйлов (яъни Фузор — Бойсун чўлини берибди), қизларингдан бирини бергин, ёнимда ўйнаб юрсин деб. Хон чолни илтимосини бажо келтирибди, Шундан буён чол уруғлари кўнғирот қабиласини ташкил этибди.

Маҳкамбой Умаровнинг фикрига қараганда Кўнғирот сўзи икки қисмдан иборат бўлиб: Хун ва Қирот сўзларидан иборат бўлиб Қирли - адирли жойни одами деган маънони англатади дейди. Кубайширани биринчи ўғли Инкрасдан барча Инкрас уруғи тарқалгандир. Чингизхонни катта қизи Фуджин бегим эри Дулдай гуракан (гураган) ҳам шу Инкрас уруғидан бўлган. Кубайширани иккинчи ўғли Олкулутдан барча олкулут уруғи тарқалган бўлиб, Чингизхонни Алтануну (Олтин) исмли қизининг эри Тайджу гурган ҳам шу уруғдан эди. Ана шу туркий мўғул кўнғиротлар орасида яна дарлукин уруғи ва урйаут бўлиб, бу уруғлардан кункутан, аурлат, қилинкнит уруғлари тарқалгандир.

Кўнғирот кункутан уруғидан жуда кўп амирлар етишиб чиққан ва Чингизхонни онаси Оэлун-анка ҳам ана шу уруғдан ҳисобланади. Шу уруғдан Икчигани Кўкча исмли ўғли бўлган, кўкчани мўғуллар Тэб-Тангри (Тэб-Тангри лақаби эса “яланғоч ота”) келажакни башорат қиладиган инсон бўлган. “Яланғоч ота”ни (Тэб-Тангри) кўпинча кўнғиротларнинг пири деб юритишади. “Яланғоч ота” Тимучинга (Чингизхонга) айтади “Сен оламни подшоси бўласан” сени бундай Тимучин эмас Чингизхон десунлар деб лақаб беради. Чин мўғулча — бакувват, Тэб-Тангри қишдаги қаттиқ совуқларда ҳам яланғоч ва яланг оёқ юрар эди. Шунинг учун ҳам туркий халқлар “яланғоч ота” дер эдилар.

С. Аманхонов(1959) кўнғиротлар туркий халқлардан келиб чиққан деб таъкидлайди. Аммо Б(Х. Кармишева (1976) ёзадики, биз учун фарқи йўқ кўнғиротлар турклардан келиб чиққанми ёки мўғулларданми?

Кўнғиротларни келиб чиқиши масаласида олимлар илмий текшириш ишлари олиб борган ва олиб бормоқдалар.

Е. Э. Бергельс (1948), А. Маннонов (1959), Г. Ф. Блачова (1972), ва бошқалар. Б. Х. Кармишева(1976) ёзадики, кўнғирот қабиласи атрофида жуда кўп кучсиз ёки кам сонли қабилалар уруғлар паноҳ истаб келиб қўшилганлар ва Чингизхон ва уни авлодлари шу уруғдан қиз олганлар. ҳа, маълумки, Чингизхон Тойжувут уруғидан, онаси эса кўнғирот уруғидандир. Ана шу традиция Темур ва темурийлар даврида ҳам давом этган. Амир Темур ҳам кўнғирот Амир Газагонни набираси Улжой Турконга (Камолой)га уйланган. Ўлжой Туркондан Амир Темурни иккинчи ўғли Умар шайх туғилган. Хоразм кўнғиротлари, деб ёзади М. П. Магидович Шайбонийхон, ўзбекларнинг босиб олинишидан ҳам олдин Хоразмда ўзбеклар яшаганлар. Қозоқлар билан ўзбекларни иттифоқлиги кейинчалик пайдо бўлган деб кўрсатади ва бухоролик кўнғиротлар билан хоразмлик кўнғиротлар таркиби қозоқ-кўнғирот, яъни жуз-кўнғиротларга нисбатан яқиндир. Бундан ташқари айтиш мумкинки, ўзбек кўнғиротлари жуда кўп уруғлар: туркманлар, қорақалпоғлар, улуғ ва кичик жузалар, ҳамда айинли уруғлари ҳам қиради. “Куник” сўзининг маъноси “улуғ” демакдир. “Кўнғирот” сўзи балки “кўнқирот” бўлиши мумкин, чунки, “гард” бу шаҳар қ—ҳарфи кирилл алфавитида йўқ бўлганлиги учун бўзилиб “қират”, “гират” сўзи билан алмаштирилгандир.

Жадвал 1

Кўнғирот қабиласининг уруғлари ва оиласи

уруғлар				
Вахтамғали	Қўштамғали	Қонжиғали	Ойинни	Тортувли
1. Буржали	1. Тиловмат	1. Кулдовли	1. Ковка	1. Туғиз
2. Обоҳли (обоқли)	2. Кучахур	2. Желкилик	2. Кочай	2. Мунка
3. Ироқли	3. Бандикучук	3. Куртағой	3.	3. Ўр
4. Қайчили	4. Чолбачча (чол)	4. Тўпқора	Қорақалпоқ	4. Чупоқ (Тулкичи)
5. Қозоёқли	5. Оқпичоқ	5. Молтака	4. Тўпор	5. Хуросони
6. Қорақўнғирот	6. Мавлиш	6. Қора	5. Бешбола	6. Чулан (Қорамўйин)
	7. Кўса	7. Қорабувра	6. Чулан (чуран)	6. Обоҳли
		8. Дуска		

7. Уйивли (оювли)	8. Саврибузар	9. Гала	7. Туркман ойинни
8. Ишқили	9. Кал	10. Куғой	8. Хожибачча
9. Тороқли	10. Қорақал- поқ	11. Куйин	9. кал
10. Чанқиқли (Чанч кўли)	11. Тулангит	12. Улус	10. Қора
11.	12. Утроқи	13. Чуллик	11. Оқтона
Қийғошли	13. Барчоқ	14. Қоракур- сок	12. Ойтамғали
12. Хандакли	14. Кулоби		
13. Боймоқли	15. Қорагос- моқ		
14. Очамайли	16. Замбири		
15. Гиламбобо ли			
16. Ушқули			

Натажида Кўнғирот — Кўнқират улуғ шаҳар” маъносини ҳам билдириши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Абулғози Баҳодирхон Ҳофиз Бухорий Кўнғирот қабиласини аслида мўғуллардан келиб чиққан, деб ёзади. Аммо Рашидиддин булардан 300 йиллар олдин кўп уруғларни мўғуллардан келиб чиққан деган фикрни муҳокама қилиб, мўғуллар империяси даврида кўпгина уруғлар қадимий туркий халқ бўлсаларда, давлат тепасида мўғул хонлари турганлиги учун мўғуллар бир этник манода эмас, аксинча сиёсий нуқтаи-назардан аталгандир дейди. Кўнғиротлар қабиласи 5 та уруғга бўлинади: Вахтамғали, Қўштамғали, Қонжигали, Ойинали, Тортувли.

Кўнғирот уруғи 64 та отадан тарқалган қabila бўлиб, (жадвалга қаранг). Бу уруғлар яна оила ва бўғинларга бўлиниб кетади. Кўнғиротларни ҳозирги кунда бўлиниши 300 тадан ошиб кетади. (Дониёров, 1968).

1. ВАХТАМҒАЛИ. Вахтамали уруғини Х. Дониёровна (1968) ёзишича, ўзи 16 та отадан (бўғиндан) тарқалгандир: буғажили, обохли, ирғоқли, қайчили, қозоққли, қора-кўнғирот, уйивли, ишқили, тороқли, чанқиқли (чанчкули), қийғошли, хандакли, боймоқли, очамайли, гиламбобли, ушқули.

Б. Х. Кармишева (1976) маълумотларида гиламбобли, ишқули бўғинлари Вахтамғали уруғини таркибида йўқ. Аммо чўмичли, жилантамғали, болғали, кесаули бўғинлари киритилган. Автор очамайли бўғинини ўзи: занник, кўса, калирис, чилвирлиқ, олмабош ва чанчиклини ўзи: тужа қозоқоққли, жортибош оилаларига бўлинади. Тужани ўзи яна кар-тужа, габал-тужа, қозоқоққли—мирзотоп, худойкултоп, жартибош-жуннибош, барак оиласаларига бўлиниб кетади.

Болғали бўғини: меркит, чоғир-чачир, покискар, бешул, сарт, кўса оилаларига бўлинади. қора-кўнғирот бўғини чақмоқли оиласига ва ўз навбатида: салакай, қонжаки, кенжа-салакай, туқсоба кўча оилачаларига бўлинади. Қора-кўнғирот бўғинини қозоқ оиласи: чўққабаш, ғаллабой оилачаларига бўлинади. Терс оиласи чауджойли, Кесаули оилачаларига бўлинганлиги кўрсатилган. Бу бўлинишлар албатта шартли равишда бир бўғиндаги оила номлари бошқа бўғинларда ҳам учраб туради.



Кўнғиротларни умумий тамғаси П “бўсаға” кўринишида эканини В. В. Востров, М. М. Муканов (1968) кўрсатади. Р. Г. Кузеевни (1974) берган маълумотларига қараганда қозоқ кўнғиротларини тамғаси Л, Л кўринишида берилади. Олтин Ўрда хонларининг тамғаси ҳам кўнғиротларнинг тамғасига ўхшаш бўлиб, Л, Л, Л кўринишидадир. Олтин ўрда хонлигида кўнғиротларнинг мавқеи баландлигини тамғасини ўхшашлишидан ҳам билса бўлади.

Кўнғиротларни тамғаси герей ва қарағай оилаларига кирувчи бушман, суун бўғинларида ҳам ўхшашдир. П, Л, Л Бушман қабиласи Бачман—қилчоқ бошчилигида Волга дарёсини юқори қисмларида Менгу-Қоонга қаттиқ қаршилик кўрсатади. Аммо Менгуқоон шафқатсиз равишда Бачманни жазолайди. Бушман қабиласи халқлари Олтин Ўрда хонлигида кўнғиротлар таркибига кириб паноҳ топади.

Кўнғиротларни “бўсаға” кўринишидаги тамғаси урхун-Енесей алфавитларида учрамайди. (Кузеев, 1974). Демак, кўнғиротларнинг умумий тамғаси бошқирд (П, Л, Л), қозоқ, қора гирей (Л) кирей (□), кичик жүз (Л), кичик жүз султонларини (Л) ( ) ва Олтин ўрда хонларини тамғалари билан бир-бирига қисман ўхшашдир. Демак, кўнғиротларнинг умумий тамғаси Марказий Осиё ва волга бўйи халқларининг тамғаси билан ўхшаш бўлиши кўнғиротларни қадим-қадимдан Фузор—Дехқонобод, Хамкан, Киршак—Бойсун, Шеробод—Термиз ва Ҳисор водийсида Сирдарё ва Орол денгизи бўйларида яшаган деган хулосага келиш мумкин.

“Вахтамғали” Вахий сўзидан “Вах” — олинган бўлса, керак. Аммо “Вах” ва “тамға” сўзлари бирикмасидир. Маълумки, “тамға” — белги, яъни кўнғиротларни тамғаси бўлиб, биз юқорида сўзлаб ўтдик. Аммо “Вахий” сўзи кўпинча Худо томонидан берилган, ёки айтилган амр маъноларда ишлатилади. Худо томонидан насиб этган ёки ёқтирган бандларига вохий келтиради, дейди, яъни хабар беради. Вахий сўзи покизалик, ярим ой маъноларида ҳам ишлатилади. Ҳар ҳолда “Вахтамғали” Худо томонидан берилган, юборилган амр этилган, тоза, покиза, халол маъносигадаги уруғ демоқчи бўлса керак.

ОЧАМАЙЛИ. Кўнғиротларнинг вахтамғали уруғининг бир бўғини бўлиб, ўзбек ва қозоқларда очамайли бўғинини тамғаси — туяни эгари каби бўлиб, қозоқларни кирей уруғини ҳам тамғаси шу кўринишда бўлади. Қорақалпоқларда, ўзбекларда, қозоқларда очамайли бўғини уй қуришда жуда уста бўладилар. Шунинг учун қозоқларни “уйши” деб ҳам аталади. Шу китобни муаллифи ҳам очамайли бўғинини кўса оиласидандир.

ҚОЗОЁҚЛИ. Қозоёқли бўғини номи (ғоз оёқли) сўзидан олинган бўлиб, бошқирдларда “пуйир оёқ” (ножки гулхаря) ёки “гусинные лапки” қозьяк — қорақалпоқларда қозаёқли, нугайларда казаяк. Қрим тотарларида казаяк деб юритилади.

ТОРОҚЛИ. Тороқли бўғини тамғаси П (тороқ- бўлиб, бу халқни айрим этнографлар ўрта жузга, бошқалари арғин уруғига қўшадилар.

Қозоқларни ривоятларига қараганда тороқли бўғини Ақжони (Ўрта жузни машхур бобоси) канизакларидан пайдо бўлган боласидан тарқалган авлод.

**ҚУШТАМҒАЛИ.** Қўштамғали уруғи ҳам 16 та отадан тарқалгандир: тиловмат, кўча хўр, банди кучук, чолбачча, оқпичоқ, мавлиш, Кўса, Соврибузар, Кал, Қорақалпоқ, Тулангит, Ўтроқи, Бормоқ, кулоби, қорғосмоқ, Замбири.

Ўз навбатида тиловмат бўғини қуйидагича оилачаларга бўлинади: Тулибой, Холибой, Қўйлибой, Ирисбой, Тагайбат, Чағир, Хайбат Имамкулчут, Берди, Душа, кал, бўғини: Беган-кал, Қорахол, Беш калтак, Майда-кал, Сопибачча, Тентак, Ойлачапарга бўлинган. Бармоқ бўғини: Жиянсарой, Турсунжетим, катта бармоқ, шердак, Исмони, Нака, қанчи оилачаларига, Банди Кучук, эса Кўса, Узун, Бешёғоч, Бойботир, Жабу, Дамғарин, (Дамқорин), Чаламулла, Хўжа шаҳобчалари мавжуд. Мавлиш бўғини Одилтоп, Ўғилбердитоп, Ҳозитоп, Жонқобилтоп, Сапартоп, Калмуллатоп, Қўйсийрактоп, Курдантуққан, Қоракалтак, Норбика, Кўса, Саккиз, Устабачча, Вайбай, Алдай, Абилбачча, Қозоқ, Аузбачча шаҳобчаларига бўлинади.

Қўштамғали уруғини тамғаси албатта кўнғиротлар умумий белгисини икки марта (кўшма) берилиши билан боғланган бўлса керак. Биз ўқиган китобларда Қўштамғали уруғини тамғасини учратмадик.

**ҚОНЖИҒАЛИ.** Кўнғиротларнинг қонжиғали уруғи 14 та отадан тарқалган бўлиб, Ўзбекистонни Сурхондарё, Хоразм, Тошкент, Қашқадарё вилоятларида, Қорақалпоғистонда, айниқса Қозоғистонда, Оғин уруғи таркибида ва бошқа жойларда кўп учрайди. Маълумки, Оғин қабиласи 92 бовли ўзбек элининг уруғларидан бўлиб ҳисобланади.

Қонжиғали уруғи қуйидаги бўлақларга бўлинади: Кўлдавли, Желкилак, Қўртоғай, Тўпқара, Молтака, Қора, Қорабувра, Дўска Чала, Нуғой, Қўйин, Улус, Чўллик ва Қорағурсак, Улус ўз навбатида урис оиласи, бу ҳам Қарға, Дудаль, Жорт, Бекдан туққан, Шердан туққан, Худоярдан туққан шохобчаларига ажралади. Хўжакул бўғини: Арриқ, Қурбонкул, Ўртакедди, Ажина, Тентак ва Эшабоши каби шохобчаларга бўлинади. Чўллик оиласи: Чауллик, Қўпиш (қопиш), мади, Чамбил, қулбрун, Питак, Жонғаботир, тошат, Чорбетим (шўр жетим), Гулжетим, Доуджетим шаҳобчаларига бўлинади.

Қорағурсак эса Сарик, Қарға, Чалаботир, Чалахоя, Питакут, чоржетим (Шўр жетим) шаҳобчаларига бўлинади. Кўлдавли оиласи: Кичи-Кўлдавли, қорақашқа шаҳобчаларига бўлинади.

**ОЙИНИИ.** Кўнғиротларни Ойинни уруғи 12 та отадан тарқалгандир: Қовқа, Қочай, Қорақалпоқ, Тупор, Бешбола, Чулан, Туркман ойинни, Ходжибачча, кал, Қора, Оқтона ва Ойтамғали.

Ойинни уруғини тўпор оиласи: Бозортухуми, мерганча, чоркалла ва Нуғай бўлақларидан таркиб топган.

Кўнғиротлар қабиласининг Ойинни ёки Ойинли уруғлари ўзбекларда Ойинни, туркманларда — ойи, бошқирларда Ой, Ойли бўлиб ўрта асрларда Ой номи билан юритилган. Ойинни уруғини тамғаси ярим ой ) кўрнишида бўлади.

Бошқирдлардаги Ой, Тирноқли, қоратовли, Туркман бўғинлари келиб чиқишини “Бошқирд тоғидан” деб кексалар ривоят қилишади. “Бошқирд тоғи” ҳозирги Сурхондарё вилояти, Шеробод райони Пашхурд деган жой эътиборга олинган. Ривоятлар кўп бир вақтлар ҳозирги бошқирдларни Ой, тирноқли, қоратовли, бўғинлари Ўзбекистонда “Бошқирд тоғида” бир отар қўйларини йўқотганлар. натижада қўйларни ахтариб Урал тоғларига ва ҳозирги Бошқирдистонга келиб қолганлар дейди.

Бошқирд тотарларини Мурзаларбўғини қадимда “Қайеп” деган жойда, яъни Сир бўйида яшаганлар дейилади. Ривоятларга қараганда Мурзалар бўғинини бир бойнинг кулракни оти ва байтали ҳамда чиройли Гаделбону деган қизи йўқалибди. Буларни учта ёш йигит излаб қизни Урал тоғларини юқори қисмида гўзал бир табиат манзараси ва дарё бўйида топибди. Бу дарёни Ой деб номлаб тоғини эса “Кудрат тоғ” деб аташибди. Қайтиб Сирдарё бўйларига келганда бу ажойиб водийни гапириб берибди. Мурзабек бошчилигида Бошқирдистонга келганлари учун Ой уруғини Мирзалар бўғини ўша киши авлодлари дейди.

Бошқирд тотарлари ривоятларини деярли ҳаммасида ўзларини Ўрта Осиёни “Бошқирд тоғидан” ва Сирдарё бўйларидан келганлигини куйлашади. Бошқирд халқи этнонимиди, Бухор, сарт, ўзбек, қизилбош, туркман, қорақалпоқ сўзларини бўлиши авлод-аждодлари Ўзбекистонни Сирдарё бўйларидан кетганликларини кўрсатади.

Ойинни уруғини келиб чиқишини Рашидиддин Ўғузхон билан боғлайдилар, яъни яраз, дукер, дургэ ва яирли бўғинлари бирлашиб Ойинни уруғини қадимда ташкил этган дейилади. Рашидиддин “Жамъе ат товарих” асарида ёзишича Ўғузхонни Ой деган иккинчи ўғли бўлган. Ойтамғали, Сарт—Ой каби Ойинни уруғини бўғинлари қадимги Ўғузхон билан боғлангандир.

Туркий халқлардаги Ой билан боғланган барча қабила ва уруғлар Ўғизлар билан боғлиқдир.

Нурота туркманларини, Бошқирд Ойинлари Ўғузлардан келиб чиққанлиги исботланган. Масалан, Нурота туркманларида олти ота — Ойтамғали, ҳамда туғиз, тўғизак этнонимлари қирғиз, туркман, қозоқ, қорақалпоқ, нўғай — “Тукуз” (тўғиз бўлса керак) формасида қадимги Ўғузлар билан боғлангандир. Сирдарё, Орол бўйларида Сурхон — Шеробод воҳасидаги ҳаракатлари, юришлари асосида туркий халқлардаги Ой уруғи, яъни Ойинни уруғини келиб чиққандир.

Қадимдан Ойинни уруғини Ўғузхон даври билан боғланиши кўнғиротларнинг қадим қадимдан Шеробод — Бойсун воҳасида, Сирдарё бўйларида яшаганлигини билдиради. Айрим муаллифларнинг ёзишича, кўнғирот уруғи Чингизхон, Шайбонийхонлар билан кириб келган, холос, дейиши, ҳақиқатдан йироқдир. Албатта Чингизхон, Ботухон, Шайбонийхон армияси сафида кўнғиротлар бўлган, ammo бу кўнғиротлар айниқса Ойинни уруғи ўзларининг қадимги аجدодлари ёнига келиб қўшилганлар, холос.

ТОРТУВЛИ. Кўнғиротларнинг тотубли уруғи 6 та отадан тарқалган бўлиб: тўғиз, мунка, ўр, чўпоқ (тулкичи), хуросони (Қора муйин), обохли. Бу уруғни энг катта бўғини Тўғиз бўлиб, қуйидаги шахобчаларга бўлинади:

вадамалик, шоғол, балхижамбаш, бўрибой, қутчи, садри, қони, минг-тўғиз, кирбалак, мандак, кўккалабош ва сийрак шахобчаларига бўлинади.

Мунка оиласи оқсоқбачча, заргар, сўнгкелди, шохобчаларига бўлинади. Майдатуб оиласи: хуросони, шоликор, қорабуюн, чайратим, кўса, колбачча шахобчаларига бўлинади. Чўпоқ оиласи: аллан: тулкичи, сорихўжа, қизилбош шахобчаларига обахли эса иргакли, карапчи, мурудбачча, чориш, рахли шахобчаларидан иборатдир. У ўз навбатида — бўрибой, шихназар, урис, калча, хап, чуа ва бешқозон оилаларига бўлинади. Бўрибой дальба, қораберди, жангали, итболиқ шахобчаларига, шихназар — лўлибачча, кўктирноқ, парман, ўрис — бектўда, ойбош, хоса, жастабан, чадай шахобчаларига бўлинади. Калча оиласи: азгач, оқбой, барнай (карнай) шахобчаларини ташкил этади.

Шу юқоридаги уруғларни шажаралари Х. Дониёров (1968), Б. Х. Кармишева (1976) ҳамда кўнғирот уруғини кексаларидан сўраб олинган маълумотлар асосида ёзилган.

Ўзбекни — хоразм кўнғиротлари билан қолрақалпоқ кўнғиротлари ва Сирдарё куйи оқимидаги Кўнғиротларни урфи-одатини, уруғлари, оиласи бир-бирига генетик нуқтаи назардан ҳам яқин эканлигини Т. А. Жданко (1950, 1974) ўз илмий ишларида кўрсатади. Қорақалпоқ, Хоразм ва Шарқий-жанубий Бухородаги (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари) кўнғиротларда 8 та умумий этник бирлик мавжуддир: Очамайли, болғали, бугажили, конжигали, қора-гурсак, қўштамғали, тортувли ва тўғиз. Демак, Шарқий Бахоро, Хоразм, Қорақалпоқ, Куйи Сирдарё, Орол бўйи кўнғиротларининг авлод аждодлари бир экан деган хулосаларга қелиш мумкин.

Л. С. Толстова ёзадики, (1961) Қорақалпоқлар ўзбек кўнғиротлар таркибига киради. Улар Сирдарё бўйларидаги районларда яшаб бир қисми Кўқонгача кўчиб кетганлар, кўп қисми Зарафшон водийсига, Жомбойга бундан 250 йил олдин Олтинбошбойни учта укаси билан Ғўзор водийсини Пачкамар деган жойга кўчиб бориб ариқ қазиб сув чиқарганлар. Кейинчалик Сурхондарё вилоятининг Хамкан ва Қиршақ каби жойларига бориб, Ғўзор ва Шерободнинг орасидаги паст тоғ титзмалари орасига жойлашган.

Менинг назаримда ўша Кўқон, Жомбой, Ғўзор, Пачкамар, Хамкан, Қиршақ, Шеробод каби жойларда олдиндан Кўнғиротлар яшаган, улар билан доимий алоқа боғланган, қариндош уруғчилиги бўлгани учун ўша жойларда ўзига, молига катта территориялар ажратган, акс ҳолда бу кўчманчилароз сонли кўнғиротларга маҳаллий халқ имконият бермас эди.

Р. Г. Қўзиевни Бошқирд халқининг этногенези ва этник тарихи соҳасида олиб борган илмий ишлари ўзбек, айниқса, кўнғирот қабиласининг ойинли уруғининг келиб чиқиши ҳақида қимматли маълумотлар беради. Бошқирд халқининг ривоятларига қараганда, ойли (айли) уруғини ота бобоси, авлод-аждодлари Ўрта Осиёнинг “Бошқирд тоғи” томонидан келиб қолган, сарт-ойлиси эса Сирдарё бўйларидан, деб ҳикоя қилади. (Қўзиев, 1968, 1973). Агар бошқирдларнинг авлод аждодлари Ўрта Осиёнинг “Бошқирд тоғидан” келган бўлса, бу ҳолда улар IX—X асрларда ёки чингизхоннинг Марказий Осиёга ҳужумидан олдин келган

бўлади. Чунки 1238 — 1239 йиллар Ботухон армияси Можор, Бошқирд, Рус ва Курил ерларига ҳужум қилади ва Идил (Волга) дарёсидан ўтиш учун Шайбонга 1000 кемани бошқирдларга тайёрлаттиради. Шайбони армияси таркибида жуда ҳам кўп туркий ҳамда кўнғиротлар бўлган. Шунинг учун кемани тайёрлашни фақат кўнғирот—ойинлининг уругига топширган бўлса керак.

Демак, Кўнғиротлар, айниқса, Кўнғиротларнинг ойинли уруги қадим-қадимдан Ўрта Осиёда, жумладан Сурхондарё, Қашқадарё воҳасида яшаганлар.

Кўнғиротларни XVII асрнинг бошларида Моварауннаҳрга Шайбонийхонлар билан келиб қолган, деган тушунча нотўғри. Фикримизча Шайбонийхонлар билан кўнғирот қабиласининг баъзи бир уруғлари келиб қолгандир, холос ва қадимдан яшаётган шу ерлик кўнғиротлар билан қўшилиб, уйғунлашиб кетган бўлиши керак.

Кўнғиротларнинг асосий тамғаси “П” (бусоға) бўлиб, айрим ҳолларда ярим ой кўринишидаги ( ) ) белги ҳам асосий тамға ролини ўйнаган.

“П” ва ярим ой ( ) ) шаклидаги темир халқаларнинг дарвозага тамғаларни қоқиб қўяди.

Масалан, ҳозир ҳам Шеробод, Аноор туманларида яшовчи кўнғиротлар мен отларни ёки кўйларни тамғалаб қўйдим, дейди. Яъни бусоға ёки ярим ой из шаклидаги тамғани оловда қизитиб от ва қорамолга босиб белги қилиб қўяди.

Қонжигали — сўзини яъни ёқаси қон ёки ўрушқоқ, доимо ёқаси урушиб қон бўлиб юрадиган маънодами ёки бошқами, аммо кўнғиротлар кийимининг ёқасига нисбатан жиға ёки жоға, жоғалашма, деган иборалар ишлатилади. Бундан ташқари айтиш мумкинки, кўпинча кекса кўнғиротлар жиға, жоға, одамларини кийимларини жоғаси (ёқаси) ҳам ярим ой шаклида бўлган бўлиб, ҳозир ҳам кексаларни кийимида учраб туради.

Бошқирдларни ривоятда бошқирдларни “Бошқирдлар тоғи”дан келиб қолган дейиши, Б. Х. Кармишева (1976) ёзадики, қандайдир “Пашхурд тоғ”лари билан боғлагандир. Чунки географик ўхшашликдан ташқари Пашхурдда (Сурхондарё вилоятини Шеробод туманида) ва Бошқирдистонда кўнғиротларни ойинли (айле) уруги орасида жуда кўп ўхшашлик бор дейди. Маълумки Пашхурд водийсида ўзбек, туркман уруғларидан туркман, баташ, қутчи, хитой, номигагина ҳозир сақланиб ўтроқлашиб, ўзбек тилида гаплашиб, кетган. Чигатой тожиклари вандобликлар, шержонликлар тожик тили билан ўзбек тилида баравар гаплашадилар.

Бойсун воҳасида яшовчи тортувли уругини бир даҳаси тирноқли деб аталади. Худди шундай тирноқли доҳа—оила Бошқирд халқининг ай (айинли) уругида ҳам мавжуд бўлиб, уларни Сирдарёлик бошқирдлар дейди. Р. Г. Кўзиевнинг ёзишича, Сирдарёнинг Орол денгизига қўйилишида Шимолий ғарб томондан “Кўктирноқ” ярим ороли мавжуд. Менинг фикримча, биринчидан, тортувли уругини “Кўктирноқ” даҳасини

авлод-аждодлари, авваламбор, Бойсун воҳасида яшаганлар, амо Бойсун, Шеробод, Термиз водийси жуда кўп урушларни макони бўлган, чунки Доро, Кайхусрав, Искандар, Чингизхон ва бошқа жаҳонни титратган золим ҳукмдорларни тез-тез бўлиб турадиган жангу-жадалларни нафақат “кўктирноқли” ва бошқа кўпгина кўнғирот қабиласининг уруғларининг Сирдарё, Орол бўйларига ва кейинчалик Идил (Волга), Ёйик, Об, Енисей (Энасой) бўйларига кўчиб кетиб, у жойларни бошқирдларга ўхшаб, макон қилган бўлсалар керак.

Бизга маълумки, XV—XVI асрларда Бухоро хонлари зулмидан қочиб Сибирни ватан қилиб бориб қолган сибирлик ўзбеклар мисол бўла олади. Иккинчидан, балким, кўнғиротларни асл келиб чиқиши ватани сирдарёни кўйи оқим Орол бўйларини бўлиши мумкин. Чунки кўнғиротлар ўшадаврларда кўчманчи чорвадор бўлиб яшаб келганлар. Кўнғирот уруғини одамларини, молларини кўпайиши янги яйлов истаб бир қисми шимолга, бир қисми Олтой тоғларига, бир қисми Ғузор Бойсун — Шеробод Ҳисор водийларига кўчиб келган бўлиши мумкин. Барибир тарихий манбалар, ривоятлар, “алпомиш” достони ва халқ оғзаки ижодиёти гувоҳлик берадики, кўнғиротлар қадим-қадимдан Сурхон — Шеробод воҳасида яшаб келганлар. Чунки туркий халқларнинг машхур достони “Алпомиш”да асосан кўнғирот версияси етакчи ўринни эгаллайди. Достонда кўнғиротлар ёз бўлганда кўй, от, подаларини Амударёси ёқасида боқиш ва кўнғиротлар Бойсундан чиқиб Сирдарё ва Орол бўйи орқали Қалмоқлар юртига 10000 уйли, яъни ҳар бир уйда 5—6 тадан одам бўлганда ҳам 50—60 минг киши кўчиб жўнайди. Аммо Бойбўрининг атрофида ҳам, Бойсунда, бундан ҳам кўп киши қолади. Ўша пайтда кўнғиротлар “Алпомиш” достонининг маълумотларига қараганда 16 уруғ бўлган. Ҳозир Бойсунда яшовчи “тортувли” уруғи 6 та уруғдан иборатдир. Менинг фикримча, кўнғиротларнинг баъзи бир уруғлари кейинчалик бошқа қабилла, уруғ, миллатлар таркибига кириб кетган бўлсалар керак. Менинг назаримда С. С. Суразаковнинг “Алпомиш” достони патриархал уруғчилик муносабатлари емирилаётган даврда пайдо бўлган, деган фикри ҳақиқатта яқиндир.

Кўнғирот қабиласининг тотувлиги уруғини тўғиз даҳаси, бошқирд уруғида ай, вахтамағали уруғида гобалак-тужа, балким Кирбалак бошқирдларда кубалак. Бу номларни шундай катта территориядаги халқларда бўлиши кўнғиротлар қадим-қадимдан Сурхондарё вилоятида яшаганлигидан дарак беради. Масалан: қозоқларда, қорақалпоқларда, олтойликларда, туваликларда, Шерободда кўнғирот уруғини тўғиз даҳаси бордир. Масалан: Чанчули авлоди гобалак-тужа, қора тужа билан бириктириб чанчиқли оиласини ташкил қилган.

Ўзбек кўнғиротларини ирис, мавлиш, қарға, қозоёқли, тўғиз, қорақалпоқ, туркман уруғи туркий халқларнинг кўпчилигида учрайди. Хуросонда (ҳозирги Афғонистон ва шимолий шарқий Эрон) ҳам кўнғиротлар бўлган. Масалан: шоҳ Исмоил астрободга бостириб кириши олдида бу вилоятни Хўжа Аҳмад — кўнғирот бошқарган. Н. М. Приживальский фикрича, Хуросондаги кўнғиротлар, асосан Чингизхон биланбирга келганлардир. Шарқий Туркистондаги хуросонликлар (бу

хуросонликлар В. П. Юдиннинг (1965) маълумотларга қараганда мўғуллар Ирак, Эронни эгаллаганда борганлар ва темурийларга ҳам хизмат қилган), кейинчалик Қашқарга қайтганлар. Ана шу ардабелликлар, Оқсувликлар Туркистон кўнғиротлари билан алоқа боғлаганлар ва ҳозир ҳам айримлари Кабадианда ўзбек кўнғиротлари билан уйғунлашиб кетишган. Хуросонли ўзбек кўнғиротларидан Жиззах вилоятида ҳам истиқомат қиладилар.

Кўнғиротларнинг тилида қипчоқ шиваси сақланиб қолган ва 6 та келишик ва 9 та товуш мавжуддир(Дониёров, 1968).

Нажимов К. (1958), Кармишева Б. Х. (1976) маълумотларига қараганда кўнғиротлар Хоразмдан, айниқса Қоракўнғирот уруғи 400 йилдан олдин келиб қолган деб кўрсатади. Авторлар айтадики, кўнғиротлар Аркаюртдан келиб қолганлар. Арка-юрт деб, шимолий қозоғистон, шарқий сибирь тушунилади. Чунки, деб ёзади, ўрта жуз уруғи билан кўнғиротлар авлодларининг бир номдагиси кўп.

Менинг фикримча, бунда кўнғиротларнинг Арканакун тоғида 400 йил бўлганлиги эътиборга олиниб айтилган бўлиши мумкин. Лекин арканакун тоғидан кўнғиротлар (Қайон ва Нукуз авлоди) чиққанига, рифоятларга асосан, минг йиллар ўтган бу Ўғузхон даврида содир бўлган. Аммо ўзбек кўнғиротлари билан қозоқ кўнғиротлари ўртасида қариндошлиги тўғри, чунки қозоқларда ҳам ўзбекларда ҳам ривоятларда сақланган: Масалан, Сурхондарё вилояти Ангор тумани “Мустақиллик” колхозида яшовчи Ҳайдаров Хушбек бобонинг маълумот беришича, бундан 180 йиллар олдин Қизил ўрда худудидан Жарқўрғон районининг Оқтепа қишлоғига қариндошлари олдиға кўнғиротлар келган. Умуман олганда, кўнғиротлар ўз авлодларини арка-юртидан десалар ҳам, аммо “Алпомиш” достонида кўнғиротлар Фузор — Бойсун чўли, баланд бўлмаган тоғлар ораси, яъни Фузор, Деҳқонобод, Бойсун, Ҳамкан, қиршак, Пашхурт, Шеробод ва Хисор воҳаларини ўзларининг қадимги ватани деб атайди. Назаримда, Қозоғистон, Шарқий Сибирдан келган кўнғиротлар Фузор — Бойсун, Шеробод ва Хисор водийсига яъни авлод аждодлари юртига қайтиб келганлар бўлса керак. Шунинг учун бўлса керак, кўнғиротлар айтадики, “от айланиб қозигини топади” деб. Жучихон армияси сафида 4000 кўнғирот бўлган. Ботухон даврида ҳам кўнғиротлар ўз уруғини мустаҳкамлаганлар.

Ҳозирги Тошкент шаҳри атрофидаги кўнғиротлар Шайбонийхон (1500—1510) даврида келиб қолганлар (Наджимов, 1958) ва темурийлар давлатининг ҳар бир вилоятини ўзбекларга Шайбонихон бўлиб берган. Масалан: Термизни кўнғиротларга, Қундузни қатоғонларга яъни Сурхондарёлик кўнғиротларни Хоразмдан келиб қолган деган сўзига қўшилиб бўлмайди, чунки Алпомишни ватани бўлган Бойсун — Сурхон кўнғиротлари, юқорида биз айтдик, қадим-қадим замонлардан бери Сурхон—Шеробод, Деҳқонобод, Ҳамкан, Фузор ва Хисор водийларида яшаб келган.

Шуни айтиш керакки, Чингизхон, Ботухон, Ўзбекхон, Амир Темур, Тўхтамишхон, Абулхайрихон, Шайбонийхон, Абдуллахон Бухорода манғит хонлари даврида ҳам фақатгина асосан кўнғирот ва манғит уруғлари ўзининг жанговарлик руҳини, мавқеини, урф-одатини, таркибини

бутунлигича сақлаб келганлар. Бу ҳақда Рашидиддин (1952) ва бошқа олимлар ёзиб қолдирганлар.

Чингизхон замонида кўпгина амирлар ва ҳақонлар кўнғиротлар уругидан эди. Кўнғирот уругининг эркалари Чингизхоннинг уругининг қизларига уйланар эди. Чингизхон ва ундан олдинги ва кейинги замонларда кўнғиротларнинг мартабаси юқори бўлган, ҳатто ўша давраларда ўлтирганда, кўнғиротлар Чингизхоннинг ўғилларидан юқори ўлтирганлар.

Назаримда “отадан тоға улуг” деган халқ иборалари ўшша замонда кўнғиротлар қабиласи мисолида келиб чиққан бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Чингизхон ва ундан олдинги хонлар ҳам биринчи хотини фақат кўнғирот қизларига уйланганлар. Чингизхонни онаси Ойлуи эка кўнғиротлар по”лшосининг қизи бўлган. Н. А. Аристов (1896) ёзадики, кўнғиротлар қабиласи юқори табақа ҳисобланиб, Чингизхон авлодлари асосан кўнғирот қизларига уйланганлар. Чингизхоннинг иккинчи ўғли (жами 9 та ўғли бўлган ҳақиқий хотинидан 4 та ва 5 та маъшуқаларидан) Чигатойхоннинг иккита энг улуг мўтабар хотинлари ҳам кўнғиротнинг подшоси Куба нуён деганнинг қизи эди. Чигатойхоннинг мўтабар ўғилларидан Мутукун Ясулун кўнғирот хотинидан туғилган. Чигатойхоннинг Ясулун хотини вафот этгандан кейин Чигатойхон синглиси Туркон хотунга уйланган ва кўп ўғиллар туғилган.

Кўнғиротлар Олтин Ўрда хонлигида катта мавқега эга бўлганлар. Шунинг учун жуда кўп уруғлар, қабилалар, кўнғиротлар билан яқин алоқада бўлиб, кўнғиротлар уруги иттифоқига кирганлар, ана шундай уруғлардан бири кирейлардир. Олтин Ўрда хонлари кўпинча кўнғирот қизларига уйланганлар. Масалан, Олтин Ўрда хони Тўхтамишхонни онаси Кунчик кўнғирот уругига мансубдир. Тўхтамишхонни ўзи ҳам кўнғирот қизига уйланган. Чунки, кўнғиротлардан қадим-қадимдан подшоҳлар, улуг амирлар, олимлар, Саркардалар етишиб чиққан.

Кўнғирот Амир Қазагон. Амир Қазагон кўнғирот қабиласидан бўлиб, мўғулларнинг 130 йиллик ҳукмронлигидан кейин Моварауннахрда биринчилардан бўлиб мустақиллик байроғини баланд кўтариб, Қозонхонни ағдариб ташлаб 1346 йили Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Хисор, Қундуз, Кулоб, Балх ва Хирот вилоятлари ҳукмронликни ўз қўлига олади. Амир Қазагон Чигатойхон авлодидан бўлган Дониш Мандчихонни ва кейинчалик Баёнқулихонни хон қилиб кўтаради.

Амир Қазагонни қароргоҳи (пойтахти) Сурхондарё вилояти Денов тумани атрофидаги “Соли Сарой” эди. Амир Қазагонни ўғли Абдулла Самарқандни ва набираси Амир Хусайн Хиротни идора қила бошлади.

Амир Қазагон давлатни мустаҳкамлаш ҳамда Баёнқулихонни Моварауннахрга хон қилиб кўтариш учун 1350 йили Самарқандга қурултой чақиради. Ана шу қурултойга ҳамма амирлар таклиф этилади. Чунки авлод аждодларимиз қурултой чақирилиб, ҳамма улуглар, сайдлар, амирлар иштирокида ва розилигида бош амир ва хон сайлашган. Ана шу қурултойга Амир Тарағай ўғли ёш Амир Темурни ҳам олиб боради. Ёш



Амир Темурни ва отасини ҳукмдор Амир Қазағон яхши қабул қилади. Амир Темур Амир Қазағонга ўғай набира-куёв ҳам бўлади. Чунки Амир Тарағай Амир Қазағонни қизи Йўқин бегимга уйланган эди. Амир Қазағонга ёш Темур маъқул кўринади ва келажакда катта Амир бўлиб тарбияланиши учун ўз паноҳига олиб, тарбиялаш мақсадида набираси Амир Хусайнни синглиси Ўлжой Турконга уйлантиради. Амир Қазағон набираси Хусайнни ёш Темур билан дўстлаштиради. Кейинчалик эса Моварауннахрни амири деган васиятнома беради. Амир Темурни ўзининг ҳарбий юришларида бирга саркарда сифатида олиб боради ҳамда Шибирғон вилоятини ҳокимлигини беради.

Амир Қазағон ов қилишни жуда севар эди. Ана шу Амударё бўйидаги овлардан бирида ғаразғўй амирларни суиқасд қилишини сезган зийрак Амир Темур Амир Қазағонга билдиради. Натижада фитнадан қатнашганлар аниқланади.

Амир Қазағон қиш фасллари Соли Саройда, ёз пайтлари Хут талонда (Кулобда) бўлади. Аммо Хуталонда амир Қазағонни тез-тез бўлиши Хутталон ҳокими Қайхусравга ёқмайди. Чунки доимо югуриб хизмат қилиш керакда. Натижада Қайхусров Хожи Барлос билан тил бириктириб Амир Қазағонга навбатдаги овда фитна уюштиради. Амударё бўйида бошига тўқмор билан уриб ўлдиради. Амир Қазағонни Соли саройга олиб келиб дафн этади.

Тезда Самарқанд ҳокими ўғли абдулла етиб келиб ҳокимиятни ўз қўлига олади. Амир Қазағонни ҳамма маросимлари ўтгандан кейин Амир Абдулла пойтахтни Соли Саройдан Самаарқанд шаҳрига кўчиради ва Боёнқулихон ҳам Самарқандга келади. Амира Абдуллани мамлакатни бошқаришдан норози бўлган Амир Баязид Жалайир ва Хожи Барлослар Амир Абдуллага қарши ҳужум қюштиради ва бу жангда Амир Абдулла енгилиб Амударёни нарихи томонига қочиб кетиб умрини охиригача ўша ерларда яшайди.

Амир Қазағон ва Амир Абдулла ҳам ҳокимиятдан четлаштирилгандан кейин Моварауннахрда вақтинча ҳар қайси вилоят ўзини мустақил деб эълон қила бошлади. Натижада Мўғулистон хони Тўғлик Темурхон Моварауннахр шаҳарларини бирин-кетин эгаллаб ўғли Илясхўжани ҳукмрон қилиб қолдириб кетади.

Амир Хусайн Амир Темур билан биргаликда мўғулларни Моварауннахрдан қувиб чиқаришда биргаликда кўп йиллар бирга курашиб катта ғалабаларга эришади. Аммо кейинчалик Амир Темур билан Амир Хусайн ўртасида нифоқ тушади ва бир-бирига нисбатан душманлашади. Бу даврда Амир Хусайн Балхни марказ қилиб Хутталон (кулоб), қундуз, Хирот каби ўлкаларда ҳумронлик қилар эди. Амир Темур 1370 йилни бошларида Термизга келади ва термизлик сайидлар блан бирга эндигина маккадан келган Муҳаммад Пайғамбаримиз авлодларидан бўлган Сайид Барака билан учрашади.

Сайид Барака бошчилигида термизлик сайидлар Моварауннахрни мутлақ ҳокими деб Амир Темурга фатво беришади. Натижада Амир Темур Аамир Хусайн устига ҳужум қилади. Апрель ойининг бошларида бўлган Балх жангида Хусайн енгилади. Амир Темур Амир Хусайнни қўрғонни

ташлаб бош олиб кетишини талаб этади. Амир Хусайн Амир Темурдан кечирим сўрайди ва Хажга бориб ўз гуноҳларини ўкўз ёшлари билан ювишни ваъда қилади. Амир Темур рози бўлади. Аммо Аир Хусайнни қўриқловчилари билдирмасдан бир минорага яширадilar. Бундан Қайхусрав хабар топиб, Хусайнни ва фарзандларини қатл этишни талаб этади. Натижада амир Хусайн ва фарзандлари, қатл этилади. Чунки Амир Хусайн ҳам бобоси Амир Қазагонни хуни учун Қайхусравни укаси Қайқубодни ўз вақтида қатл этган эдилар.

Амир Қазагон, Амир Абдулла, Амир Хусайнлар авлоди 1370 йилдан бошлаб деярли қолмади. Фақат тарихда қолди, холос.

Амир Хусайн қатл этилгандан кейин хотинларидан бири Сароймулкхоним (Бибихонимни) Амир Темур ўз никоҳига олади ва “Курагон”, яъни мўғулчасига куёв деган лақаб олади, чунки Сароймулкхоним Мовароуннахр подшоси Чигатойхон авлодидан бўлган Қозонхонни қизи эди. Амир Хусайнни бошқа хотинларини ҳам амир Темур амирларга, уламоларга бўлиб беради.

1772 йили Амир Темурни Хоразмга юришида Амир Қазагонни ўлдиришда қатнашганлиги учун Амир Қайхусравни Суюрғатмишхон (1370—1388) фармони ва Амир Хусайнни навкарларини талаби билан қатл этилади. Шунини айтиш эканда, “қайтар дунё” деб.

Шунини ҳам айтиш керакки, Амир Темурни отаси Амир Тарағайни Амир Қазагон билан куда-анда бўлишган. Кўриниб турибдики, кўнғирот Амир Қазагон билан Амир Тарағай оиласида яқин қариндошлик бўлган, ҳамда Амир Темурни вояга етишида Амир Қазагонни роли албатта қаттадир.

Амир Темур (1370 — 1405) йилларда ҳокимият тепасида бўлганда Амир Қазагонни 12 йил мобайнида Мовароуннахрни мустақил бошқарганидан баъзи бир тажриба орттириб катта империя тузган десак катта ҳато қилмаймиз.

Тўғачар Нуён — кўнғирот Субидай,, Чина, саркардалар қаторида Чингизхон истилоларида иштирок этган. Тўғачар нуён Чингизхоннинг қизига уйланган. Чингизхонга куёв бўлади. Хирот шаҳрида бўлган ҳужумда ўқ тегиб вафот этади.

Муҳаммад Хўжабек — кўнғирот Олтин Ўрда территориясига қарашли Сирдарё бўйларида Ўзбекхоннинг ўғли Жонибекхон (1342 — 1357) даврида ҳукмронлик қилган.

Хоразмлик Кўнғирот сўфилар — Хоразмда ҳокимликни кўнғирот сўфилар олади. 1360 йилларда чигатой улусига қараган шимолий Хоразмни босиб олади. Кўнғирот сўфиларнинг (Хусайн Сўфи, Юсуф Сўфи), Оқ сўфи) бир авлоди Ўзбекхонга бориб тақалади. Амир Темур хоразмлик сўфиларга қарши беш марта уруш қилди. Шундай урушлардан бирида 1376 йили Оқ сўфининг қизи Суюнбекани (Хонзода) Амир Темур валиаҳди Муҳаммад Жаҳонгирга олиб беради. амир Темурни Суюнбекани келин қилиш билан келажакда авлодларим набираларим подшоҳ бўлсин деб ниёт қилган бўлса керак. чунки Суюнбека авлоди бевосита Ўзбекхонга ҳамда кўнғиротларга тақалар эди. Дарҳақиқат, Суюнбекадан Муҳаммад Султон Жаҳонгир дунёга келади, яъни Амир Темурни иккинси валиаҳди, чунки Жаҳонгир бир йилдан кейин вафот этади. Кейинчалик Суюнбека кўнғирот

хон қизини Амир Темур учинчи ўгли Мироншоҳга эрга беради. Мироншоҳдан туғилган ўғил Халил Султон Амир Темур вафот этганда бобоси ўрнига тахтга ўтиради.

Усмон кўнғирот Муҳаммад Сўфининг ўғли 1361 йилда Хоразм ҳокимиятини қўлига олади. Кўнғиротлар узоқ вақтлар Чингизхон, Жўчихон, Ботухон, Берекхон, Ўзбекхон, Жонибекхон, Тўхтамишхон, Абулхайрихон, Шайбонийхон, Абдуллахон, Бухорода Манғит амирлари даврида ҳам кўп вилоятга ўлкаларга ҳукмронлик қилган.

## МИНГ

Минг 92 бовли ўзбек элатининг катта қабилаларидан биридир. Минг қабиласи Самарқанд атрофида, ҳамда Ургут районида Қўқон, Фарғона, Сирдарё бўйларида, Қорақалпоғистонда, Мўғулистонда, Бошқирдистонда, Қирғизистонда, Қримда, Тува автоном республикасида, Қозоғистонда, Туркменистонда ва Балх (Афғонистон) каби вилоят ва мамлакатларда яшайди.

Минг қабиласи шу юқорида зикр этилган халқларни этник составига кириб уйғунлашиб кетган. Ургутлик (Дониёров, 1968) Беғали бобонинг айтишича, минг уруғи тўртга бўлинади: Вахтамғали, Туғали, Боғлан ва Жарат, бошқа бир маълумотта қараганда, минг еттига бўлинади: вахтамғали, жуғали, боғлан, ўрамас, жарат, жалмат ва рамадондир. Мингларнинг келиб чиқишини мўғулистонликлар риоят қилишадикки, олтойда, мингларнинг қадимги уруғидан Тукли ота (Чочли ота) уруш-жанжаллардан безори бўлиб хуниларнинг холни Бамирга бориб кўшилади.

Иккинчи ривоят (халқ оғзаки фольклориди) мингларнинг асл ватани Моварауннахр деб айтишади.

Р. Г. Кузеевни берган маълумотларига қараганда, Чигатойхон авлодларидан 25 киши хонлик қилиб, кейинчалик бу улусда ҳар жойда мустақиллик байроғи билан чиққанлар (Амир Баён Сулдуз Самарқандда, Амир Хожидан Барлос — кешда, Амир Боязид жалоир Хўжандда, Улжайту Сулдуз Балхда, Муҳаммадхўжа Яздий Шибирғонда, Бадахшонда, Қухистонда, Амир Хусайн — Хисорда) орасида Уродаг бий (Еанкли) минг қабиласидан Сирдарё бўйларида хонлик тахтига ўлтирди.

Соҳибқирон амир Темур Моварауннахрга ҳукмрон йиллари минг қабиласи ҳақлари Тўхтамишхонга қарши уруш-жанжалларда иштирок этдилар.

Ўзбек миллатининг таркиб топишида албатта минг қабиласи халқларининг роли катта бўлиб ҳисобланади.

Минг қабилачи нўғай, қирғиз, бошқирд, қорақалпоқ, қозоқ, туркман, олтой, тува, мўғул, хақос миллатларининг таркибига кириб, шу халқларнинг номини олган. Минг қабиласи ўз таъсирига хитой (минг—хитой) меркит (минг-меркит) олганлигини билдиради. Чунки меркитлар доимий равишда Чингизхонга бўйсунмасдан курашиб келганлар.

Самарқанд вилоятини жанубий-шарқий томонига минг қабиласининг халқлари қадим-қадимдан яшаб келадилар. Минг қабиласини халқлари кейинчалик Зарафшон, Фарғона, водийларида жуда кўп учрайди. Минг

қабиласи халқлари Афғонистонни ўзбеклар яшайдиган, қундуз, Балх, Талакон, Мозори Шариф ва Хирот атрофларида ҳам истиқомат қиладилар.

Абулғози Баҳодирхонни маълумотига қараганда, Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (1313—1342) қабила ва уруғлар орасида ихтилофни камайтириш учун тўртга бўлган: бунда мингни уйғурларга қарашли деб кўрсатади. Ўзбекхонни ўғли Жонибекхон (минг қабиласини бошлиғи санақли (Уродач-бий)га хат ёзиб, Ургенчда туркманларни, Балхан ва Манғишлоқ халқлари билан тинчитиб яраштириш ҳақида ҳам ёзади. Демак, XVI асрнинг ўрталарида минг қабиласи Моварауннахрда маълум бир жойларда хукмрон уруғлардан бири бўлган деган хулосага келиш мумкин.

Юқорида келтирилган минг уруғини таркибидан кўришиб турибдики, жуда кўп уруғлардан таркиб топган иттифоқдир.

Ривоятларга қараганда, Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Ефаснинг ўғилларидан бирини Минг деб атаганлар. Минг уруғининг келиб чиқишида икки хил қараш мавжуддир: биринчиси минг уруғини ўзбекларда, қирғизларда, мўғулларда, бошқирларда, туваликларда, олтойда мавжуд бўлиши аслида Мўғулистондан келиб чиққан десалар, иккинчи — Олтойда минг иттифоқи қадимий туркий (туғиъ — ўғиз) қабилаларидан ташкил топган дейишади. Минг уруғини қабилалари VI—VIII асрларда сирдарёлик ўғизлар таркибида ғарбга ва моварауннахрга юришда бўлган деган фикрлар мавжуд. Нуроталик туркманлар ҳам худди шу даврда пайдо бўлган деган фикрлар ҳам мавжуддир. Чунки минглар уруғини бошлиқлар Оқман ва Қорамонлар ҳақидаги ривоятлар ҳамма замонларда ҳам айниқса Нуроталиклар айтиб келадилар. Минг сўзини этнонимини В. П. Кузеев (1974) ёзишича, “вилоят”, “ўлка”, “туман” маъноларида ишлатилади. Маълум бўлишича, Оқ ўрда хони Саси-Буқа минг уруғига мансуб бўлиб, 1320—1321 йилларида жуда кўп вилоят, туман, ўлкаларни суюрғал қилган.

## ЖУЗЛАР

Жузлар<sup>2</sup> (юз) 92 бовли ўзбек элатининг энг катта уруғ ва қабилаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Х. Дониёров (1968) ёзишича, минг қабиласининг халқлари шаҳарга кўплаб мослашиб ўю уруғ ва қабилаларини унутиб юборганлиги натижасида жузлар мавқеи янада ошди. Бизнингча, Қангли уруғи ҳақида ҳам шу гапларни айтиш мумкин. Қангли уруғи ҳам шаҳарга мослашиш хусусияти кўпроқдир. Чунки Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида яшовчи қангли уруғидан бўлган халқларни, айниқса кейинги коммунистик жамиятда ўсиб воёга етганлари деярли уз уруғини билмайди. Чунки коммунистик ғоя ҳеч қандай уруғни тан олмас, миллатни йўқотиш каби жирканч ғоялар билан суғорилган эди. Бу борада на фақат минг, қангли бошқа уруғ ва қабилалар ҳам ўз келиб чиқиши, авлод-аждодаларининг қадриятларимизни тиклаш даври келди, деб ўйлайман. Х. Дониёров (1968) Тошкент, Сидарё ва Самарқанд вилоятларидан олинган маълумотларига биноан, жузлар учта катта бўлакка ажратади: марка боласи, қарабчи, ражаб боласи.

<sup>2</sup> Жуз — сўзи “қисм” (ветвь) тармоқ сўзларига тўғри келади).

Марка боласи ҳам иккита бўлакка бўлинади: уяс-солия, хитойизм (Хитой юзи). Ўз навбатида уяс олтига бўлакка бўлинади: керайт, кал, норин, уяс, оқчепкон, кўса, боймоқди ёки чўпқон.

Ўзбекистон территориясида бу уяс қабиласи Бекобод, Зомин, Жиззах, Ғаллаорол районларида, Тожикистоннинг Ўра тепа, кофирниган, қоратоғ дарё мавзуларида яшайди.

Б. Х. Кармшевани (1976) берган маълумотларига қараганда, Сурхондарё вилоятида ҳам жузлар Денов, Шўрчи, Олтинсой, Шеробод, туманларида асоса жузлар яшайди. Асосан, Сурхон вилоятини жузлари иккига бўлинади. Вахтамғали, Жилан тамғали бўлиб бу бўлақларни ҳар қайсиси 8 та бўлакка бўлинади: Қозоёқли, кузтамғали, қозоқ, жарикбош, кесаули, болғали, алонли ва баташ. Жиламтамғали эса болахўр, кўса, патас, тўрға (юрга), яс, тороқли ва эгарчи.

Жузларни марка қабиласи қорачичак, сарпичак, уяс, солин, очамойли, кўпсари, қипчоқ, кўйсоли (кўй сўфи), найман, кўштамғали, чоп. ёшбачча, элик ва қоратамғаликларга бўлинади. Уяснинг ўзи: кўйсеппи, найман ва қоратамғали бўлиб, уяс — бузбет, кўйсоли — косиб, найман — беш бола ва қоратамғали, эсамат, боқибачча, қундузбачча бўриемас, болийлик, уйқур хожибачча ва добай.

Ўзбекистонда хитой юзи (хитоизм) сангзор ва Сирдарё бўйларида яшайди. Жузларни қарапси уруғини боғанали ва зардакул қабилалари Сурхон, Тўпаланг, Халқаяр дарёлари бўйларида яшайди. Ўра Тепа юзлардан 1749 йили Фозил-бий хоким бўлади. Шу вақтда шу авлоддан Хисорда, ҳам ҳокимлик қилади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Хисорлик, Сурхондарёлик, Ўра тепалик жузлар (юзлар)ни авлодлари бир бўлган. Ўра тепада хоким бўлган Фойзил бий жузларни бош авлоди Кулик-бийнинг набрисанинг, набирасидир.

1723 йилги қозоқларнинг жунгарлар томонидан тор-мор келтирилиши натижасида сирдарё, Жиззах вилоятларига қозоқлар жузлар келиб қолдилар. Аммо айримлари кейинчалик ўзларининг юртларига қайтиб кетганлари ҳам бўлди. Иккинчи томондан ўша даврда Хоразмда бўлган нотинчликлар ҳам марка жузларидан бўлган найманларни, уйғурларни Амударёни юқори оқимига қараб, ҳамда Бухорога силжишларига сабаб бўлган дейишади.

Қарапчи уруғи XX асрга келиб маҳаллий халқ билан уйғунлашиб, айниқса чигатойлар, кўнғиротлар билан сингишиб ўтроқлибўлиб яшай бошладилар.

Ривоятларга қараганда, қарапчи уруғи 200—300 йиллар олдин Жиззахдан ва Ўра тепадан сурхон ва Хисор водийсига кўчиб келганлар. Туркман жузларни Сурхон — Хисор водийсига келиши ҳақида учта фикр мавжуддир: биринчиси — кўнғиротлар каби арка юрдан, иккинчиси — авлодлари юрти Ўра тепадан ва Нуротадан. Соҳибқирон Амир Темур даврида Сурхон водийсида Туркмандаштмавжуд бўлиб, ривоятларга қараганда туркмандашт Амир Темур отасининг кўрғони бўлган дейилади. Худди Амир Темурни бешинчи бобоси Қорачар нўёнга Кеш вилояти суюрғал қилинганидек. Учтинчиси — Султон Санжар мазий томонидан 100 та туркманни кўчириб келтирган. Шунинг учун юз (жуз), яъни туркман-юз

деб аталади, дейилади. Чунки Султон Санжар қадами босилган жой деб ривоят қилади.

Ривоятларга кўра Денов шаҳри яқинида қадайжой деган мазор бўлиб у султон санжар мозори дейилади. Аммо туркман-жуз кўпроқ ўзбекларни кўнгирот қабиласи оталарига ўхшаш вахтамғали, Жилантамғали, болғали, кесаули, тароқли, қозоёқли, боғадилли, қозоқ кўса. Найманлар билан эса (Вахтамғали, қозоёқли, жиланли: қозооқ) самарқандни ва Жиззахни жузлари билан (Вахтамғали, болғали, кўса) (жас-тъабап) ва кўзтамғали оилалари билан бир-бирига яқинлиги туркман жузларини бир неча уруғларни қисмларидан ташкил топганлигини кўрсатади. Деновлик ва Хисорлик туркман-дўзлар айтишадикки, аждод-авлодлари Нуроталик, аммо Х. Дониёров (1968) нуроталик туркманлар асли Хисор—Кулабдан келиб қолганлар ва туркман жузлар бўлиб 92 бовли ўзбек элатининг қабилаларидан биридир дейди. Аммо туркман-жузлар, туркманларга ёки ўзбек элатига мансублиги. Бу масалада В. К. Мошковани (1970) С. Г. Агаджанова (1969)ни жанубий Қозоғистон, Қоратов, Сигнок, Сирдарё бўйларидаги мазулардан ўғуз ва туркманларни Моварауннахрга, Нур ва Бухоро, кейинчалик эса Жанубий Бухоро (Денов), Хисор томонларга келиб қолган деган фикрлар назаримизда ҳақиқат бўлиб, ҳозирги туркман-жузларни ташкил этади ва 92 бовли ўзбек элида туркман бир уруғ сифатида кўпгина олимлар келтиради (92 бовли ўзбек эли жадвалига қаранг).

Сурхондарёдаги туркман-жузлар 1034 йилда Алптегин бошчилигида ўғуз ва туркманларни Хуросонга юришида, термиз, Хисор, Қободиёнгача эгаллаши, туркман жузларни пайдо бўлишига асос бўлгандир.

Жуз уруғлари ҳақда XIII—XIV асрларда ёзилган манбаларда (Рашидиддин, 1952) Рузбехон, Михмоннаме-и Бухоро (1960) бирон бир фикр айтилмаган. Жуз уруғи ҳақида биринчи маълумотни М. Тевкелев (1731) учта жуз ҳақида маълумот беради: улу жуз, ўрта жуз, кичик жуз.

1734 йили И. Кирилловани Оренбургга саёҳатида император Аннага ёзган маълумотномасида ҳозирги Қозоғистон ҳудудида учта Ўрдага бўлиниб, биринчиси 50 минг, иккинчиси 20 минг ва учинчиси кичик сонда аҳоли бор деган фикрни беради.

Қозоқ тарихчиси Ч. Ч. Валихонов жузлар XV—XVI асрларда мўғулларни ўрдаси каби вужудга келди дейди.

Рус шарқшунос олими В. В. Вельяминов — Зернов ва халқ ривоятларига қараганда жузларнинг пайдо бўлишига айрим уруғларни ва қабилаларни бирлашиб уруғлар иттифоқини ташкил топган дейди.

Профессор С. А. Аминжанов жузларни ҳосил бўлишида, яъни “уруғлар иттифоқи”ни тил бирлиги табиий географик шароит асосий фактор бўлиб VII—XI асрларда пайдо бўлган дейди. Айрим ривоятларда жуз дегани юз (юзта) билан алмаштириш нотўғридир. Жуз билан юз бизнинг назаримизда ҳам боқа-бошқа маънони англатади. лбатта, учта юзнинг ҳосил бўлиши, табиий географик, иқтисодий, тил бирлиги, урфу-одатлари уруғлар иттифоқини ҳосил бўлишида катта роль ўйнаган.

Қозоғистоннинг Еттисув, Талас, Чу водийларидан асосан қадимдан усун уруғи яшаган ва бошқа уруғларни (дугат, кангли, жалаир, алан ва

бошқа) бирлаштириб улуғ жузни ташкил қилган. Сирдарё буйлари, шимолий, шарқий ва марказий Қозоғистон, яъни Сирдарё билан Ишим, Иртиш буйларигача бўлган территорияда бошқа этник, яъни қипчоқ уруғлари (қипчоқлар, қўнғиротлар, арғинлар, найманлар, керейлар, уақлар бирлашиб, ўрта жуз иттифоқини ташкил этади. Ҳозирги қозоғистон республикасининг ғарбий районлари алшин иттифоқини ташкил этиб, қуйи жуз ҳосил бўлган.

Кўчманчи мўғуллар, Ўрта Осиёликларда, скифларда аҳолини уч қисмга бўлиш одат бўлган: подшоҳ — скифлар, деҳқон — скифлар, кўчманчи — чорвадор скифларга бўлинган. Мўғулистондаги хунлар ҳам учта уруғга бўлинган, қарлуқлар ҳам XII—IX асрларда учта уруғга бўлинган. Улар асосан Чуй водийсида яшаганларини жузлар деб аташган. Ўғузхон уруғлари ҳам учта уруғга бўлинган.

Учта уруғга бўлиниши қадимий туркий ва жанубий-шарқий Осиё, Африка, шарқий араб мамлакатларда ҳамда ўрта Осиёда қадим-қадимдан уруғни яхшилаш учун узоқ авлодларидан (турмуш) қуриш одати бўлган. Чунки яқин қариндош уруғга йигитларнинг уйланиши ёки қизларни турмушга чиқиши келгуси авлодларни заиф бўлиб етишиш мумкинлигини қадимий авлодларимиз яхши билишган бўлса керак. Шу нуқтаи назардан балким, қозоқ халқи учта жузга бўлиниш билан никоҳ—турмуш ав авлодни яхшилаш мақсадида рўёбга чиққан бўлса ажаб эрмас.

Ҳозир ҳам қозоқларда 7 авлод узоқ бўлганлар орасида турмуш қуриш одати мавжуддир.

Катта жуз XIX аср охири ва XX аср бошларида 11 та уруғдан ташкил топади: Дуғлат, албан, суван, (суан), сариуйсун, Сергели, истлар, ушақти, чапрошти, чанишқли (катағон), қангли, жалоир.

Ўрта жузга: қипчоқлар, арғинлар, найманлар, қўнғиротлар, керейлар, уақлар кирди.

Қозоғистонлик қўнғиротлар асосан Қоратов, Боғон, Шиян, Арис дарёлари буйларида яшайди.

Керейлар асосан қадимги кераит уруғининг авлодларидир. Керейтлар мўғуллар империясигача ҳам ўз давлатига эга бўлибулуг хитой девори яқинидан Керулен, Онон, селенга ва шилки дарёси қирғоқлари ва оралиқларида яшганлар. Кейинги даврларда кераитлар Семиалатинск, Павлодар, Уст-Каменогорск, Зайсенский ҳамда Қорақалпоқ вилоятларида ҳам учрайди.

Кераитлар этноним таркибида бўлган очамийли бўлаги арислик қўнғиротлар, ўзбекистонлик қўнғиротларда қорақалпоқ қўнғиротларнинг таркибида ҳам учрайди.

Ҳар бир қабиланинг ўзининг белгиси бўлгани каби очамийли қабиласининг ҳам ўзининг тамғаси (белгиси) бор бўлиб, очамийли сўзи ҳам шу тамгадан келиб чиқди. Очамийли (қозоқча — ашамайли) X — туя учун эгарга ўхшатишган жабдих, қорақалпоқ ачамалисини ҳам белгиси X — бўлиб абақ керейтларни тамғаси □ узун параллелипипед кўринишида бўлиб, ўртасидан бўлинган. Умуман Кереи халқининг умумий тамғаси чорраха † крестъ бўлиб ҳисобланади. Қозоқ олимларини изоҳича очамайли сўзи уйчибой (уйшибой) сўзини илдизи уйиш (уйчи) —

строитель дома, яунки ҳозирги вақтда ҳам очамайли халқи лойдан ва ёғочдан яхши уй қуришга устадир.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистоннинг Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидаги очамайли халқини этноним таркиби қозоқ очамоилларниқига ўхшамайди.

Ўзбек очамоиллари : зонник, кўса, кал урис, чилвирлик, олмабошларга бўлинади, қозоқ очамоиллари: шимоин, танаш суван, балта Қушеб, Тариша ва ҳоказолар.

Кичик жуз асосан қоракўсак ва бойули. (Ўз навбатида Қорагисак 6 та уруғга бўлинади: чекли, қоракисак, чумекей, тўрт қора (дюртқора), каракета, қорасоқол. Бойули 12 та оилага бўлинади: адай, жаббас, алача, байбакти, берг, маскар, тазлар, исентемир, олтин, шихлар, черкес, тана.

Кичик жузларнинг авлодини кердери уруғидан тарқалган дейилади, кичик жуз, яъни кердери уруғининг белгиси (тамғаси)  $q, Q, O$

кўринишларда берилади. Чумекей уруғининг тамғаси  $\varphi, \rho$

кўринишида, қоракесак уруғининг тамғаси  $\rho$  ва Адайб ҳамда тўртқора уруғлари тамғаси  $\gamma, o, b, +$ .

Хон Хақназар ҳукмрон (1538—1580 йиллар) бўлган даврда улуг, ўрта ва кичик жузаларга ажралган бўлиб, бу воқеа XVII асрга тааллуқлидир, чунки қозоқларнинг Тошкент ва Туркистонга ҳукмронлик йилларига тўғри келади. Бу даврга келиб Тошкент ва Туркистонда яшовчи қозоқлар ва бошқа халқлар кўчманчиликдан ўтроқликка ўтиш даври бўлиб географик жиҳатдан Ўрта Орда, яъни ўрта жузни ташкил қилганлар.

Ривоятларга қараганда, қозоқлардан Котон (Котан-Кутан) деган кишининг учта ўғли бўлган: Ақжал (Ўрта Орда), Алчин (Кичик Орда) ва Юсуп (Катта Орда) ҳосил бўлган дейилади.

Академик В. В. Бартольд, профессор М. В. Вяткин жузларни келиб чиқишига иқтисодий ва сиёсий факторлар сабаб бўлган дейишади. Аммо Х. М. Адильгиреев ва Масуди асосан жузлар XII асрда ҳам мавжуд эди деб кўрсатади.

Қозоғистон Республикасининг тарихида ёзилишича, жузлар XVI асрда пайдо бўлиб, географик ва иқтисодий боғланган район бўлиб, ҳисобланади.

Ривоятларга қараганда, қозоқлар Кутан (Котан) авлодидан тарқалган дейилади. Кутанни ўғилларидан бири чўлда кўчиб юриш учун уч юзта киши юборган. Биринчи юборган юз киши Уйсун (Катта жуз)лар бўлиб хонга чўл жуда ёқиб қолиб абадий яшаб қолганлар. Кейинчалик Кутан хон иккинчи ўғли Пўлатни юз киши бериб жўнатган, булар Ўрта жузни (арғинларни) ташкил этган. Учинчи ўғли Алчинни ҳам юз киши билан жўнатиб булар кичик жузни ташкил этган дейишади. Шунинг учун ҳам ўрта жузлар ўзининг авлоди Булатхўжадан келиб чиққан дейишади.

Бухорода Убайдуллахон (1702-1711) замонида Самарқанд ва Ҳисор ҳокимиятини жузлар ўзларига қўлига олиб мустақил бошқарганлар.



Жузлар асосан ҳозирги пайтда Қозоғистон республикасида яшайди. Ўзбекистон республикаси территориясида ҳам жузлар Сирдарё бўйларида, Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Сурхондар вилоятларида яшайдилар.

## МАНҒИТ

Тумнаҳсиннинг энг катта ўгли Чоксунинг учта ўгли бор эди: Тўёкин, Урут ва Манғит (манғит) бўлиб, барча манғит уруғи шу кишининг наслидир.

Манғит аслида манкут бўлиб қутли баракали бўлсин деган маънони нглатади,

яъни кишилар дўстларига, қариндошларига, болаларига қутли баракали бўлсин деб ният қиладилар.

Манғитлар уч гуруҳга бўлинади: оқ манғит, туқ манғит ва қора манғит. (Ханиқов, 1843) Муҳаммад Ёқуб Бухорийнинг "Гулхан ал мулк" деган китобидаги манғитларнинг 6 та уруғга шу юқоридагилардан ташқари ҳардури, қора кўнғирот, эрони ва чўпқони уруғини Х. Дониёров (1968) ҳақли равишда манғитларга кирмаслигини уқтиради.

Кўп йиллар Олтин Ўрдада, Хоразмда, Қримда ҳокимиятни ўз қўли остида сақлаган Амир Эдигей оқ манғитлардан эди. Амир Темур Олтин Ўрдани эгаллагандан кейин бу уруғдан жуда кўп хонлар етишиб чиққан. Ваккосбий, Мусо, Ёмғирчи, Ғозибий, Муборакшоҳ манғитлар уруғига мансуб бўлиб, машҳур амир Едигейнинг авлодларидир.

Манғитлар доимий равишда Олтин Ўрдада, Хоразмда, Сибирда, Бухорода, Қримда ҳокимият учун қурашиб ҳокимиятни эгаллаб келганлар. Машҳур Едигей (Идикубий) 15-йиллар мобайнида (1396-1411) Олтин Ўрданинг бутун ҳокимиятини ўз қўлида ушлаб турган Идикубий (Едигей-манғит) ўғли Ғозибий манғит қабиласининг бошлиғи бўлган (Б. Аҳмедов, 1962) ўша пайтда манғит улуси Урал ва Эмба дарёлари ораллигида бўлган.

Тўхтамишхоннинг (1380-1396) ҳукмронлик давлари Едикубий акаси Исабик хоннинг бош қўмандони, Фулодхон (1409-1411) даврида ҳам амирларнинг амири бўлган.

Манғит уруғи амирлари доимий равишда Чигатой, яъни Моварауннаҳр амирлари билан алоқада бўлиб келганлар. Идикубий-манғит Урусхондан (Оқ Ўрда ва Олтин Ўрдада ҳукмронлик йилларида 1375-1376 йилларда қочиб соҳибқирон Амир Темурдан наҳот сўраб келади. Манғитлар Амир Темур ва теурийлар даврида Шоҳруҳ билан Едигей манғит ва Исабеклар ўртасида элчилар юборилиб, совға-саломлар топширилган. Ҳатто Шоҳруҳ (Хуросон ҳукмдори) Едигейнинг қизини ўғли Муҳаммад Жуқийга никоҳига беришини сўраган.

Амир Дониёл Ибн Шоҳ Мурод 1758-1759 йиллари Самарқандга ҳоким қилиб юборилган. Буида Шоҳмурод Шайбоний мадрасасини тиклаган.

Аштархонийлардан Имомқулихон (1611-1642), Боқий Муҳаммадхон, Вали Муҳаммадхон, Имомқулихонлар бўлган.

Шайбонийхон авлодлари Бухоро ҳокимиятида Искандархон (1561-1583), Абдуллахон (1583-1598), Абдулмўминхон (1598-1601) хонлик тахтида ўтирдилар. Абдулмўминхон ўлдирилгандан кейин, амирлар, руҳонийлар наслидан тожу-тахтга муносиб бошқа бирон киши топилмагандан кейин

Жонибек Султонни хонлик тахтига ўтказмоқчи бўлдилар (1556 йили руслар Хожи Тархонни (Астрахонни) босиб олганларидан кейин, Ермуҳаммадхон болалари, қариндошлари билан Искандархон ҳузурига келдилар. Искандархон қизи Зухраҳонимни Ермуҳаммадхонни ўғли Жонибек Султонга берди. Зухраҳоним Жонибек Султондан уч ўғил кўрди: Дин муҳаммад, Боқи Муҳаммад, Вали Муҳаммад. Аммо аввало Динмуҳаммад, кейин эса Боқи Муҳаммад тахтга ўтқазилди. Ана шундай қилиб, то 1747 йилгача Аштархонийлар Бухоро хонлигида ҳукм сурдилар.

1740 йилдан кейин Бухоро хонлигида мустақиллик ҳоҳловчилар кўпайиб, мамлакатни иқтисодий ва сиёсий аҳволи танг бўлиб қолганлигидан фойдаланган Эрон шоҳи Нодиршоҳ Бухорони босиб олади. Ўша пайтда Муҳаммад Раҳим манғит қабиласининг бошлиқларидан эронликлар билан тил бириктириб, Убайдуллаҳонни 9 яшар ўғлини тахтга ўтқзади. 1757 йили Муҳаммад Раҳим Бухоро тахтини эгаллаб, ўзини амир деб эълон қилди. Манғитлар сулоласи Бухоро тахтида то 1920 йилгача, яъни большевикларнинг исканжаси натижасида Амир Олиҳон Афғонистонга қочиб кетишга мажбур бўлганда қадар.

XVI асрнинг бошларида Шайбонийхон армияси сафида ҳам кўплаб манғит уруғидан бўлган кишилар иштирок этганлар.

Марказий Осиёдаги барча мамлакатларда манғит уруғи яшаб келади, яъни Ўзбекистонда ўзбек, Қозоғистонда қозоқ, Қирғизда — қирғиз, Қорақалпоқда — қорақалпоқ бўлиб, шу халқлар билан сингишиб кетган.

XVII асрнинг ўрталарида Самарқанд шаҳри анча хароб аҳволда эди. Чунки кўп йиллик ур-йиқит курашлардан одамлар безиб Самарқандни ташлаб кўчиб кетишган. 1752 йили манғит Муҳаммад Раҳимхон Самарқандни қўлга олиш учун келганда шаҳарда жон эгаси йўқ эди. Ҳатто работи Ҳожабандий туғони (бу туғондан Самарқандга бир неча ариқ сув чиқади). Шу жумладан Дарғам ариғи ҳам бузилган бўлади. Муҳаммад Раҳимхон Ҳожабандни туғонини тузатиб Самарқандга сув чиқарган, аммо шаҳарда одам камлигидан шаҳар узоқ вақтлар обод бўлмаган.

## ҚИПЧОҚ

Ўғизхон ит-борак уруғи билан жанг қилганда енгилди ва икки дарё ораллигида қолади. Эри жангда вафот этган ҳомилалар хотин катта дарахтнинг қавагига кириб олиб ўғил туғади. Бу хабарни эшитган Ўғизхон бу бола менга ўғил бўлсин деб “Қипчоқ” деб ном беради. Қипчоқ сўзи “қобиқ” сўзига тўғри келади. Ҳамма қипчоқ уруғи шу йигит авлодларидир (Абулғози, 1992).

Қипчоқлар қадимий халқ ҳисобланиб, Хитой манбаларида қюише, қипча, куча, хибиса деб ҳам юритилади. Форс-араб манбаларида қипчоқларни кимақлар, қипчоқлар деб аташади. Европаликлар куманлар рус адабиётларида половецлар, айрим манбаларда қипчоқларни печеногларга ҳам мансуб дейишади. Қадимги қипчоқлар Иртиш дарёсидан то Волга бўйи қуйи оқимларигача бўлган ҳудудда яшашган. Араб саёҳатчилари қипчоқларни Эмба ва Урал дарёлари орасида яшайди ва бу жойларни Дашти-Қипчоқ дейилади деб ёзишган. Маҳмуд Қашғорийнинг

фикрича, қипчоқ ва ўғизлар бир-бирига тили, урф-одатлари яқин халқлардир.

Бошқирд ривоятларига қараганда, қипчоқлар луқмони Ҳаким авлодларидан бўлиб, Ўғизхон ҳукмронлигидв Қипчоқни отаси ҳарбий бошлиқлардан бири бўлган ва жангда вафот этгандан кейин Ўғизхон туғилган ўғил Қипчоқни ўз тарбиясига олган дейилади.

Ўрта Осиёга қипчоқларнинг келиб қолиши Ўғизхон билан боғлангандир, чунки ўғизлар Сирдарё бўйларида яшаганлар. Асосан қипчоқларни Марказий Осиёга, Бошқирдистонга ёйилишига сабаб мўғулларни истилолари бўлган.

Ўрта аср тарихчиси Ибн Аль Асир ёзадики, қипчоқлар Жўжихон армиясидан кўрқиб жангсиз ҳар томонга қоча бошладилар дейди. Демак, қипчоқларни Осиё, Европа мамлакатларини кўпида қипчоқ ўруғларини қавмларини бўлиши бу қабиланинг тарихда катта куч, кўп халқ эканлигини билдиради.

XIII асрда қипчоқларнинг қуйидаги бўғинлари мавжуд бўлган: туқсоба, иста, бурджўғли, бурли, қонгуўғли, анджўғли, дурут қорабарўғли, жузнан, қорабарқли, котян.

Дашти-Қипчоқ вилоятларида Бойбоқти уруғи ҳам кичик жуз асосан ўрта жуз қозоқларида, туркияда, Гагаузларда ҳам қипчоқ уруғига мансуб кишилар учраб туради.

Ўрта асрлардаги қипчоқларнинг тамғасини анализ қилсак, уларда бир умумий ўхшашлик бор эканлигини кўрамыз.

1. Нуғай-қипчоқларида (оқнуғай, қора-нуғай) → →
2. Қрим тотар-қипчоқ уруғида — JJ
3. Бошқирд-қипчоқ уруғларида (қора қипчоқ) — JJ
4. Ўзбек қипчоқларида тамғаси ҳозиргача топилмаган.
5. Қорақалпоқ-қипчоқ уруғида — J
6. Қозоқ-қипчоқ уруғида (ўрта жуз таркибида) JJ—JJ ёки J
7. Қирғиз-қипчоқ уруғида (ичкилик гуруҳида) —+
8. Олтой-қипчоқ уруғида (сеок оиласи) тамғаси ҳозирча топилмаган.

Қипчоқлар тамғасини солиштириб хулоса қилиш мумкинки, асосан J ва JJ арабча алиф ҳарфидан иборатдир. Печенеглар, қипчоқлар, қанглилар тамғасини анализ қилсак, қангли уруғи (печенег-қипчоқ уруғларини тамғаси қабул қилган кўринади. Демак, печенег ўғиз қипчоқ уруғлари бир-бири билан аралашиб кетган: Аммо Ибн Холдун (Миср қозиларининг раиси, Амир Темур билан учрашиб тарих, дин, географик жойлар ҳақида сермазмун суҳбат қилган) айтадики, бу уруғларнинг оиласи бошқа бошқадир.

Ибн Холдун айтадики, Дурут уруғи қипчоқларидан, Туқсоба эса тотарлардан дейди.

Сирдарё бўйларида қанглиларни, қуманларни (кимак) яшаган жойларини археолог текширишлар (Ахинжанова, Ерзаков, 1972) қипчоқларни келиб чиқиши мўғуллардан ёки Марказий Осиё мамлакатларидан деган хулосага келдилар.

Рашидиддиннинг ёзишича, қипчоқ халач (калач), агач эри уруғлари Ўғизларга қўшилиб кетган, аммо Ч. Ч. Валихановнинг (1961) кўрсатишича, қипчоқлар ўғизларнинг 24 та бўғинларидан биридир. Ўғизхон ўғил қилиб олган йигит Қипчоқ катта бўлиб етишгандан кейин хон бу йигитни Дон, Идил (Волга) Ёйиқ (Урал) дарёлари бўйлариданг халқларнинг кўзгалонини тинчителиш учун юборди. Қипчоқ жанжални ҳал қилиб ўша ерларда 300 йилга яқин подшоҳлик қилади, шунинг учун ҳам бу ерларни Дашти-қипчоқ дейилади. Муғуллар ҳукмронлик даврида қипчоқлар Иртиш дарёсидан то Дон дарёси бўйларигача бўлган катта худудларни эгаллаганлар.

Тарихий манбаларда кўрсатишича, Тўхтамишхон Олтин Ўрда хони Дон дарёси бўйларидаги қипчоқларга ҳам ёрлик берган. Плано Карпини ёзадики, Чингизхон кумаглар ерига хужум қилиб олади ва кейин ўз ватанига қайтади.

VIII асрларда уйғур каганатлиги даврида Муюн-гуру (Байнгура) турк қипчоқлари ҳақида уйғур эсдаликлари ёдгорликларида ёзиб қолдирилган. Демак, VII асрнинг охирларида қипчоқлар Саян-Олтой тоғ бағирларида яшаган деган хулоса қилиш мумкин.



Бизнинг эрамиздан олдин (Артаманов, 1962) III асрларда қипчоқлар аждод-авлодларидан бири динликларни хунлар забт этадилар дейди. Бошқирд халқларида қипчоқлар асосан учга бўлинади: қора-қипчоқ, герей-қипчоқ, оқ туркман-қипчоқ.

Қора-қипчоқнинг қадимги номи қора эмас дейдилар, балки Қора-қипчоқ, яъни кекса сўзига тўғри қелади, энг қари қипчоқ демакдир. Яъни айрим олимлар фикрича, қари-қипчоқ сўзи қипчоқларни кўплигини ҳам билдиради дейди (Кузеев, 1974).

Қора-қипчоқ Зарафшон водийси, бошқирд, қирғиз, қрим-қипчоқларида мавжуд бўлиб чариш ёки сариш, нуғайларда ҳам сариш бўғинлари учрайди.











Ўрта асрларда бошқирд ривоятларида қипчоқни келиб чиқишини шундай таърифлайди: Ўғузхон сақлаб олган ўғли Қипчоқни (Кичик хонни) Идил дарёси бўйларини заб этиш учун юборди. Қипчоқхон 300 йил ҳукмронлик қилади ва бутун Қипчоқ уруғи Кичик хоннинг уруғидир дейди. Бошқирд қипчоқлари Кичикхонни ўгли Лачбийни авлодаларидир дейилади.

Бошқа бир ривоятда Қўлсарибий қора ёки қора-қипчоқларни учта бўғинининг оталаридир. Бошқа қипчоқ уруғларининг бўғинлари Лачбий Алимли ёки Олмабий авлодаларидир.

Қипчоқларнинг иккинчи бир оиласи герей ва қорагерейлар бўлиб, тамгалари П, ,  кўринишида бўлади. Қипчоқларнинг иккинчи шу оиласига санкем, бушман ва суун бўғинлари бўлиб юқоридаги тамгалардан ташқари У шоха кўринишида тамғаси мавжуддир.

Ад-Жувайний ва Рашидиддинларнинг ёзишларига қараганда, муғуллар билан Идил дарёси бўйларида олбурлик қабиласи ўз атрофига Амир Бачман бошлигида қаршилиқ кўрсатади. Кейин Менгухон Бачманни шафқатсизларча қатл этади. Аммо Бачман тарафдорлари Идил дарёсининг

шимолий томонларига қочиб бошқирдлар билан бирлашадилар. Бушман қабиласи қозоқларда қўнғирот уруғига киради. Бушман қабиласи одамлари тотар, қирғиз халқининг таркиб топишида ҳам муҳим рол ўйнайди.

Герей-қипчоқларининг тамғаси қўнғиротларнинг тамғаси билан (айниқса, қозоқ, ўрта жузга кирувчи қўнғиротлар) бир-бирига ўхшашдир. Куйида бир-бирига ўхшаш тамғаларни келтирайлик: Олтин Ўрда хонларини тамғаси , , , қозоқларни кичик жузни “султонлар” тамғаси , кичик жуз хўжаларини тамғалари ; керей қозоқлари уруғини тамғаси ; ўрта жузга тегишли қора-герей оиласини тамғаси ; қозоқ-қўнғиротларини тамғаси , ; бошқирдалрни герей-қорагай ва суун-қипчоқларини тамғаси . Бу тамғалардан кўриниб турибдики, кўп уруғ ва бўғинларни тамғаси бир-бирига ўхшашдир.

Герей қабиласининг келиб чиқиши ҳақида А. Джикиев (1961) айтадики, Ўғизхонни маликаларидан туғилган ўғлининг исми Герейли бўлган ва керейтлар-герейлар шу кишини авлодларидир.

В. В. Востров ва Н. А. Аманжановлар керейтлар (керейл, кириет, кирийет) қора-керей, абак-керей, герей, гэрэй) ўзбек, қозоқ, қирғиз, бошқирд ва бошқа халқлар этник таркибига кириб кетганлар. Керейтлар қадим-қадимдан қўнғиротлар билан жуда яқин муносабатда бўлиб келганлар. Шунинг учун ҳам керейтларни тамғаси қўнғиротлар тамғасига яқиндир. Ҳатто қўнғиротларни тамғаси Султонлик, хонлик тамғаси бўлиб ҳисоблангандир. Айниқса Олтин Ўрда хонлигида (Жучи улусида) қўнғиротларни тамғасини “султонлар” тамғаси сифатида қабул қилинган. Дашти-Қипчоқ, бошқирд, қирғиз қипчоқлари керейларни билан аралашиб қўнғиротлар ҳукмронлигида бўлганлари қўнғиротларнинг бир хил қабилалари номларини ва тамғаларини қабул қилиб олдилар.

Қипчоқлар қабиласидан оқ ёки туркман-қипчоқ бўлиб тамғаси айри кўринишидадир. Туркман-қипчоқ ҳақида гапирганда албатта сўз халқ фольклорига мурожаат қилишга тўғри келади. Ривоятларга кўра (ривоятлар маъзида аччиқ ҳақиқат ётади) ёш бошқирд йигит жуда гўзал узоқларда яшаётган туркман қизига уйланибди, демоқчики, бошқирд ривоятларида оқ ёки туркман қипчоқлари ўшаларнинг ашлодларидир.

Араб адабиётида туркман сўзи X-асрларда Сирдарё ўғизларида учрайди. Хўжа Аҳмад Яссавий билан бўлган мунозаралар, торгушувлардан кейин Сирдарё бўйларидаги туркманлар Нурота, Амударё ва Каспий денгизи орқа томонларига кўчиб келадилар. Фарбга кетаётган туркманлар ўзларининг йўлбоқчилари Оқман, Қораман (Мошков, 1950) томонидан юборилган экан. Сирдарёлик туркманлар X-XII асрларда қипчоқлар билан тўлиқ сингишиб, Олтин Ўрда хонлиги даврларида қипчоқларни келиб чиқиши ўғизлардан эканлиги ҳақида фикрлар халқ фольклорида сақланиб қолган бўлиб, қабилаларни бошлиқлари Оқман ва Қораман ҳақида ривоятларда таърифланади.

Айниқса қипчоқ, минг қабила ва уруғларини ўғизлардан келиб чиққанлигини тау этноним сўзи ҳам билдиради. Масалан: тоғ (тау, тов) қоратоғ, тоғлик, Олатовли ва ҳақозо каби сўзлар ўзбекларда,

туркманларда, қозоқларда, қирғизларда, бошқирдларда учраб туради. Тоғ сўзини этнонимини (Рашидиддин, 1952) Ўғизхон машхур олтита ўғилларидан бири Тоғ деб аталар экан.

Қипчоқлар уруғининг бўғинига кирувчи қозоёқли оиласи ўзбекларда, туркманларда, бошқирдларда, қорақалпоқларда, қозоқларда, нуғайларда тамғаси ёки (нуғай-Бурзянларники кўринишида бўлиб ғоз оёқли демақдир (Кузеев, 1974).

Демак, ўзбек, қозоқ, туркман, бошқирд, нуғай ва қорақалпоқлардаги тоғ, туркман, қозоёқли қабилаларининг келиб чиқиши қипчоқлардан деган хулосага олиб келади.

Ибн Баттута (1993) ёзадики, Дашти-Қипчоқ олти ойлик йўл деб. Бундан кўриниб турибдики, Қипчоқлар мамлакати ниҳоятда кенг территорияни эгаллаган.

Хозирги пайтда қипчоқлар 92 бовли ўзбек элатининг энг катта уруғларидан бири бўлиб Самарқанд вилоятининг Пойариқ, Иштихон, Каттакўрғон, Нарпай, хатирчи, Пастдарғом, Булунғур районларида яшайдилар. Қипчоқлар Фарғона, Бухоро, Хоразм водийсида ва Қорақалпоғистон республикасида яшаб келадилар (Х. Дониёров, 1968). Кам сонли қипчоқлар Сурхондарё, Тошкент, Ўра-тепа, вилоятларида ҳам мавжуд.

Самарқандда яшайдиган қипчоқлардан: чўмичли, қайчили, кўрпали ва сирғали каби бўғинлари кўпроқ учрайди. Ўра-тепада эса холдор-қипчоқлари яшаб келади.

Қашқадарёда яшайдиган чўтларнинг қуйидаги бўғинлари учрайди: байли, қизилкўч, тошлоқи, жарвоқ, қорабулоқ, оқтул, галамуш, эрол, жуйраб, тевалтой, сувлисой каби бўғинлари бор (Дониёров, 1968).

Умуман қипчоқлар тўртта асосий гуруҳга бўлинади: қора-қипчоқ, сори-қипчоқ, хитой-қипчоқ ва кулан-қипчоқ энг кўп тарқалган ва бўғинларга бўлинган қипчоқ бу қора-қипчоқдир.

Қозоқларда қипчоқлар қуйидагича бўлинади: қипчоқ ўғли сулималик ўғли, қобиққолип (Оқ қобиқ) ўғли, Муйизди-сорибиз ўғиллари қора-қипчоқ, сори-қипчоқ, хитой-қипчоқ, кулан-қипчоқ ва тури-қипчоқ. Қора-қипчоқдан: есин, сейт, кубланди авлодлари мавжуд. Кубланди қипчоқдан Туктарбий ва Ойбошботир авлодлари тарқалган.

Туктарбайдан ўз навбатида: Кулденен, Қорабалиқ, Туранғир, Бултон, Узун авлодлари тарқалганлар.

## ҚАТАҒОН

Қатағон уруғи ҳақида Абдулғозихон “Шажарайи турк” (1992) китобида шундай ҳикоя қилади. Аланкува яъни (Аланкуванинг каххудойи Дуван баён) ўлгандан сўнг, улуғ отаси (бобоси) Юлдузхонни акалари ва иниларининг ўғлонлари Аланкувани тиладилар, аммо тегмади. Аланкува айғди “мен жоним тиригида эрга берманг, ўғлонларим йигит бўлгунча элга бош бўлиб турарман. Андун сўнг ўғилларимга топширурман, деди. Бир неча йилдан кейин кечаси саҳар вақтида уйғонди, туйнукдан бир ёруғлик ичида киши шакли оқ-сарик кўзлари шахло келиб тушди. Аланкува ёнида ётган хотинларни уйғотай деб қичқирмоқчи бўлди, аммо


овози чиқмади тили тугилди. Тураин деса қўли-оёғининг мажоли йўқ. Аммо ақли жойида. У киши секин-аста ёнига келиб жуфт бўлди. Яна туйнукдан чиқиб кетди. Беш-олти кунда келиб турди ва Аланкува ҳомиладор бўлди.

Аланкува ҳомиладорлиги 4-5 ойлиги бўлганда шарманда бўлмайд деб қариндошларига айтди, улар кузатганда ҳам саҳар пайтида туйнукдан бир ёруғлик пайдо бўлиб кирди ва қайтиб чиқиб кетди. Аммо туйнукдан чиқиб кетганини барча ётган одамлар кўрди. Кейин Аланкувага ишондилар.

Нурдан Аланкува учта ўғил кўрди, энг каттасининг оти Букун Қатағон бўлиб, барча қатағон эли шундан тарқалгандир, иккинчиси Бу Сайджи (Бускун Чолчи), барча чолчи уруғи анинг наслидир, учинчисининг оти Бузанжар Мунқак бўлиб, хон бўлди. Чингизхон, Амир темур ва туркий мўғулнинг кўп ўзақлари анинг наслидандир.

Букун қатағонни Ҳофиз Таниш ибн Муҳаммад Бухорий (1992) Букун-катаки. Менимча, Сурхондарё вилоятидаги Хатак қатағонлари айнан Букун катаки номига Катакини-Хатак сўзи билан номланган бўлса керак.

### АЛАНҚУВО — НУР



Б. Х. Кармишева (1976) қатағонлар қабиласини қуйидаги бўлакка бўлиб беради:

Б. Х. Кармишева маълумоти бўйича қатағон қабиласини бўлиниши

Оила	бўлаклари	Оила	Бўлаклари
Жанқатағон	Жабоги Чукмарли Аблы Чадай Киркжилик бағчи Кият		Эчкили-темаз Арабнами Муилиноми Алчин Катта чорак Майда чорак Оттиш

Чечка	Оскар Жаули Хира Галагалли Зарбурун Қаракальтак Туртоу Хужакучкари Чигатой Жаукади Сармантай Тумалак Туғапан Сари	Мардат	Ак-чорак Туғиз қара
Тугул полвон	Алпберди Андижон Хожаміёр Пшакхўр	Қонғли	Желбери Қаратери Эрбачча Башер Бозан
Бурка	Режаки Қорача	эчки малай сари (Сариқатағон)	Қуюшқангли Бойтеки Бурмали Аришли Қаратаяк
Темаз Темас	Кулдеммин Тугарак Сакау Собок Бақлабачча Шербачча Қашқарбачча Барак Тулкичи Қутчи	Пингани Тас, Таз	Чаучи Балғабаскан

Эшимхонни Тошкентда Турсунхонга нисбатан қаттиқ, аёвсиз қиргин олиб боришида, бизнингча, Турсунхон қўшини таркибида бўлган қатағонлар жангаворлик қилиб Эшимхон армияси билан қаттиқ курашган, чунки қатағон халқи тўғрисида халқимиз орасида қуйидаги ибора юради:

Қатағон ҳам қаттиқ ёв,

Орада жуз бўлмаса.

Тортувли ҳам шунқор эл

Айби оз бўлмаса.

Шунинг учун ҳам Эшимхон, айниқса, қатағонларни қаттиқ жазолаган кўринади. Натижада қатағонлар кўп эллар, уруғлар орасига кўчиб кетганлар.

Қатағонлар Чингизхон билан жуда кўп марта душманлашиб юрдилар, кўзғалон кўтардилар. Чунки қатағон уруғи Чингизхоннинг тўққизинчи авлодини катта акаси Букун қатағондан тарқалганлиги учун, туркий халқлар удумига асосан, мавқеини баланд бўлишини талаб қилган бўлиши керак.



Қатағонларнинг катта қисми Шимолий Афғонистон, Тожикистоннинг Вахш воҳасида, Кўлоб, Қўрғон тепасида, Ўзбекистоннинг Шеробод, Бойсун, Ангор, Термиз, Бухоро, Қозоғистон территориясида ҳам қатағон халқини уруғлари яшайди. Жадвалда келтирилган маълумотларга қараганда қатағонларнинг уруғини асосий бўлаги Жонқатағон, Чечка, Тугул, Полвон, Бурка, Темас оилаларидан ташкил топган.

Кўлоб, Қўрғонтепа, Иссиқкўл (Жиликўл), Вахш вилоятида қатағонларнинг Қияқ, Таз, Тўхтамиш чаучи, туғалон оилалари яшайди.

Афғонистоннинг Нахрейн вилояти асосан қатағонларнинг Бурка-Темаз авлоди истиқомад қилади.

Вахш водийсида кўпроқ сори-қатағонлар яшайди.

Умуман айтганда, ўзбек элини қатағон уруғи энг катта уруғлардан бири ҳисобланади, қатағонлар республикамизнинг Хоразм, Тошкент, Хўжанд, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида яшайди. Афғонистоннинг шимолий районлари: Кундуз, Тошқўрғонда аксарият қатағон уруғининг оилалари яшайди. Шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистоннинг ва Тожикистоннинг жанубий районларида яшаётган қатағонлар Афғонистондан Ўзбекистон ва Тожикистонга ва аксинча ўтиб қадим-қадимдан яшаб келганлар.

Қатағонларнинг Қашқадарё, Самарқандда, Кундузда, Балхда, Кўлобда, Тошқўрғонда, Сурхондарёда кўпайишига, бизнингча, асосий сабабларидан бири 1628 йили қозоқ хони Эшимхон Тошкент ва Тошкент атрофини бошқариб турган Турсунхонга қарши жанг қилиб, натижада Турсунхон қатл этилади. Ҳақиқат пайтларда Бухоро хони Абдуллахон, Имомқулихон томонидан Тошкент, Туркистон, Андижон учун қозоқ хонлари Шигафхон, Эшимхонлар билан тез-тез жанглар бўлиб турарди. Ана шу тез-тез бўлиб турадиган жанглардан, оғир аҳволдан қутилиш учун Турсунхон ўзини энг обрўли яқин кишилари (асосан қатағонлар бўлган) билан 1613-1614 йилларда Тошкент, Туркистон ва қўшни вилоятларга қўшин тортиб келиб Сирдарёдан ўтганда, Бухоро хони Имомқулихон қароргоҳига бориб, уруш очмасдан сулҳ тузиб қайтади. Чунки Турсунхоннинг отаси Жоним Султонни ва иниларини ҳамда Хақназархоннинг иккита ўғлини 1580 йили Шайбоний Султонларда, Бобо-Султон қатл этган эди. Бизнингча, Турсунхон ана шу воқеаларни ҳисобга олиб, Бухоро хони Имомқулихон билан сулҳ тузган бўлса керак. Бу воқеалардан кейин Турсунхон устига Эшимхон катта қўшин билан келиб хонни ва яқин кишиларини қатл этади. Ҳақиқат даврда Тошкент вилоятида Турсунхоннинг саройида, аскарлар сафида асосан қатағонлар кўп бўлган. Энг кўп жазоланганлар қатағонлар бўлган ва Турсунхонни ўгли Чурас бошчилигида Яркентга қочиб кетдилар. Қолганлари Бухоро, Самарқанд, Хисор вилоятларига, қадимги уруғлар қошига кўчиб келдилар. Қатағонларнинг бир қисми чанишқли номи билан қангли уруғини таркибига кирдилар. Яна бир қисми Сирдарёни жанубий-ғарбий томонига қочиб ўзбеклар таркибига кирдилар. Бу воқеа ҳақида Абулғози Баҳодирхон "Қозоқ хони Эшимхон Турсунхонни қатл этиб қатағонларни қириб ташлади дейди". Абулғози Баҳодирхон Тошкентда Турсунхон ҳузурда 2 йил бўлади. 1628 йилги воқеаларни ўз

қули билан кўрган (Абулғози, 1992). Қатағонлар ўзбек, қирғиз, қозоқ халқларининг этнонимига кириб шу халқлар билан сингишиб кетган.

Бундан 300 йилдан ошикроқ вақт олдин Н. Г. Маллицкийнинг хабар беринчи, Чиноз районида қатағонларнинг яшаганлиги ҳақида хабар берган, масалан Куктерак, Қашқадарё, Чиноздаги кексалар ўзларини ота-бабалари Тошкент атрофида яшаганликларини айтишади. Ўша Тошкентдаги қирғин борот (1628) урушидан кейин Балх ва бошқа шаҳарларга кетиб қолган. Қатағонлар Самарқанд вилоятининг Дарғом, Нарпай каналлари бўйларига келиб жойлашиб қолгандир. Менинг фикримча, қатағонлар Чингизхоннинг ўғли Чигатойхон армияси сафида кўплаб бўлиши бу уруғнинг Мовароуннаҳрда кўплаб ўрнашишига сабаб бўлса керак. Шайбонийхон армияси сафида ҳам қатағонлар бўлиб, аввал бу хонликни шимолий районларида кейинчалик эса жанубий районларида қатағонлар жойлашган. 1838 йил Доктор Лорд ёзишича, 150-200 йиллар аввал ўзбеклар элини қатағон уруғидан Муродбек Ҳисор хонлигига ҳукмронлик қилган. Аммо Муродбекни ўғли Муҳаммадхон-бек кўшни вилоятларга босқинчилик-талончилик урушини қилгани учун Бухоро хони томонидан ўз вилоятидан ҳайдалган. Аммо Қўлоб, Панж, Кундуз, Толиқон ва Рустак каби территорияларда узоқ вақтлар подшоҳлик қилган.

Б. Х. Каримшевни (1976) ёзишича, ҳозирги Дошнободдаги (Дашти Нават) қатағонлар аслида аввал Самарқанд шаҳри яқинидаги Даҳбел деган жойда яшаганлар. Кейинчалик Ҳисор ва Дошнободга силжиганлар. Ҳатто қатағонлар Бекмуродхон (1698-1699) йиллар вафот этган) Кундуз, Қўлоб каби вилоятларга ҳукмронлик қилган. Кейинчалик Бекмурод хонни ўғли Маҳмудбий қатағон давом эттириб Бухоро хони Убайдуллахон билан Пашхурда қаттиқ жанг қилади (Валихонов, 1961).

Муҳаммад Солиҳ ўзининг “Субҳонкулинома” китобида ҳам 1640 йилларда қатағонлар Балх, Кундуз вилоятларида яшаганликларини ва жуда кўп тинч ўтирмайдиган доимо ҳокимият учун курашиб турадагин уруғ эканлиги ҳам қайд этилган.

Кундуз, Балх, Ҳисор вилоятларига қатағонлар 1628 йилги воқеадан жуда олдин келганлари бўлган. “Турсунхон воқеасидан” кейин келган қатағонлар ўз қариндошларини олдига кўчиб келган деган фикрлар ҳам мавжуддир.

Қатағон уруғи Эшимхоннинг 1628 йилги Тошкентдаги қирғинбарот урушидан кейин қозоқ элида бундай уруғ деярли йўқ. Аммо қангли ва Чанишқли уруғлари қатағонларни авлодлари дейилади. Балким, қатағонлар ўз уруғларини номини Турсунхон воқеасидан кейин яшириш учун қисман қангли, чанишқли уруғлар билан бирлашиб кетганлар.

Қатағонлар баъзи бир ривоятларида қирғизлар билан бир отадан тарқалган деб айтишади ва қўнғиротларнинг “Алпомиш” дostonига ўхшаш, қирғизлардан “Манас”сида

Бошқа уруғу қатағон  
Қирғиздан чигип ушул эл,  
Баарида бир атадан  
деб айтилади.

Рашидиддин қатағонлар қирғизлар этник оиласига кирган, деб ёзади.

С. М. Абрамхон қатағонлар қадимий қирғиз элатининг уруғларидан деб кўрсатади. Қатағонларни машхур халқ қаҳрамони Кошой бўлган бўлиб, Тожикистонни Қаратегин вилоятида Кошон қишлоғи мавжуддир.

Албатта, халқлар ривоятлари маълум бир ҳақиқатга асосланади. Масалан, қирғиз ривоятларида Енисей (Энасой-Катта Соё) бўйларидан кетгандан кейин Кундуз шаҳри тилга олинади. Қизиги шундаки, ўзбек қатағонлари билан қирғизлар уруғларининг 6 та ойласи бир-бирига мос келади: Кутчи, сақау, барак, қангли, таз, сари. Бундан қатағонлар қирғизлар элидан тарқалган деган гап келиб чиқмайди, аммо Марказий Осиё халқларининг кўпчилигини ота-боболари бир-бирини уруғдош бир ота бир онадан тарқалган десак ҳато қилмаймиз. Пайғамбарларимизни асарларида ҳам инсон ҳам одам-ота Момо-ҳаводан бино бўлган деган ҳикмат ҳақиқатдир.

Қатағон уруғидан машхур тарихчи олим "Мусаххир ал билад" (мамлакатларнинг фатҳ этилиши) китобини муаллифи Муҳаммад Ибн Араб Муҳаммад қатағон бўлган. Айниқса 1628 йилги воқеани тўлиқ ёритган. Қирғиз халқининг анъанасига кўра айтиладики, Турсунхон қатағоннинг қизи қирғиз йигитига турмушга чиққан. бизнинг назаримизда, Турсунхон қатағон уруғидан бўлган ёки қариндош ва Турсунхонни отаси Жоним Султон бўлган. 1613-1614 йиллари Турсунхон Тошкент ва унинг атрофидаги вилоятларнинг ҳокимлигини зўрлик билан эгаллаган.

Мўғул хони Абдал Латифхоннинг онаси Турсунхоннинг синглиси бўлиб, ўз замонасининг энг ақлли аёлларидан бўлган (Султонов, 1982).

Шарофиддин Али Яздий ўзини Амир Темурни зафарли юришларига бағишлаган "Зафарнома" асарини машхур ҳатот Мулла Хўш Муҳаммад Ибн Тошмуҳаммад қатағон 1817 йилда кучирган Убайдуллохон (1702-1711) ҳукмронлик йилларида қатағон (қатағон қабиласининг бошлиқларидан) 1706 йили Балхда ҳокимиятни ўз қўлига бутунлай олди.

Албатта, қатағон уруғини таркиб топишида, айниқса Кундуз, Балх, Қўлоб, Ҳиср каби вилоятларда қирғизларни ҳам маълум бир ҳиссаси бор. Хулоса қилиб айтганда, қатағонлар қадимий туркий халқ бўлиб минг-минг йиллардан бери Марказий Осиё ерларида аввало кўчманчи қabila, кейинчалик эса ўртоқлашиб ҳар бир миллат билан сингишиб уйғунлашиб, ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, афғон, халқларини этник таркибига кириб кетган.

## ҚАНГЛИ

Қанглиларни уруғ иттифоқи бизнинг эрамыздан олдинги II-асрда Соғдлар билан мувоффақиятли жанг қилиб кўпгина вилоятларни ўзларига бўйсиндирганлар. Кейинчалик қанглилар ғарбий турк коганатига ўтади ва XIII-XIV асрларда бирмунча сусаяди. Қангли уруғини иттифоқини ҳам Чингизхон ўзига бўйсиндирган.

Рашидиддиннинг қангли сўзини, Абулғоziхон айтганидек Ўғузхон тотарни жангда енгганда жўда кўп ўлжа қўлга тушди. Олиб кетишга кулук оз эди. Бир яхши чибар киши бўлган, у одам фикр қилиб арабани ясаган, ундан кўриб барча араба ясаб молларини юклаб қайтдилар. Араба юрганда

қаниқ-қаниқ қилиб овоз чиқаргани учун ясаган кишига Ўғузхон қаниқли деб ном қўйди. Барча қаниқли эли у кишининг фарзандларидир.

Ҳофиз Таниш Иби Мир Муҳаммад Бухорийнинг "Шарофномаи шоҳи" китобида (1983) қангли уруғи ҳақида шундай ривоят келтиради. Ўғузхон ўзини амаки акаси билан уришиб енггандан кейин жуда кўп молу-мулк ўлжага тушади. Бунга молу дунёни олиб кетиш учун бир киши арава ясайди. У кишидан тарқалган одамларни қангли деб атайди, яъни "арава"чи ёки "аравақаш" маъносида бўлса керак. Проф. В. В. Решетовнинг (1959) фикрича қангли сўзи хитойча "арава" маъносида "канг-канг" сўзидан олинган.

Г. Валихоновни (1961) қангли уруғи Тубе-бийнинг ўғли Кочами авлодларидан тарқалгандир дейди.

Маълумотларга қараганда, (Пристов, Востров, Муқанов, 1968) Тубайни ўғли Уйсун ўғли Куелдер, Мекрен, Майқи, Кочам, Куёлдор ўғли Катоғон (Чанишкли) Мекрен ўғли Жалойир, Майни ўғли Абак, Кочамни ўғли Қангли. Аммо жузларнинг шажарасида қангли уруғи Майкини ўғли деб берилган.

Эраמידан олдинги III-II-асрларда қангли уруғи Сирдарё бўйларида жуда катта давлатни ташкил этган. В. В. Бартольднинг ёзишича уйсунларни гарбида яшовчи турк қабилаларини қангли деб атаганлар. Хитой маълумотларига асосан уйсунларнинг қадимий мамлакати канцзюй (кангюй) бўлиб, қангли сўзи ўшандан олинган деган фикрлар бордир.

Ўрта асрларда қанглилар Рашидиддин ва Абулғози Баҳодирхонни Кузеевни маълумотлари бўйича кўп халқларни оила-уруғларнинг ҳосил бўлишида қангли уруғи катта роль ўйнаган. Масалан: ўзбекларда қангли уруғи алоҳида, қозоқларда катта жузни ҳосил бўлишида, қрим ва нуғой тотарларида алоҳида, қорақалпоқларда қангли қипчоқ уруғининг таркибида, қирғизларда қангли уруғи ичкилик гуруҳини ташкил этади.

Қангли уруғи иттифоқининг пайдо бўлишида икки хил қараш мавжуд: кўпчилик олимлар қангли уруғининг иттифоқи XI-XII-асрларда Орол бўйи даштларида пегеног-ўғизлар асосида пайдо бўлган дейишади. Бунда қангли сўзи печеногларни қадимий номига, яъни "қангар" сўзига яқинлашади. Иккинчи фикр қангли иттифоқининг ҳосил бўлишида қипчоқларнинг роли катта деб фикрлашадилар. Айниқса 1220 йили Чингизхонга қарши курашишда Муҳаммад Хоразмшоҳнинг армияси сафида 90 минг қанглилар бор эди. Натижада қангли билан қипчоқларнинг ўзаро яқинлашуви асосида қангли қипчоқ иттифоқи вужудга келади. Қангли уруғини ўзбекларда, бошқирларда тамғаси ва, қозоқларда, нуғайларда, кўринишида бўлади (Кузеев, 1974). Қипчоқларни кўринишидаги тамғаси печеног, ва қангли уруғларидан келиб чиққанлигини кўрсатади.

Бизнингча ҳар иккала келтирилган ривоятда ҳам арава яшаш устида гап бормоқда. Қаниқли ва қангли сўзларининг маъноси бир-бирига яқин бўлса керак.

Қангли уруғи қадимдан Сирдарё бўйларида яшаган бўлиши керак, чунки Хоразм подшоҳи Муҳаммад Алоуддин Хоразмшоҳни хотини Туркан-хотун шу уруғдан бўлиб, Султон Жалолиддиннинг онасидир.

Сурхондарё вилоятида ҳам қангли уруғи халқлари яшаган. Аммо кам сонли бўлганлиги учун бошқа уруғлар билан сингишиб кетган (Кармишев, 1970).

Соҳибқирон Амир Темур Сирдарё бўйларида қангли уруғини учратади ва Тўхтамишхонга қарши юриш қилганда қангли уруғидан аскарлари бўлган.

Қангли уруғи кўпгина миллатларнинг (ўзбек, қозоқ, бошқирд-қорақалпоқ, қирғиз) этник таркибига кириб уйғунлашиб ҳозирги Марказий Осиё мамлакатларининг кўпиди қангли уруғи халқларини учратиш мумкин.

Қангли уруғи ҳозирги пайтда кўпроқ Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Сирдарё бўйларида, Самарқанд ва Бухоро, Қорақалпоқ, Бошқирдистон, Целиноград, Кукчетов вилоятларида истиқомат қилади. Ҳатто, ҳозирги қадар Зомин туманида “Қангли” номида қишлоқ мавжуд бўлиб, асосан шу уруғга мансуб кишилар яшайди.

Самарқанд вилоятидаги қанғиллар кўйидаги 4 та бўлакка (уруғга) бўлинадилар: Тароқли, Болғали, Ирғоқли ва Жомтамғали (Дониёров, 1968). Қангли уруғининг тамғаси (алиф) ҳарфи (арабча) кўринишида бўлиб қозоқларнинг катта жуз уруғи тамғасига ўхшайди. Албатта, қозоқ, қирғиз, нуғай, қанғиларининг тамғаларида озми-кўпми бир-бирдан фарқи бор.

Қангли уруғи печеног-ўғизларнинг ва қипчоқларнинг тамғасини олган бўлса керак (Кузеев, 1974), чунки печеногларни қадимий номи қанғар бўлиб, манбаларда қангли уруғи номи шундан олинган бўлса керак деган таҳмин мавжуд. Худди шундай Баяут (Баут, баят) ҳам печеног-ўғизларни Дашти-қипчоқдаги қадимий номи бўлиб ҳисобланади.

## БАРЛОС

Туманохон (Туманойхон) нирун уруғига жуда кўп йиллар подшоҳлик қилган бўлиб, 9 та ўғли бор эди. Туманохоннинг бу ўғилларидан уруғлар пайдо бўлди. Шу ўғиллардан Қобул ва Қочули номли иккитаси эгизак эди. Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” китобида ёзишича, тунлардан бирида Қочули туш кўриб, акаси Қабулхоннинг кўйидан бирин-кетин юлдуз учиб чиқиб, бироз чақнаб тургач сўнади. Аммо тўртинчи юлдуз чақнаб, бутун оламни ёритиб, бир нечта юлдуздан бир неча порлоқ юлдулар пайдо бўлади. Қочули ўз туши ҳақида бироз ўйлаб туради ва яна уйқуга кетади.

Қочули уйқусида туш кўриб, ўзининг кўйидан бир нечта юлдуз учиб чиқиб сўнади, аммо саккизинчи юлдуз бутун дунёга нур-зиё таратиб турарди ва бир нечта кичик юлдузлар ажралиб чиқиб ҳар қайсиси бир ўлкани ёритади. Қочули ўз тушини отаси ва акаси Қабулга айтиб беради. Отаси Туманойхон туш таъбирини кўйидагича шарҳлайди: “Биринчи тушнинг таъбири шулдирким, Қобул — (авлод)дан бирин-кетин уч шахзода хонлик тахтада ҳукм сургайлар. Бироқ уларнинг ортидан тўртинчисида бир подшоҳ дунёга келади ва оламдаги мамлакатларни эгаллайди (яъни Чингизхон ҳақида гап боради). Ундан фарзандлар туғилади ва у узоқ яқин ерларни уларга бўлиб беради ҳамда ҳар бирини бир мамлакатта хон қилиб тайинлайди”. Иккинчи тушнинг таъбирини

Қочулига айтадики: “Сенинг авлодиндан 7 киши подшога воситачилик қилгай, аммо саккизинчи жаҳонгирлик қилгай ва кўп мамлакатларга подшоҳ бўлгай, ҳамда кўп фарзандлар дунёга келиб, ҳар бири подшоҳ вориси ёки ҳукмдори бўлгай”.

Қобул ва Қочули отаси олдида: “Хонлик тахти Қобулхонга бўлсин, Шамсир ва ҳукм юритиш ва Қочулига берилсин” — деб бир-бирларига сўз берадилар. Улар “Биз фарзандларимизга ҳам васият қиламиз, улар ҳам авлоддан-авлодга ушбу қоидага амал қилиб борсинлар”, — дедилар. Бу қарорни уйғур ёзувида бигиб кўйдилар. Иккаласи ҳасм имзо чекди ва отаси Туманойхон ўзининг ол тамғасини босди ва уни хон хазинасига топширди. Шундан бошлаб Қочулини ўғлига Эрдамчи — “барлос” лақаби берилди. “Барлос” унвони бўлиб, шундан бошлаб Эрдамчи барлос уруғини “барлослар” номи билан юритдилар. Барлос уруғи Амир Темурнинг бешинчи бобоси Қорачор нўён даврида жуда ҳам машҳур бўлди. Чингизхон подшоҳлик даврида ўғли Чигатойхонга Мовароуннаҳр ва шарқий Туркистоннинг кўп ерларини ажратиб бериб, мамлакат ва сипоҳ билан биргаликда ўз амакиваччаси Қорачор-нўён (хўжайн) ва (бош-қош бўлиб туришни) кўп тайинлади. Қорачор-нўён кенгашисиз ва розилигисиз Чигатойхон ҳеч бир ишга қўл урмас эди. Чигатойхон овга, хурсандчиликка жуда ишқибоз, шунинг учун бутун мамлакат ишларини Қорачор-нўён бошқариб борар эди.

Чингизхон вафот этгандан (1227 й) кейин ўрнига ўлтирган ўғли Ўқтойхон, Чигатойхонни саломатлиги оғирлашгач, хон болаларини унга топширди. Қорачор-нўён хонни тахтдан тушириш ва хон қилиб кўтариш каби ишларни ҳам маслаҳатлашиб амалга оширар эди. Бу уddaбурон нўён 89 йил умр кўриб 1254 йили вафот этди.

Қорачор-нўёндан жуда кўп фарзандлар (жами 19 та ўғил) қолиб, ҳар бири Турон ва Эронда ҳокимлик қилдилар.

Барлос уруғидан амир Тўғачор-нўён (Чингизхоннинг куёви, Қорачор-нўённи укаси) Чингизхоннинг Мовароуннаҳрга, Афғонистон, эронга қилган юришида асосий қўмондоқларидан бири эди.

Ҳозир китоб (Кеш), Шаҳрисабз, ерлари Қорачор-нўён суюрғал (тортиқ, инъом) қилинган бўлиб, манбаларда ёзилишича, Қорачор-нўённи ўғли Ийжил баҳодир ўғли Илангизни Кеш вилоятига ташлаб, ўзи Эрон ва Озарбайжон тарафга Тўкадар-ўғул қошига кетади.

Кешга ёки Қашқадарё вилоятига Илангиз-баҳодирдан ҳам олдин Қорачор-нўён авлодлари келган бўлиши мумкин.

Барлослар уруғи ўша вақтларда фақат Кеш вилоятида, шунингдек, Қарши, Муборак, Занжир сарой, шаҳари атрофларида яшаб келган. Амир Жоку бинни, Муборак бинни, Тўғон бинни, Қодон бинни, Ширгай бинни, Қорачор-нўён маълумки, Муборак шаҳри атрофларида яшаган. Балким Муборак шаҳрининг номи Амир Жоку барлосни отаси амир Муборак ёки Чигатой улусининг хони Муборакхон ибн Қора-Хулогу билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Барлос уруғи жанговор, мард, чечан, уddaбурон, хушбичим одамлар бўлган. Бунга ёрқин мисол қилиб Суғу-чечан, Қорачор-хўжайн, Амир Темур, Амир Жоку ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Амир Темур 1370 йили Балхдан Амир Хусайн устидан ғалаба қозониб Мовароуннаҳр амири бўлиб қайтгандан кейин, давлатни тузиш ҳамда мустақкамлашда барлос уругининг йигитларидан махсус гвардия тузади.

Барлос қабиласидан чиққан Ҳожи Барлос муғулларнинг 150 йиллик Мовароуннаҳрда ҳукмронлиги давомида Чингизхон авлодлари салтанатига қарши чиқиб, вақтинча бўлса ҳам ғалаба қозониб, Кеш-Қарши вилоятларига ҳукмронлик қилганлардан биридир. Ҳожи Барлос Қорачор нўённи Тангу-Мангу ўғлидан тарқалган авлодидир. Ҳожи Барлос Амир Темур билан узоқ амакивачча бўлган.

Барлос уруғи Қорачор-нўён ва айниқса Амир Темур даврига келиб жуда кўп вилоятларга, мамлакатларга тарқалди. Чунки бу даврда Барлос қабиласи уруғларига маълум бир имтиёзлар берилган эди.

Натижада Амир Темур, Шохруҳ, Абусайид, Хусайн Байқаро, Муҳаммад Заҳириддин Бобур замонларида барлос уруғи Амударёнинг ўнг қирғоғидан ўтиб Хуросон, Афғонистон, Эрон, Ироқ, Хиндистон, Покистон каби мамлакатларга кенг ёйилди.

Барлослар Амир Темур ва теурийлар даврида Хиндистонга бориб қолганлари ҳозир ҳам Агра, Деҳли шаҳарларининг атрофларида бир неча ўн минглаб кишилар яшайди.

Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Тожикистон республикасининг Хисор вилоятларига барлосларнинг бориб қолишини XVI-аср бошларида Мовароуннаҳрни забт этган Шайбонихон билан боғлайдилар.

Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидаги барлослар ҳам маълум бир имтиёзларга эга бўлиб, мардикорга олинмаганлар. Ҳатто барлослар меҳмон бўлганда кўй гўштининг ямбаш (жомбош) эти кўйилган. Хисордаги барлослар ўзларининг авлодлари Шаҳрисабздор, Самарқанддан ўзбекларнинг (Шайбонийхонни ўзбеклар дейишади) сиқуви натижасида 500 йиллар олдин келиб қолганлигини айтишади.

Сурхондарё вилояти Чингизхон авлодларига қарши курашишда бир паноҳ жой бўлиб, ҳар қачон чингизийлар ҳужумидан енгилган, кўнғиротлар, барлослар, қоратоғда, Дашнободда, Хисорда жон сақлаганлар.

Б. Х. Кармишевнинг (1976) ёзишича, барлосларнинг боболари Хисордан ўзларини асл ватанлари юқори Тарағай қишлоғига XIX асрни бошларида кўчиб келганлар дейишади. Уларнинг юқори Тарағай қишлоғига кўчиб келишга асосий сабаб ерни ишлов берадиган жойларда (қўйи Тарағай қишлоғида) Кенегас уруғини киянни ва читют қабилалари жойлашганлигидир. XVIII-асрнинг ўрталарида Бухоро ҳукмдори манғит Муҳаммад Раҳим замонида Хисордан 20000 барлослар Самарқанд ва Шаҳрисабзга зўрлик билан кўчиб келтирилган (Кармишева, 1976). Бундан ташқари барлослар Зарафшон, Сангзор водийларида ҳам жойлашганлар. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари ҳамда Тожикистоннинг Регар туманларида барлослар қабиласининг иккита: олтибачча ва калхофизуруғи яшайди. Олтибачча уруғининг келиб чиқиши олтига ака-укадан тарғалган бўлиб, катгаси Толибачча кичиги олтибачча бўлиб, қолганлари Қозибачча, Пулатбачча, Ахсақбачча, Негматбаччалардир. Бошқа бир маълумотларга қараганда барлослар еттита ўғилдан

тарқалгандир: улар Толибачча, Ниязбачча, Качалбачча, Шербачча, Негматбачча ва Олтибачча (Шашбачча бўлиб, Қозибаччадан уруғ қолмаган. Ҳозирги Регар туманида яшовчи барлослар ўзларини Толибачча авлодидан деб биладилар. Соҳибқирон Амир Темурни Олтибачча авлодидан келиб чиққан деб тахмин қилишади. Б. Х. Кармишева (1976) берган маълумотларига қараганда: “Улар Амир Темур Мир Амир, Қорачор Мир Жамол, Мир Сайид-Камол, Мир Сайид Муҳаммад Мир Аҳмад Суфи Нуржон, Суфи Миржон — Махманазар дир. Олтибачча уруғининг ҳаммаси пирдош бўлган. Эшонлари Хўжандлик бўлиб, 1886 йилда Тарағай дарасида туғилган Самат Қодиров куйидаги эшонларнинг номларини келтиради: (Хўжа бу динни тарқатувчи араблар маҳаллий хотин-қизларга уйланганда пайдо бўлган фарзандлар). Хўжа Жаҳон, Пошша Хўжа, Дониёр Хўжа, Муса Хўжа ва бошқалар. Бу эшонлар Қашқадарё, Хисор, Регар, ҳатто Бадахшон ва Афғонистондаги барлослардан ҳам назр йиққанлар.

Калхофизи Негматбачча наслидан тарқалгандир. Ривоятларга кўра Колхофизи юқори Тарағай даражасида яшаган бўлиб, кунларнинг бирида Негматбаччанинг ҳомиладор хотини отда дарёдан кечиб ўтаётганда сув оқизиб кета бошлайди. Шунда Негматбачча, у агар отда сувдан омон-эсон ўтиб олса мен туғилган болани эшонга назр қиламан деб ўйлайди. Сувдан омон-эсон ўтиб олади, бола туғилади. Негматбачча ваъдасига мувофиқ Самарқандлик эшонга болани назр қилади. Бола кал бўлади, аммо ашулани яхши айтади, шунинг учун уни Калхофиз деб айтишади. Ана шундан тарқалган авлодни Калхофизи деб айтишади. Маълумки, Мовароуннаҳрда ва Ҳисор вилоятларида Жете ёки Жатта бўлиши мумкин, яъни мўғуллар яшайди. Барлосларга маълум бир имтиёзлар берилганлиги учун ҳозирги барлослар орасида муғул, тожик ва Мовароуннаҳрда яшовчи турк қабилалари ҳам ўзларини биз барлослар уруғиданмиз деб эҳтимол қилиб юрувчилари ҳам бордир.

Барлослар уруғидан доимо улуг амирлар етишиб чиққан бўлиб, Чингизхон ва унинг авлодлари даврида улар бош амир вазифасини бажариб келганлар.

## ҚОРЛУҚ

Хафиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорийнинг “Шарафнома-ий шохи” китобида ёзишча, Ўғузхон Гур ва Гуржистонга (ҳозирги Афғонистонни ва Эронни Себзавар, Ҳирот, Бамаан, Маймана шаҳарлари оралигида) қилган юришларидан ўз юртига қайтаётганда баланд қорли тоғга келганда ҳеч ким орда қолмасин деб буйруқ беради. Аммо ҳозирги қорлуқлар қабиласи қорда қолиб кетади. Натижада Ўғузхон буларни қорлуқлар деб атайди. Улар эса шу қор босган жойда қолиб кетадилар. Уша қолган жойларни Сави ёки Заве (саве) бўлиб Техрон шахрининг Жанубий-Ғарбида жойлашган. Абулғозихоннинг “Шажарайи турк” китобида ёзишча, Қорлуқ эли Мўғулистондаги берк тоғларининг ичида юрт қилиб ўлтирганлар.

Чингизхон мўғул элларини бирлаштирганда Барлос Кубилай нўённи элчи қилиб, Қорлуқ элига менга итоат қилинг деб юборган. Уша пайтда Қорлуқ элининг подшоси Арслонхон Кубилай нўёнга қўшилиб, ўзининг



қизини бош қилиб, кўп пешкашлар билан келиб, хонни кўрди. У Чингизхонга онт ичиб айтди, то ўлгунча бандалиқдан бўйнимни товламайман, деб. Хон ҳам ўз жамоасидан бир қиз бериб, Арслонхонга Чингизхон айтдики, буни нечук Арслонхон дейдилар. Шу кундан бошлаб Арслон Сайрак, десинлар. (Мўғулча тожик сайрак демақдир).

Турк қабилалари орасида албатта қорлуқликлар Ўрта Осиёдаги энг қадимги халқлардан бири бўлиб ҳисобланади. Қорлуқликларни Амударёнинг чап соҳилида яшаган ва яшаб келаётганлиги учун 1926 йили В. В. Бартольд Тохаристон (ҳозирги Афғонистоннинг Балх, Кундуз, Қобул, Бамиан ва Маймана вилоятлари ўртасида жойлашган) қорлуқларнинг авлодлари деб кўрсатади. Қорлуқлар Амударё бўйларида, хусусан Бадахшонда яшаётганлиги ҳақида, ҳатто араб истилочилари еттинчи асрларда маълумот берганлар.

Ҳозирги пайтда Афғонистонда, шимолий-ғарбий Хиндистонда яшаётган қорлуқликлар қадимий турк қорлуқларининг авлодларидир.

Г. М. Маллицкий ҳозирги қорлуқлар Қорахонийлар даврида яшаган турк қабилаларидир. Ҳисордаги ва Тоғчиён қорлуқлари ҳам ўзларини Бухоро ва Қоракўлдан келган қорлуқлар дейишади.

Ривоятларга қараганда қандайдир бир Мир Достон қорлуқ Боғдоддан Бухорога келиб кейинчалик Самарқандга жойлашган. Бир неча авлоддан кейин Мир Достон қорлуқнинг авлодлари Ўратепани Шимолий томонидаги Нижони мавзусида жойлашиб кўпайишган. Ана шу авлоддан Ўтабадал исмли шахс ўзининг мол-мулки билан тоғдан ошиб Ҳисорга келган, бошқа бир ривоятда Ҳожта бораман деб келиб қолган деган ҳикоятлар мавжуддир.

Қорлуқлар шарқий Бухорода қадим-қадимдан яшаб келадилар. Қорлуқларнинг катта қисми Ҳисор тоғининг жанубий ён бағрида бўлиб, Тожикистоннинг жанубий томонидаги қорлуқлардан фарқли ўлароқ турк-қорлуқлари деб аталади.

Турк-қорлуқлари яшаётган ҳудудида қараб бир неча гуруҳларга бўлинади. Кофирнигон дарёсининг юқори қисмидаги турк қорлуқларини рамити деб атайдилар.

Ромит қорлуқлари ўзларини олақўзи оиласига мансуб деб биладилар. Ворзоб дарёсининг ўнг томонидаги қорлуқлар ўзларини Ворзаби деб биладилар. Регар тумани ҳудудида яшайдиган қорлуқликлар каллук-регари деб номланади. Вахш, Яван, Нурек дарёси бўйларидаги қорлуқларни ҳам ҳисори-қорлуқлар деб аташади.

Жанубий Тожикистон қорлуқларини қаллук-мардум дейишади. (Мардум тожикча сўз бўлиб, “халқ” демақдир. Бу қорлуқликлар ўзларининг жанубий томонида яшаган қабилadoшларини — “галча-қарлуқ”, яъни тоғли-қорлуқ деб аташади.

Илгари Болжувон беклигида яшаганларни Болжувон қорлуқлари деб аташган. Тожикистоннинг Калликобод қишлоғида яшайдиганларида қуйидаги оилалар мавжуд: альп, алижон, қоракўк, гора, абульхайр, шаан, қутитешик, тиллакул, шаугард, холиавлод ва қочпай. Бу оилада альп оиласи энг қадимийси ва каттаси бўлиб, улар қуйидагича бўлинган: одина-тожик, махматкул, гози, дуғлат-хунук ва чигатой-қорлуқ.

Тожикистоннинг Жуңгар водийсидаги Бобур мавзесида қорлуқларнинг Байали авлоди, Куат авлоди, Шогард, Ҳоли авлоди ва Қочпай авлодлари жойлашган.

Явон водийсининг Лавак қишлоғида қорлуқларни иккига ажралган Кушчакмон, Девгашма қисмини бир томонида чора авлоди иккинчи томонида чаппа авлодлари яшайди. Тарихда Балжувон беклигида қорлуқлар оиласи: гараз, ярбек, аннабай ва жомчи гуруҳларига бўлинган.

Тожикистоннинг қорлуқлардан Бешариқлик қорлуқликлар тожик ва ўзбеклар билан ёнма-ён яшаб келганлар. Нонжемас қишлоғининг қорлуқлари тожиклар билан биргаликда ўзбекларнинг семиз, кесамир ва қатағон уруғлари билан ёнма-ён яшаб келганлар.

Афғонистондан чиққан қорлуқликлар Тожикистонни Жигли, Саричашма дарёлари бўйларида қатағонлар ва ўзбек тилида гаплашувчи араблар, тожиклар билан ёнма-ён яшаб келганлар.

Бошқа бир ривоятга қараганда Утабадал Ромийлар ҳукмори Шога асирга тушган ва Шо Ромит ўз паноҳига олиб қўйчилик билан шуғулланиб, кофирниган ва Иляк дарёларининг бўйларида боқиб, Явроз қишлоғида қишлаган. Қуилардан бирида Ўра-тепадан иккита савдогар Утабадални кўриб "сени ватанингда ахтариб юрибди, сен бу ерда экансан" деб кичкиради. Натижада бу икки савдогар ватаниннга қайтгин деб насиҳат беради. Аммо Утабадал Шоми-шарифга (Сирияга) қайтаман деб кўнмайди. Ромитлар ҳукмори Шо Утабадални тожик-эшон қизига уйлантиради ва кейинчалик иккита Ўра-тепаліқ савдогарлар ҳам яшаб, кўпайитб Ҳисор водийсида жуда кўп қишлоқларда (Чинор, Дехинов, Лянгар, Оқжар, Ширканд, Тошкапак ва Тоғчиён бўлиб Денов беклиги чегараларигача) яшаб келганлар.

Шуниси қизикки, турк-қорлуқларга ишонлар Самарқанддан, Ўра-тепадан келганлар, Ўра тепада лолаки уруғи мавжуд бўлиб бу уруғ Тоғчитён турк-қорлуқлар оиласида учрайди.

Бошқа бир ривоятларга қараганда, Чингизхон даврида Ботирхон бошчилигида қорлуқликлар Самарқанддан қочиб, бир қисми Ҳисор водийсига, бошқа қисми Бадахшон водийсига кўчиб келганлар. Шу юқоридаги ривоятлардан кўриниб турибдики, қорлуқликлар 1,5-2 минг йиллар давомида фақатгина Мовароуннаҳр ва Бадахшоннинг бир мавзесидан бошқасига кўчиб юриб шу ўлканинг қадимий халқлари бўлиб қолганлар.

Сурхондарё вилоятининг кичик Вахшивор мавзесида ушорлар, ургуликлар ва тоғчилардан ташқари Мианқалъадан (Навойи вилояти; Маркази, Кармана ёки ҳозирги Навойи шаҳри) келган қорлуқликлар ҳам яшайди. Бу қорлуқликларни каллар ҳам деб юритадилар.

Қишда ва баҳорда оппоқ қорлар билан ўралган тоғлардан оқиб тушадиган Ҳалқаяр дарёсининг тоғдан водийга оқиб тушадиган жойида гўзал табиатни, хушманзара бўлган катта манзилни Қорлуқ қишлоғи деб атайдилар. Бу жойда яшаган аҳолини ипак-қорлуқлар деб юритилади. Ҳалқаяр дарёсини кўпинча Хўжаипак деб ҳам номланади.

Қорлуқларни ёзда дам оладиган ва чорвачилик, деҳқончилик учун қулай жой ана шу Ҳисор тоғларини ёнбағирлари бўлган.

Сурхондарё вилоятининг Олтинсой, Денов, Шўрчи районларида ҳамда ана шу туманлардан келган қорлуқликлар Термиз шаҳрида ҳам яшайдилар.

Ҳозирги пайтда қорлуқликларни Сурхондарё вилоятида жипс жойлашган макони Олтинсой туманининг худудларидир.

Сурхондарёни Шаргундарё, Тўпаланг дарёси ҳавзаларида яшайдиган қорлуқлар Тоғчиён каллуглар номи билан юритилади. Тоғчиён каллугларга: Лолаки, Мозорчопти, Султонмаҳмуд, Қораясоқ, Қорабуюн, Пирмаҳмуди ва аджирғони оилалари кириб 500 уйли каллуклар деб ҳам юритилган.

## ЖАЛАЙИР

Кўп олимлар (Рашидиддин, 1952; Маҳмуд Қошғарий, 1987; Жувойний) жалайирлар XIII асрларда мўғулча гаплашган бўлсалар керак деб таҳмин қилишади.

Ибн Арабшоҳ ёзадики, Мовароуннаҳрда асосий тўртта қабилалардан Жалайирлар биридир.

Ўзбек улусида жалайирлар “болғали” қабиласи номида кўп учрайди. Жалайир уруғи қуйидагича бўлинади: қозоқ, ўзбек, қорақалпоқларда асосан: жалайир ўғиллари Сирманак, Чуманак. Сирманакни ўғиллари: Ариқтиним, Бойчиғир, Қайчили, Ойириш, Болғали, Кучук. Чуманакни ўғиллари: Қорачопон, Андас, Кальпе, Мирза, Урақий, Сипатой, Оқбиюм бўғинлари мавжуд.

Жалайир уруғини тамғаси:  $\sqcap$  ёки  $\sqcap$  ва  $\sqcap$  кўринишида бўлади (Востров, Муқанов, 1968).

Рашидиддин жалайир қабиласини 10 та бўлакка бўлади: Жот (ёт, бегона); тўқаровун, кўниқсовут, кўмсовут (қумсовут), уёт (ўёт), нипкон, кўрқин (кўркин), тўлангит, тури (тўри), шанкутлар.

Абулғозихоннинг (1992) ёзишларига қараганда, Жалайир халқи жуда кўп уруғларга бўлинган бўлиб, Мўғулистон томонда Утан деган ерда яшаб келганлар.

Жалайирнинг асли суяги Дарлагин уруғидан бўлиб, Дарлагин эса Нукуз авлодидир: ривоятларга қараганда жалайирликлар кўп халқ бўлганликлари учун Хитой ва мўғул халқи (Чингизхоннинг боболари) билан ҳам доимо ўтлоқ-яйлов таллашиб келганлар. Ана шундай мунозаралардан бирида хитойликлар жалайирликларни бир жамоасини қириб, кўп ўлжа ва одамларини асир олиб кетади. Таланган жалайир халқи сахро пиёзининг тагини қазиб истиқомат қилишар эди. Дутумнанхон (Чингизхонни еттиламчи бобоси) ўғлонлари қаллиқ ўйнаш учун кетаётганда бир жойда от чопиб ўтадилар. Аммо бу жойга кейинчалик жалайирликлар чуқур қозиб қуядилар, чунки улар бу ердан пиёз қозиб олар эди. Барча чуқур қазиган жалайирликлардан беш юз кишини хайдаб келиб қул қилиб бердилар. Шундан бошлаб бу жалайирликлар биз мўғул қаён ўғлонларимиз деб ўзларини атай бошладилар. Аммо Чингизхон даврида жалайирликлардан жуда кўп амирлар, беклар етишиб чиқдилар.

Жалайир уруғи ўзбекларда, қозоқларда, қорақалпоқларда, қирғизларда, бурятларда учрайди.

Амир Темур замонасида ҳам жалайирликлар уруғидан улуғ амирлар бўлиб, 1370 йили Балхда Амир Темурни Мовароуннахрни ҳукмдори деб сайид Барака пирлари ва кўп амирлар томонидан жумладан, жалайир уруғидан Амир Сарбуғо ҳам қатнашиб оқ кигизга ўтиргизиб, фатво бериб кўтарилишида иштирок этган.

Амир Боязид жалайир Хўжандни мустақил бошқарган. Озарбайжонни айрим вилоятларида жалайирликлар 1336-1411 йиллар ҳукмронлик қилади.

Жалайирликлар узоқ вақт Ироқни бошқаради. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон республикасининг Сурхондарё вилоятида (Сурхондарёни ўнг томонида) жалайирликлар яшайдиган қишлоқ бор. Термиз шаҳрига яқин жойда жалайир тепалигини ҳаробалари мавжуд. Тошкент вилоятида ҳам жалайирликлар яшаб келади.

Ҳозирги пайтда жалайир уруғига мансуб ҳалқларни Ўзбекистонда, Қорақалпоғистонда, Қозоғистоннинг Балхаш, Олатов ва Ил дарёси бўйларида учратиш мумкин. Ироқда, Мисрда, Афғонистон, Озарбайжонда бўлган кам сонли жалайирлар ерли ҳалқ билан сингишиб, этник гуруҳи билан аралашиб уйғулашиб кетганлар.

## НАЙМАНЛАР

Найман уруғи энг қадимги туркий ҳалқлардан бири бўлиб, Абулғози Баҳодирхоннинг ёзишича бу уруғдан Карқиш отли подшоҳлар бўлган. Кейинчалик иниси Айнат мамлакатга подшоҳлик қилган.

Чингизхон замонасида найманларнинг подшоҳини Таянхон дер эди ва унинг ўғли бор эди. Кучлик отлик. Улар Қорақурум деган мавзеда ўлтирар эдилар.

Найман уруғига мансуб кишиларнинг ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида учратиш мумкин. Улар кўпроқ Самарқанд (Пастдарғом, Нарпай), Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона водийси, Хоразм ва Қорақалпоғистонда истиқомат қиладилар.

Найман уруғига мансуб ҳалқлар, Тожикистон, Қозоғистон, Бошқирдистон, Олтой, Нуғай ва Мўғулистон худудларида ҳам яшайдилар.

Нарпай туманидаги найманларнинг шеvasини ўрганган Мухтор Валиев қуйидаги оилага (отага) бўлади: пўлатчи, улус, зарман, кичкилдик, чимбой, қора найман, захнайман. Дониёровнинг фикрича, 1966 йилда Аллаберган ўғли Сайид Бобонинг сўзи бўйича қуйидагича бўлинади: ос найман, оччили найман, катанли найман, вақимли найман, буйрак найман, турғоқ найман, уйшун найманларга бўлинади (Дониёров, 1968).

Қозоқ найманлари асосан Иртиш дарёсининг юқори қисмида, ғарбий Олтойда: Павлодар, Акмолинск вилоятларида ҳам яшайдилар. Найман уруғининг келиб чиқиши ҳақида икки хил фикр бор: биринчиси найманлар мўғуллардан келиб чиққан, чунки “найман” сўзи мўғулча бўлиб, “саккиз”; яъни саккиз отанинг ёки саккиз уруғнинг иттифоқи деган маънони англатади.

Рашидиддин ўзининг “Йилномалар” тўпламида кўрсатадики, найманлар тили феодал давлатида туркий бўлган ва давлат бошлиқлари, уруғ бошлиқларини исмлари ҳам туркий бўлган: Бука-хон, Той-бука, Буйрук-хон, Кучлик-хон ва ҳақозолар.

Рашидиддиннинг ёзишича, найманларнинг ва бошқа туркий уруғларнинг мўгул деб юритилишига кўп вақт бўлмаган. Бу мўгуллар империяси даврида келиб чиққан. Найманларни муғуллардан келиб чиққан деб юритилиши этник маънода эмас, сиёсий маънода ишлатилган.

Бизнинг фикримизча, ҳам Рашидиддин тўғри фикрни айтади. Масалан, Чигатойхон даврида бутун Мовароуннаҳрда қанча уруғ кўп бўлишдан қатъий назар, Чигатой улуси ёки ҳозир ҳам Чигатой уруғимиз деб юритишади.

Қадимги турк тилида найман сўзи “секизуғуллар” деган маънони билдиради. (Муқонов, 1974). Найман сўзи X асрнинг ўрталарида учрайди, яъни мўгул киданлари “секиз-уғулларни қисқартириб “саккиз-найман” деб ўзларича муғул тилида ном берган бўлса керак.

Рашидиддин ҳам найманлар қадимий туркий халқ бўлиб, биринчи ҳукмдорлари Наркиш-таян ва Эниат-хон. Найманларни кучли, мустақил давлат бўлганидан қирғизларни жангда енгиб, Иртиш дарёси томонга Орхон водийсидан жўнатиб юбордилар.

XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошларида найманларга Инанг-Билга-Бука-хон ҳукмронлик қилади ва ҳозир ҳам уйғурлар бу хонни ҳурмат билан тилга оладилар.

Найманлар давлати Таянхон даврида инқирозга учрай бошлайди. Таянхон билан унинг кичик иниси Буйрук-хон ўртасидагикелишмовчиликдан Чингизхон усталик билан фойдаланиб, аввало ўтлоқ — яйлов учун бир-бирлари билан доимо мунозара қилиб юрган ва керайтларни ҳукмдори Он-хон ва найманлар ҳукмдори Таянхон ўртасидаги можорада Он-хонни ўзига оғдириб, Улуғғур қўли ёқасида Буйрук-хонга (1198—1199 й). қақшатқич зарба беради.

1201 йили эса яна Буйрук-хонни Чингизхон тор-мор келтиради. 1218 йили Чингизхон найманлар давлатини батамом барбод қилади. Натижанда Чингизхон ва Чингизий хонлар даврида найманлар, бир мустақил давлат бўлиб бирика олмайдилар.

Найманларнинг Чингизхон томонидан тор-мор қилиниши, уларнинг ғарбга, Ўрта Осиё ерларига, Қозоғистон ҳудудларига кўчиб кетишларига сабаб бўлади. Қолган қисми Чингизхон армияси сафида Ўрта Осиё, Афғонистон ва бошқа мамлакатлар ҳалқлари билан уйғунлашиб кетади.

Найманлар Олатау, Зайан, Улутау, Балхаш, Алакул, Туркистон, Сирдарё бўёларига жойлашдилар. Айниқса ўзбеклар давлатининг Абулхаерхон томонидан ташкил бўлгандан кейин найманлар Иртиш дарёсининг юқори оқими томон ҳам жойлашдилар. Найманлар Ўзбекистон республикаси ҳудудига Сирдарё бўйларига XIII—XIV асрларда Чингизхон, Абулхайрихон Шайбонихон ва Жунгарларнинг (Ойрот давлатининг) ҳукмронлик йиллари келиб, ўзбек миллатининг этник таркиб топишида катта роль ўйнайди.

Қозоқ найманларининг шажарасини (Восторов, Муқанов, 1974) куйидагича беради: найман авлоди Эль-ота, Суғуриш ота Эль отани Суғуриш авлоди Кельбука, Кетбука, Келбуқани ўғли Болтали, Кнтбуқанинг Боғанали Суғуришнинг авлоди Сорижумарт, Терейтамғали,

Сорижумартнинг авлоди Кўх жарли, Қоратое, Буралар бўлиб, Найманни бундан ташқари авлодлари Қоракерей, Матай, Садир, Тўртулдир.

Қадимги ҳамонларда Букахон туркий қабила ва уруғлар орасида ҳурматли, салобатли подшо бўлган. Букахоннинг ўғли Тойбука бўлиб, хитойликлар Ай-ван деб атайдилар, яъни у “хоннинг ўғли” демақдир. Тойбука кейинчалик Таянхон деб атала бошланди.

Найман уруғи қозоқларда учга бўлинади (Восторов, Муқанов, 1981) Терстамғали, Сорижумарт ва Тулечитой. Бу найманлари тамғаси масалан:

Кетбука — Терстамғали номини олди. Тамғаси Q ёки O бўлиб,

Ергенекти — найманни (Сорижумарт) тамғаси H, (= ҳамда ) ой

кўринишидаги тамғадир. Боғанали — найманни тамғаси: Y, V, W

ва U, Y кўринишида. Болғали—найманни тамғаси P ёки R —

болта кўринишида. Қоракерей — V матай — S, Садир — O

кўринишида. Умумий найманларнинг тамғаси асосан V кўринишида бўлади. Қирғизистонни Талас дарёси бўйларида найман уруғини боғиш оиласи Олтойдан найман давлатининг емирилишидан кейин келиб қолгандир.

Умуман олганда найманлар то XVIII асргача Термиз туманида кўнғиротлар билан бирга яшаб келганлар. XVIII асрдаги номиқчиликлардан кейин найманлар аввало Балх вилоятига, кейинчалик эса Зарафшон водийсига кўчиб кетганлар.

## ҚУШЧИ

Тарихчи Рашидиддин маълумотида қараганда кўшчи уруғи мўғул хонлари даврида “Амир Мазук — кўшчи” бургут билан ов қилувчиларнинг бошлиғи. Барча кўшчи авлоди ўша амир Мазук — кўшчининг уруғидандир. Аслида уларни Дурбан уруғидан келиб чиққан дейишади. Бошқирд ривоятларида Қушчи уруғи Дуван уруғидан олдин жанубдан ёки Олтойдан Дуванни 14 та ўғиллари билан Қушчи деган қариялардан тарқалган дейилади.

Қушчи уруғи Дурман Дурбан Дуван уруғлари билан доимо бирга бўлиб, 1427—1428 йилларда Абулхайрхонни хон қилиб кўтаришда иштирок этган. Қушчи уруғи ҳақида Ал-Харави (Бинойи) ўзининг “Футухат-хони” асаридида кўчманчи ўзбеклар давлати таркибида бўлиб, жанубга силжишган деган фикрни айтади. Худди шундай фикрни В. В. Бартольд (1964) ҳам ёзади.

Қушчи уруғини “қутчи” шаклида туркманларда мавжуд бўлиб, улар Қашқадарё вилоятининг юқори қисмидан кўчиб ўтган бўлиб, туркманларни салар уруғи таркибига қиради.

Қушчи уруғи қозоқ элида ҳам мавжуд. Улар кўчманчи ўзбекларнинг XVI асрнинг 30—40-йилларида Қозоғистон чўлларида жанубга кўчиш пайтида қолиб кетган халқ бўлиб ҳисобланади. Қушчи уруғи ҳақида Маъсуд ибн Кухистоний ўзининг “Тарихи Абулхайрхони” асаридида ёзиб

қолдиргандир. Қушчи уруғи қора-нуғайларда, қирғизларда ҳам мавжуд бўлиб, асосий қадимий уруғлардан бўлиб ҳисобланади. Қирғизларнинг қушчи уруғини тамғаси айлана бўлади.

А. Гусейнзода Озарбайжонда, Эрон Озарбайжонда, Туркияда 10 га яқин қушчи уруғи бўғинларини келтиради: улар қушчилар, ашачи, қушчу, қушчи Али ва бошқалардир.

Қушчи уруғини мўғуллардан келиб чиққан деган фикрга Магидович (1926) бутунлай қарши чиқади.

Қушчи асл турк сўзи бўлиб “ов қиладиган, қуш билан овловчи” ёки “қушлар овловчи” маъноларини англатади. Албатта, қадимда ҳозир ҳам қўлда ўргатилган бўргутлар билан нафаақат қушларни, шунингдек, тулки, кўён ва бошқа ҳайвонларни ҳам овловчи оилалар бошқа туркий халқларда давом этиб, улар Ўзбекистонда, Қирғизстонда, Қозоғистонда яшаб келмоқдалар. Шубҳасиз, қушчи уруғи қадимий уруғ бўлиб аслида туркий халқлардир.

Рашидиддинни айтишича, Қушчи уруғи ёуи қушчилар — бургутчилар дурбан уруғидан келиб чиққан бўлиб, фақат уларнинг бошлиғи Амир Мазук — қушчини дурбанлар амир Пуладнинг акаси эди деб кўрсатади. Рашидиддин айтадики, муғуллар томонидан дурбан уруғи забт этилгандан кейин улар хон саройида Амир Мазук-қушчи раҳбарлигида хизмат қилган бўлиб, асли туркий қабиладир.

Хитой манбаларига, ҳамда В. В. Радлов (1887) маълумотларига қараганда VI—VII асраларда Тянь-Шань, Енесей водийларида яшаган қушчилар қирғиз миллатига мансуб бўлиб, кетганлар. Қушчилар Ўра Осиёга ғарбий Туркистон каганати бошчилигидаги юришларда иштирок этганлар. Туркларнинг хони Мухан хон (VI асрда) хонлик унвони билан бирга Қушчи (Кушу) уруғ-оила номига ҳам Мушарраф бўлган. Мухан хон даврида (553—572) Турк каганати марказий ва Ўрта Осиёда сиёсий гегемонлиги машҳур бўлиб, киданларни, қирғизларни бўйсиндириб, эфталитлар давлатини тормор келтирди. Шимолий Ци ва Шимолий Чжоу мамлакатлари турк каганатига ўлпон тўлаб турди. Олтинчи асрнинг охирига келиб турк каганати Византия, Эроннинг сосанидлар қисмини ўзига бўйсундириди.

Демак, Қушчи уруғи қадимий туркий уруғ бўлиб мўғуллар истилоси даврида ғарбий мамлакатларга тарқала бошлаганлар. Айниқса Ботухон армияси сафида қушчилар катта қисмни ташкил қилганлар (Гусейнзода, 1971).

XIII—XVI асрларда Дурманлар ва қушчилар ҳар хил истилочилар сафида иштирок этиб, ўзбек, қозоқ, қирғиз, нуғай, озарбайжон, турк, бошқирд халқларининг этноним тарқибига кириб уйғунлашиб кетганлар.

Соҳибқирон Амир Темур Тўхтамишхон билан олиб борган жангларида қушчи уруғини қадимий яшаган жойларидан бири Мелеқасда бўлган, яъни ой (ай) водийсида (бу Бошқирдларнинг Ойинли уруғи кўпроқ яшаган жойлардир).

Чор Россияси ёзишмаларида (XVIII аср) даврида кичик-қушчи (мало кошинская) вилояти тотарлар қарамоғида ташкил бўлган деган

маълумотлар бор. Ҳозир ҳам Ой (ойинли) ва қушчи уруғининг авлодлари маданияти бир-бирига ўхшаб кетади (Кузеев, 1974).

Ўзбекистонда Қушчи уруғи асосан Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Қорақалпоқ ва бошқа вилоятларида яшайдилар.

Қушчи уруғи тамғаси қуён белгиси бўлиб ҳисобланади.

## ДУРМОН

Дурмон уруғининг келиб чиқиши Абулғозихоннинг таърифлашича, муғулнинг Бичинқаён отли подшоҳининг тўрт ўғлидан тарқалган. Бичинқаён бу дунёдан кўз юмиш олдиан “қичик ўғлимни тўра қилинг” деб ҳалққа мурожаат қилган экан. Отасининг васияти учун кичик ўғлини ҳалқ хон қилиб кўтарибди. Аммо тўртта акаси норози бўлиб, бизнинг ҳар биримизни ҳон қилиб кўтарсангизлар розимиз, лекин кичигимизни эмас деб талаб қилибдилар. Ҳалқ эса бу тўрттала ака-уканинг сўзларини қабул қилмаптилар. Натижада ака-укалар бегона элнинг ичига кўчиб бориб ўлтирибдилар. Бегона эл бу йигитларга “дурмон” деб ном қўйибдилар, чунки муғуллар тўртни “дурмон” дейди. Ҳозирги дурмонлар ана ўшаларнинг авлодларидир.

Дурмон уруғи Нирун қабиласига киради ва Норин уруғи билан бир авлоддан ажралган.

Ҳафиз Таниш Бухорий “Шарафномайи шоҳ”и асариди (1983) ёзишича тўртта ёш йигит бошқа вилоятга бориб яшаш учун дарёдан ўтиб истиқомат қилганлар. Муғуллар тўртни “дурмон” дейди. Ана шу тўртта йигитдан тарқалган одамларни дурмонлар деб атай бошлаганлар дейди.

Ҳар иккала манбада ҳам дурмон сўзини муғулча “тўрт” эканлиги ва муғул эли ана шу тўртта йигитдан кўпайган одамларни дурмонлар деб аташган деган маъно чиқади.

Дурмон, Дуван, Дуобан уруғлари Абулхайрихоннинг ўзбек давлатини тузишда ва хон қилиб кўтаришда бошқа уруғлар билан бирган катта роль уйнаган.

Қушчу, Дурмон, Дурбан, Дуван аслида келиб чиқиши бир-бирига боғлиқ, чунки дурбан сўзи ўрнига дуван ҳам ишлатилади. (Кизеев, 1974). Этноним дуван қирғизларда дубан сўзи сифатида қўлланилади.

Қупинча дурмон — дурбат — дуван — кўринишида берилади, яъни дурмон уруғи бош, катта, кейин қолган иккита уруғ, яъни бирбири билан боғланган уруғ демақдир.

Дуван уруғи кўнғирот қабиласининг Ойинли уруғини ҳам таркибига киритадилар (Кузеев, 1974).

Рашидиддиннинг ёзишича, Эронда, Туронда дурмон уруғи яшаган ва Эрон ҳамда Туронда элхонийлардан Қозонхон даврида ҳарбий бошлиқ, Пулад-Чинсан дурмон уруғидан бўлган.

Аштархоний (1601—1754) лар Шайбонийлардан (Жучихон наслидан) хожи Тархон (Астраханни) идоралик йилларида ҳам дурмон уруғи ўзини юқори мавқесини сақлаган.

XX асрнинг бошларида дурмон уруғи Балхда, Зарафшон водийсида, Сирдарю бўеларида, Хоразм воҳасида, Тожикистоннинг Кабадиён,



Кофирниган Қургонтепа мавзеларида яшаганлар. Шайбонихон даврида Кундуз шахрининг ҳокими дурмон Урусбек бўлган.

Ўзбекларнинг бошқа уруғлари каби дурмон уруғида ҳам учуруғ, қиёт, кушчи, нугай, қозоқ, оюли (ойили), бодроқли, кушук, саксон ва бошқалар бор. Дурмон қабиласи халқларини ўзбек, қозоқ, қирғиз, бошқирд ва бошқа халқлар этник таркибида ҳам учратиш мумкин. Дурмон уруғи номи билан аталадиган жой номлари ҳам мавжуддир.

## МИТАН

Митан қабиласи ўзбек, қорақалпоқ, бошқирд, халқларида Усерген, Мўйтен уруғида учрайди. Аммо бошқирдлардаги Усерген оиласи қирғизларда, ўзбекларда, қорақалпоқларда ҳам учрайди. Усерген уруғи Зарафшон Чураш ёки Сураш қипчоқларида қирғизларнинг бешей ва қора Бешет Уруғ-оила этнонимларида учрайди.

Усерген (Усерган) ёки Мўйтен Митан уруғларининг бош бобосини Мўйтен бий деб ҳисоблайдилар. Ўзбекларда Мўйтен ёки Митан, қорақалпоқларда Мўйтен номи билан юритилади. Демак Усергенлар Мўйтенбийнинг болалари бўлиб ҳисобланади. Усерген уруғи Қонгли уруғи билан умумий ўқшашликлари бор. Бу уруғ кушни номини олган бўлиб, Усерген (турна кўши), буркутлар оиласи кушлари билан ифодаланганлар.

Р. Г. Кузеевнинг (1979) ёзишича, бурзян, бурджон, Усерген, Мўйтен, Митан, Тамьян, Синян, уран уруғларидаги — ан, ян қўшимчилар Сирдарё, Орол бўйидаги халқларнинг эрон тили асосида ўзоро таъсири натижасида келиб чиққан.

Усерген (турналар) уруғини тамгалари: X, X, Y, Y ва балиқчи — Мўйтен-Митанларни тамгалари X, X, Y, Y каби кўринишларда бўладилар.

Ўзбек ва қорақалпоқлар элини митанлар, муетенлар қабиласи қадимги массагетларнинг авлодларидандир. Бу қабилаларнинг қадимийлиги эронликлар сўзи этноними мит-ан усерг-ан, мўйт-ан, яъни ан сўзи билан боғланганлигидадир. Митан, мўйтен, усерген қабилаларининг келиб чиқишини бир гуруҳ олимлар бизнинг эрамизнинг мингинчи йилларида қорақалпоқ—булғор — бошқирд фольклорига асосланиб сарматлар, аварлар, хазарлар, булғор ва бошқирдларни Олтин Ўрда хонлигида олдин ва ўша даврларда Оролбўйи, Сирдарё бўйларида миграция натижасида Марказий Осиё ва Поволжье бўйларида уруғ сифатида майдонга келган деган тахминларни айтадилар.

Ҳозирги пайтда митанлар 92 бовли ўзбек элининг энг қадимги қабилаларидан бири бўлиб, Самарқанд шаҳри яқинида митан туманида митанликлар уруғига мансуб халқлар яшайди. Қорақалпоқ, қозоқ, бошқирд, қирғиз ва бошқа халқлар этнонимида ҳам митан қабиласининг уруғлари учрайди.

Митанлар уруғини келажакда ўрганиш ўзбек этноним олимларининг муҳим ишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, усеген — сўзи турна қуши маъносида, аммо митан сўзи қандайдир бургутлар оиласидаги қушлардан бири бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки бу қабилага кирувчи ҳалқларнинг уруғлари номи овда фойдаланилган бургут, қийғир, лочин каби қушларнинг номидан олинган. Менинг фикримча, митан уруғи чаққон, зийрак, бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

## НУҒОЙЛАР

Нуғойхон (Нағойхон) Жучи авлодидан, Ботухоннинг ғарбий Европага, рус ерларига ҳужуми давомида энг илғор отрядлардан бири бўлган ва бизнинг фикримизча, Нуғойхон авлодлари ёки тассаруфидаги ерларда яшаган ҳалқларнинг номидир. Ўқувчиларга маълумки, Бутухон кечки мамлакатларга ҳужумни Андрионатик денгизига етганда, сувнинг тузли эканлиги учун, Қорақумрумда Ўқтойхоннинг вафот этиши, орада жуда кўп эгалланган мамлакатларни, айниқса рус ва Волгабўйи давлатларини қўлдан чиқармаслик учун орқага қайтишга мажбур бўлади. Аммо ўшанда Субутой баҳодир ва Нуғайхон Ботухонга ялиниб, менга 1000 сараланган аскар беринг, мен бутун Европани эгаллайман дейди. Аммо Нуғайхонни, Субутой баҳодирни илтимосини Ботухон эътиборга олмайди. Натижада Нуғайхон мажбур бўлиб орқага қайтади ва Нуғай хонлиги — ҳукмронлиги Волга — Яйик дарёси бўйларида юзага келади.

Нуғайхон Манғит уруғидан бўлиб, турклар билан аралашиб, тўлиқ туркий бўлиб, етишган амирлардан бири бўлган.

XIV асрнинг охири — XV аср бошларидан Нуғай хонлари Волга-бўе дарёси оралиғида тўлиқ ҳукмронлик қила бошладилар. XVI асрнинг биринчи ярмида нуғай хонлиги иккита мустақил хонликка ажралди: катта ва кичик ордаларга бўлинди.

Нуғай қабиласи қипчоқлар, юрматлар, бурзянлар билан тезда ассимиляциялашиб: нуғай-юрматлар, нуғай-қипчоқлар, нуғай-бурзянлар, қизил-нуғай ҳамда минг қабиласининг ҳалқлари билан аралашиб сингишиб кетдилар.

Нуғой қабиласидаги уруғлар қипчоқ, қангли, туркман, найманбадрак, таз, минг, қирқ миркитлар каби уруғлардаги бўғинлар билан жуда кўп ўхшашликлар мавжуддир.

Нуғайларни (қора-нуғай ва оқ-нуғай) уруғларга бўланади. Уруғ — оила тамғаси кўринишида бўлади (Баскаков, 1940).

Нуғай-манғит уруғини Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида ҳам учратиш мумкин

## ҚИРҚЛАР

X. Дониюровнинг (1968) фикрича қирқ қабиласи, юз, минг қабилалари каби сиёсий уюшма деб аташ ҳақиқатга яқиндир. Қирқ 6 та катта уруғга бўлинади: қора-қўйли, қорача, монтон, мулкуш, чапрашли ва чорткесар. Ҳар бир уруғ ҳам яна майда бўғинларга бўлинади. Масалан: қорача уруғи ҳам тўртта бўғинга бўлинади: бойлар тўпи, кавуш тупи, Оюв (айиқ) тупи, беклар тупи.

Қирқ қабиласи асосан Самарқанд вилоятининг Ғаллаорол, Булунгур туманларида, Жиззах, Сирдарё вилоятларининг Зомин, Бекабод ва Тожикистон республикаси Ғра-тепа туманида яшайдилар.

## КИНАҒАС

Ўзбекларни кинағас уруғи асосан Китоб, Шахрисабз, Дешов шаҳарларида яшайди. Кинағас бир қисми Нонжемас уруғи бўлиб, Кулоб водийсини Яхсу худудларида яшайди.

Академик В. В. Радлов ўзининг “Зарафшоннинг шимолий шарқида яшовчи туркий қабилаларнинг афсоналари”

деган китобида Манғит билан Кенағасни ака-ука бўлганлиги ҳақидаги афсонани беради. Аммо Х. Дониёров (1968 айтадики, Кенағас жангвор қабила сифатида доимий равишда манғитлар билан ҳоқимият учун курашиб келганлар. Бухорода Убайдуллахон (1702—1711) йиллар ҳукмронлик қилган даврларда Шахрисабз ва Қаршида (Насаф) Кенағас ва манғит қабилалари Марказий ҳукумага қарши исён кўтардилар.

## МЕРКИТ

Меркитлар (меркинлар, маркитлар) қадимий туркий уруғлардир. Удуит— меркитлар қабиласи қуйидаги тўрт бўлақка бўлинади: уйқур, мудан тудақлин ва жиюн. (Дониёров, 1968).

Меркитларни макрит ҳам дейишади. Чингизхон даврида меркит элининг бошлиғи Тўхта беги эди. Меркитлар Чингизхон билан доимо курашиб келганлар. Чингизхон элига меркитлар ҳужум қилиб хотини Боратни олиб кетган. Бундан ташқари меркитлар Чингизхон саҳрода якка ўзи юрганида тутиб кетиб, хун баҳосини олиб қўйиб юборганлар. Шунинг учун ҳам Чингизхон ўғли Жўжи билан меркитларга қарши қаттиқ ҳужум қилиб, қўпини асир олиб, хоразмликларга бериб юбормоқчи бўладилар.

1218 йили Жўчихон меркитларга Иргиз дарёси бўйларида қақшаттич зарба беради. Меркитлар Чингизийлардан қочиб Хоразмшоҳ давлати чегараларига келади. Ана шундан кейин Меркитлар мустақил бир давлат сифатида тарихда учрамайди.

Меркитлар узоқ вақт найманлар билан иттифоқ тузиб Чингизхонга қарши курашади. Шунинг учун ҳам меркитларнинг найманлар билан урф-одатлари қабилаларини тамғалари ҳам бир-бирига яқиндир.

Меркитлар қабиласига мансуб ҳалқларни ўзбекларда, қрим тотарларда, нугайларда, бошқирларда, қозоқ, қирғоз, Олтойнинг шарқий томонларида, туркманларда учратиш мумкин.

Меркитларнинг ғарбга силжиши Чингизхон найман элини олгандан кейин Таянхон жангда вафот этиб, иниси Буйруқхон ҳам озгина киши билан овга чиқиб Чингизхон қўлига тушиб қатл этилиши сабабли меркитлар Олтой, Мўғилистон ерларида доимо таъқиб остида бўлгани учун ғарбга силжидилар. Аммо меркитларнинг ҳукмони Туктабеги кучлук (Таянхон ўғли билан Ирғишга (Эрдиш) қочди, аммо Чингизхон Туктабегини тутиб қатл этди. Бошлиқсиз қолган меркитлар ҳар томонга қочиб кетдилар. Шунинг учун Марказий Осиё ҳалқларининг этник

таркибида меркит қабиласини учратиш мумкин, айниқса улар Оролбўйи вилоятларида кўплаб яшаб қолганлар.

## ТОҒЧИ

Тоғчи қадимий ўзбек уруғларидан бири бўлиб, кўп текширувчилар томонидан қатағонлар оиласига киритилган. Тоғчи уруғи асослан Қўхитау ёнбағирларида, Шеробод дарёсининг ўрта ва юқори оқими майдонларида, Шержон, Зарабоғ, Хўжаонқо, Шер-қишлоқ, Зараутсой, Хатак, Тангидувал қишлоқларида яшайдилар.

Бундан ташқари улар Бойсунда, Сарисийёда, Сурхон (Кумқўрғон туманида), Ҳалқаёр, Сангардак каби жойларда яшайдилар. Шеробод дарёсининг юқори қимсидаги Мачайдарё бўйларидаги Қизилнавр тоғчилари губаш-қатағон уруғига мансубдир.

Бойсун туманининг авлод қишлоғида ҳам тоғчи халқи мавжуд. Улар Сурхон ҳавзасининг Ҳалқаёр ва Сангардак, Қайроқ, Фашназ, Қизил қишлоқ, Саройтош, Алачапон дарё бўйларидаги ва қишлоқларда тоғчипар, кўнғиротлар, туркманлар билан бирга истиқомат қилиб келадилар.

Денов Сарисийё, Узун, Кумқўрғон тманиларида тоғчи уруғидаги халқлар яшайди.

Тожикистон республикасининг Саят, қишлоғида, Қўрйғонтепа, Қушачинар, Дакки худудларида ва Кафирниган дарёсининг бўйларида тоғчи — хатакилар яшаб келадилар.

Сурхон ваҳасининг ўнг томонидаги тоғ ёнбағирларида, Катта — Вахшивор қишлоғида тоғчилар, ўзбеклар, чигайтойлар билан Тўхтамиш қишлоғида эса ўзбек, туркман-жузлари билан бирга яшайди. Кам сонли тоғчилар Тўпаланг дарёсининг чап соҳилида Тоғчи, Тутай ва Тоғитов қишлоқларида бўлиб Деновда эса Жатта қишлоғида барлосларинг катта уруғи билан бирга яшайдилар.

## ЧИНОС

Қайдухон вафот этгандан кейин Жиркаланкум ўғай онасига уйланди ва Қандучана ҳамда Улқучинчана номли ўғиллар кўрди. (яъни эркак бўри, ургочи бўри демакдир). Бу иккисининг ўғлонларидан тарқалган авлодни Чанос (Чинос) деб юритилади. Чиносбўри сўзига тўғри келади.

## БОЯВУТ

Бу уруғ катта ва қадимги қабилалардан бўлиб, маълумки, жадати — баявут ва макрин баявутга бўлинади. Улар Мўғулистондаги жадати ва макрин дарёлари оралиғида яшаганлар. Боявут эли муғулнинг Дарлачин уруғидан тарқалгандир. Боявут деб чўлда яшовчи халққа айтилади. Боявут эли Чингизхонни уруғини) бўйсиндиришда хон томонида жанг қилган.

Ўзбекистонда баявут номида давлат хужаликлари, жой номлари Мирзачўлда учрайди. Бизнинг назаримизда ҳам ана шу Мирза чўлда яшовчи, яъни чўлда истиқомат қилатган халқларни баявутликлар дейишади.

## ТОТАР

Ёфас ибн Нуҳ пайгамбаримиз (ҳар иккаларига Оллоҳни саломи бўлсин) барча туркларнинг отаси бўлиб авлодларидан бири Алинжаҳоннинг эгизак ўғиллари бўлган. Уларнинг каттаси мўғул, кичиги тотар бўлган. Барча тотар эли шу кишининг авлодларидир.

Тотар эли қадимда Абулғозихоннинг (1992) маълумотларига қараганда Ҳитойга яқин ерда яшаб келганлар.

Тотарлар турк қариндошлари билан ҳам яйлов-ўтлоқ ер учун урушиб турар эди. Тотарларни кўпинча қадимда ола оти бўлар эди. Тотар эли жуда кўп халқ эди; айниқса салжувут, қатағон, дурман эллари билан иттифоқ тузиб, ўзларининг мавқеларини анча кўтайриб, яъни тотарлар деб атай бошладилар.

Чингизхоннинг отаси Есугей Баҳодирни тотарлар заҳар бериб ўлдирганлар.

Қадимий турк тилида “тотор” сўзи “заҳар” деган маънони англатади, яъни “тартар”дир.

## УЙҒУР

Абулғози Баҳодирхоннинг (1992) ёзишича, уйғур элининг қадимий ватани тукратубуз, усқунлик ва Кут (бу тоғлар Мўғулистон юртида) тоғлари орасида 2 та сой-сувлари оққан ерда уйғурлар яшаган. Шунинг учун ҳам тўққиз сойда ўлтирган уйғурларни тўққиз уйғурлар, ун сойда ўлтиргани ун-уйғурлар дейилади. Кейинчалик уйғурлар учнга бўлиниб бир бўлаги Бешбалиқ шаҳрида экин экиб, вилоятни обод қилдилар, бир бўлаги Бешбалиқ шаҳри атрофида кўчиб юрдилар. Бир бўлаги эса Иртиш дарёси ёқасида балиқ, қундуз, савсар ва тин овлаб, териларини кийиб юрар эди. Бизнинг эрамизнинг 723—724 йиллари шарқий Туркистон каганати емирилгандан кейин уйғур қагаганлиги вужудга келди. 744 йили тўққиз уйлардан бўлган Пэйло корлуклао давлатини ва шарқий Туркистонни бирлаштириб, Ҳитойлар билан ҳам яхши муносабатда бўлиб, уйғур қаганига Ҳитой маликаси турмушга чиқади.

Туркларнинг Қашғарлар маданиятига таъсири асосан X асрларда (Қорахонийлар династияси даврида) кучайди.

Ёркенд, Хутун, Кучар, Оқсув уйғурларига ислом таълимоти кириб кела бошлади.

Рашидиддиннинг ёзишига қараганда, Ўғизхон ўзининг отаси ва инилари билан мусулмончиликни қабул қилишда. Урушиб қолади, ана шунда Ўғизхон ўзи қўшилган уруғларни “уйғур” деб атаган. Яъни уйғур сўзи туркча бўлиб, “қўшилган”, “уюшган”, “уйғунлашган” деган маънони англатади.

Чингизхон даврида уйғурларнинг подшоси Айдиқут (Идиқуй) деган киши бўлиб Чингизхон империясига қўшилади ва дафтардорликни ва девон ҳисоб-китобини асосан уйғурлар олиб боради.

Уйғур эли, Айдиқут замонида аввало қора Ҳитой Курхонга тобе бўлиб, мол бериб турарди. Курхон Шадкам отлиқ навқарини уйғур халқига доруҳа қилиб юборди ва бу доруҳа жуда кўп фасадлар қила бошлади. Шунда

Айдикут Чингизхонга элчи юбориб, Чингизхон ҳам уйғурларга элчи юбориб, хонга тобелик билдиради, ва Чингизхон Айдикутнинг подшоҳ авлодлигини ҳисобга олиб, бирқиз беради. Айдикутнинг маъноси муғул тилида давлик демақдир.

## САРОЙ

Сарой қабиласига мансуб кишилар асосан Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах, Андижон вилоятларида яшайди. Сарой қабиласининг қуйидаги уруғлари мавжуд: чем сарой, можар сарой, олтин тамға сарой, сойдан туман сарой ва жоланғоч (яланғоч) сарой.

Сарой уруғига мансуб ҳалқлар Тожикистоннинг Қўлоб вилоятида, Қизилсувда ва Яхсув дарёларининг қуйилиш жойларида ҳам яшайдилар.

Собик Иттифоқ даврида сарой уруғи одамларининг бир қисми Афғнистонга ўтиб кетдилар. И. П. Магидовични фикрича Шеробод туманига қарашли Қорабоғ қишлоғининг номи қачонлардир келган Сарой уруғи оиласи номи билан боғлиқдир.

## ЧИҒАТОЙ

Чиғатой уруғи кейин пайдо бўлган уруғлардан бўлиб, Чингизхоннинг иккинчи ўғли тасарруфида бўлган Мовароуннаҳр Еттисув, Шарқий Туркистон ерларида яшаган аҳолини чиғатой улуси дейтлади. Албатта, Чиғатойхоннинг хотинлари кўп бўлган, ўғил ва қизларидан, қариндошларидан, хонга яқин бўлган кишилар ҳам биринчи навбатда чиғатойликлар, чиғатой уруғи, номини олган. Бундан ташқари чиғатой уруғига маълум бир имтиёзлар берилгани учун шу хонлик худудида яшаган бошқа қabila ва уруғлар ўзларини биз чиғатойликларимиз деб юритишган. Бунга мисол қилиб Тожикистонда яшовчи тожик чиғатойлар, Ўзбекистонда яшовчи ўзбек чиғатойлар, чиғатойлик асли муғуллар авлоди бўлиб, ўз тиллари, урф-одатларини деярли йўқотиб қўйганлар.

Н. Г. Маллицкийни (1929) фикрича, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий туманларида яшовчи турклар, ўзбеклар, тожиклар, ўзларини чиғатойлар деб айтишади. Айниқса Амир Темур ва темурийлар даврида бошқа мамлакатга бориб қолган туркий ҳалқлар ўзларини чиғатойлик ёки барлослар деб айтишганлар. Масалан, ҳозирги пайтда ҳам Хиндистоннинг Деҳли, Агра шаҳарлари атрофида чиғатойлармиз, барлосларимиз деб атовчи ҳалқлар яшашади.

Чиғатой сўзининг этимологик маъноси “тоғни куёшга қараган”, “тоғ ёнбағри” маънони англатади. Бухоро Амири Сайид Олимхон (1911—1920) Бойсунда яшайдиган чиғатойларни учта уруғ-оиллага бўлган: тожик-чиғатойлар, хўжа ва тоғчи.

Ўзбекистонда чиғатой уруғларининг ҳалқлари Сурхондарё (Термиз, Сарийосиё, Шеробод, Бойсун, Денов туманларида) Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд ва бошқа увилоятларда чиғатой уруғига мансуб кишилар яшайди. Албатта, чиғатой уруғи деб биз сўзлаётган қабилалар ҳар хил қабилалардан ташкил топган бўлиб, аслида чиғатойхонлар Амир Темур ва темурийлар замонасида имтиёзлар учун қандайдир бир ўруғ иттифоқ бўлиб бирлашган. Аммо Шайбонийхон Мовароуннаҳрни эгаллагандан кейин

чигатой улуси деб аталмади. Бу даврда Мовароуннахр ўзбек улуси номини олди. ҳозирги вақтда Ўзбекистон худудининг Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятларида чигатойлар уругига мансуб ҳалқлар яшайди.

## ЛАҚАЙ

Лақай уруги ҳақида қадимги манбаларда бирон-бир фикрни биз учратмадик. Лақайликларнинг таркибида бўлган уруглардан қозоқларни ўрта жуз, кўнғиротлар таркибига кирувчи бўғинларни учратиш мумкин: найман, керей, қипчоқ ва айниқса арғин уруги билан жуда мос келади. Н. А. Аристов, И. Н. Магнидович, Б. Х. Кармишева каби олимлар туртул, суюндук, қувондиқ (Қуюндук) каби уругларни арғинлар ва лақайларда мавжуд эканини кўрсатадилар. Лақайларда бўлган уруглар, бўғинлар ҳамма туркий ҳалқлар таркибида мавжудлиги бу қабилани қадимий туркий ҳалқ бўлиб Олтой, Ишим, Иртиш, Сибир мавзеларида яшаган ҳалқлардан ташкил топганлигини кўрсатади. Чингизхон, Абулхайрихон, Шайбонийхонлар даврида лақайликлар Сирдарё бўйларига, Самарқанд, Нўрота, Хива хонликларида келиб қолган деб фараз қилиш мумкин.

Кейинчалик эса Афғонистоннинг Балх вилоятига кўчиб, Тожикистон, Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида яшаб қолганлар.

Ҳозирги пайтда асосан лақайлар Тожикистон Республикасининг Қўлоб, Вахш, Кўрғонтепа, Данғара мавзеларида яшаб истиқомат қилади.

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон, Кумқўрғон, туманларида ва Термиз шаҳрида ҳам кам сонли лақайликлар учрайди.

Лақайликлар от етиштиришда, жангу жадалларда қатнашишда қобилиятли инсонлар бўлган. Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳукмронлик (1370—1405) йилларида лақайликлар барча жангу-жадалларда ишт иштирок этиб, мардоналиклар кўрсатган экан. Лақайликлардан Хайитқал қурбоғи, Турсун мерган, Иброҳимбек бошчилигида 3000 лақайликларнинг сараланган армияси билан 1922 йили май ойида Бойсунни қамал қилади. Минг афсуски, Шўролар ҳукуматини фавқулодда муҳтор вакили О. Окчуринни соҳта Амир Сайид Олимхон номидан ёзган хатига ишониб Бойсун қамалини ташлаб чиқиб кетади.

Лақайликлар 1920—1925 йиллар Бухоро хонлигини сақлаб қолиш учун кўп мардонавор курашлар олиб бордилар.

## ХИТОЙ

Ўзбекистонда яшаб келаётган уруглардан бири хитой бўлиб, китобларда қуйидаги этнонимлар бўйича аталади: Катай, Ктай, Хитой, Китон, Хтой, Минг-Хитой, Қора-Хитой бўлиб, аҳоли яшайдиган жойларнинг номи, яъни қишлоқлар ҳам уруг номи билан юритилади. Қора-Хитой, Қирғиз-Хитой, Ой-Хитой, Ўрта Хитой, Сари-Хитой ва бошқа номлар учрайди.

Хитой уругининг келиб чиқиши ҳақида Ктай (Хитой, Катай) Қора Хитойлардан ёки киданлардан бўлса керак деб тахмин қилишади. Хитой қабиласининг келиб чиқиши ҳақида бир гуруҳ олимлар Хитойни тунгуслардан келиб чиқиб мўғлулар билан аралашган деса, бошқалари қора-хитойлар турклардан келиб чиққан деб фикрлашади.

Ҳақиқатдан ҳам киданларнинг алоди қора-хитойлар эканлиги минг йиллардан бери маълум. Киданлар келиб чиқиши жиҳатидан мўғул бўлиб, мўғулистонни ички туманларида яшаган. Турк Каганати даврида киданлар бирмунча қисиб кўйилган бўлса ҳам X асрда киданлар давлати тузилди. 1125 йили киданлар империяси, Еттисув, Мовароуннаҳр, Туркистонни ҳам бирлаштириб Гурхонлар сулоласи вужудга келди. Бу даврда асосий этник ҳалқ қорахитой бўлиб, Каспий бўйларигача эгаллади.

Қора-хитойлар империяси Чингизхоннинг истилоларигача давом этиб, бу қабилани одамлари Чингизхон армияси билан сингишиб, қолганлари эса чўлу-биёбонларга тарқалиб кетди.

Қора-хитойлар умуман уйғурлар, қорлуқлар, кангли, қипчок ҳалқларининг таъсирида турклашиб кетган қабиладир.

Қора-хитойликлар, Хитой қабиласи Ўзларининг қадимги ватани деб Олтойни, Иртиш ва Бойкул (Байкал) атрофларини ҳисоблайди. Қора-хитойлар юртига Чингизхон таъсириданг қочиб келган Кучлук найман 20 йил Гурхонлар империясини бошқаради ва қорахитой қизига уйланади. Шунинг учун ҳам қора-хитойликларнинг тамғасида кўп ҳалқларларини жумладан найман уруғини ҳам белгилари бор. Ўзбекларнинг болғали оиласида (Зарафшон водийси хитойларида) Хитойни тамғаси Г, Т; қирғизларда, Хитой, Қора-хитой, тамғаси  $\perp$ ,  $\sphericalangle$ ,  $\dashv$ ; қорақалпоқларда қайчили оиласида хитой, бошқирларда, Хитой, Қора-Хитой Г, Т, нуғайда: Китай,  $\times$   $\times$  яъни чўмич кўринишида Хтай  $\varnothing$  (чўмич) бўлади. Бу тамғалардан кўришиб турибдики, хитойликлар, жумладан қора хитой қабиласи кўп уруғ ва эллар билан аралашиб шу ҳалқларни этник таркибига кириб кетган.

Хитойизм Х. Дониёровни (1968) берган маълумотига қараганда 12 отага бўлинади: Куриқозон, Тиғириқ, Бешкуби, Боғлимоқчойи, Ҳожи боласи, Мўғол, Увол (Олма-Сувон), Ҳожи бачча, Хонхўжа, Небўса, Қоракурсақ, Сортжузи. Бу уруғлар асосан Ғаллаорол, Булунгур, Жиззах, Зомин туманларида, Сурхондарё вилоятида ҳам яшаб истиқомат қилиб келади. Юзнинг (Жузнинг) Хитойизи оиласи умуман Хитой, Қора-Хитой билан қанчалик яқинлиги бор эканлиги ҳақида ҳозиргача тўлиқроқ маълумот йўқ. Аммо найманлар билан хитойлар, айниқса, қора-хитойлар орасидаги боғланиш аждодлари генесеологиясида ҳам кўрсатилган (Машхур Найман Суғуриш Курманой Тулегетой Хитой...). Хитой, Найман, Қора хитойларнинг қадимги тамғалари бир-бирига ўхшайди.

Масалан, ўзбек найманларининг тамғаси  $\sphericalangle$ , қозоқ найманларининг тамғаси  $\sphericalcap$ , нуғай найманларининг тамғаси Т  $\square$ ,  $\square$ , кўринишида бўлади. Ўзбекистон республикасининг кўпгина вилоятларида қора хитойлар қабиласига мансуб бўлган ҳалқлар яшаб, ўзбек ҳалқи этноним таркибига кириб кетган.

Абулғозихонинг берган маълумотларига қараганда (1992) Хитой юрти икки бўлур: бирисини Қора хитой дерлар. Қора хитойдан кўп жамоат бир сабаб бўлиб, подшоҳлари бирлан ёв бўлдилар. Токи кўчиб қочдиларида



қирғиз вилоятига келдилар дейди. Абулғохизон ҳикоя-ни давом этиб Баласоғун деган шаҳарда хонни оти Илк бўлиб, Афросиёб наслидан эди. Бу шаҳар атрофида қиниқли (қангли) уруғи яшар эди. Аммо молу дунёсини турк қабиллари талар эди. Шунинг учун Илкхон Хитойдан келган бекка киши юбориб, келсин жамоатга эга бўлсин деб келди. Жамоатга эга бўлди ўзини Гурхон деб лақаб қўйди. Гурхоннинг маъноси Хитой тилида улуғ подшоҳ демакдир.

## САЛЖУВУТ

Салживут Рашидиддинни, Абулғозихонни ёзиб қолдирган маълумотларига кўра Салживут Алан Гоанинг Букату-Салжи Ўғлидан (Ўртанча ўғли) тарқалган қабиладир.

Бу қабила ҳалқларининг келиб чиқишини Салжиқийлар, 1040—1160 йиллар мобайнида Ўрта ва Яқин шарқда ҳукмрон бўлган сулола авлодидан деб Салжуқ сўзи солжуқиларни машҳури қаҳрамони номидан деб айтишади.

Салживутлар қабиласи асли мўғул бўлиб, қора-хитойлар, найманлар билан бирлашиб Чингизхонга қарши курашади. Аммо Чингизхон давлати кундан кунга кучайиб, кенгайиб кетганлиги натижасида худди найманларга, қора хитойларга ва бошқа қабида уруғларга ўхшаб етти сувдан ғарбга томон силжий бошлади. Натижада секин-аста туркийлашади. Шунинг учун ҳам салживут қабиласининг одамлари ўзбек, қозок, қирғиз, қорақалпоқ, нуғай, бошқирд ва бошқа ҳалқларнинг таркибига кириб кетган.

Шунинг учун ҳам салживутлар Чингизхон даврида Сари товда яшанганмиз деб айтишади.

## ТОЙЖУВУТ

— Рашидиддинни маълумотларига қараганда Қайдихонни катта ўғлидан чингизхонни авлоди келиб чиққан. Аланкува Буданжар Дутуммон Қайду Бойсунқор Тумнахон Қобилхон Барган Баҳодир Есугей Чингизхон. Қайдухонни кичик ўғлидан Ортоқон ва Сижувут қабилалари келиб чиққан.

Қайдухонни катта ўғлини оти Бойсунқур бўлиб, иккинчи ўғлини оти Журкаланкум. Бутун Тойживут эли бу жиркаланкум наслидандир.

## КУРАЛАС

Тусбудайнинг иккита ўғли бўлиб биринчи Қоранут, иккинчиси Кунклиут. Кунклиутнинг ўғли Мийсар Х. Таниш Бухорийни ёзишчи Мисар улук отаси ўлгандан кейин, унинг хотинига уйланади ва Куралас исми ўғил туғилади. Барча Куралас уруғи шундан тарқалган.

## ҚОРАҚАЛПОҚ

Қорағулпоқ, қорақулпоқ, қорағалпоқ, қора қалпоқ сўзлар кўринишида бўлинишини Д. Айтмуротов (1986) ёзади. У қорақалпоқ ҳалқининг келиб

чиқиши ҳақида Бердақ Тулибай, Сарибой, Бедекбой, Базарнуллак, ТУмай, Менглибой ва Майши авлодларидир — дейди.

Олимлар қорақалпоқ халқининг келиб чиқишини печенег ўғиз авлодларидир, дейди. Қорақалпоқлар нуғойлардан келиб чиққандлиги ҳақида XIX асрда қорақалпоқ шоири Пари шеърларидан бирида “Ўтди дунёда деган шеърда баён этган. Кўпгина қорақалпоқ халқи буйларида Волга дарёси бешигинг эди, унда ҳам турмадинг, ёйиқ дарёси эшигинг эди, унда ҳам турмадинг деб куйлайди.

Айрим олимларнинг фикрича (Жданко, 1962) қорақалпоқлар Крим ва Шарқий Европадан аввало Волга бўйига, кейинчалик эса ҳозирги Аму-Сир дарёларини қуйи оқимига келиб қолгандир, дейди.

## КЕРАЙТ

Керайт (керейт) сўзининг маъноси қора бурун демакдир. Абулғозихоннинг ёзишича, бир кишининг етти ўғли ҳам қора эди. Шунинг учун керайтлар дейилади. Чингизхон замонида керайтларнинг подшоши Ўнхон эди. Керайтлар мўғул империясидан олдин мустақил давлатига эга бўлиб, Онон, Кирулен дарёлари бўйларида яшар эди. Керайтлар уруғи асосан иккита оиладан ташкил топган бўлиб, очамайли ва абақдир. Қозоқ халқининг очамайли оиласининг тамғаси X-туяни эгари абақ керайтлариники бўлади.

Керайт уруғининг халқлари Ўзбекистонда — керейт ёки керайт қозоқларда — керей, керейт (қара — герей, Абак-герей), бошқирларда — гере, туркманларда герей, қирғизларда — керейит, мўғулларда — керей, кирэй, қрим тотарларида — кирей, кирэй уруғ номлари билан юритилади. Ўрта Асрларда керайт уруғининг номи керейт, керайт деб юритилар эди. Х. Дониёров (1968) “Керайт” сўзини маъносини Абулғозихон “Қора кўй” деб кўрсатган дейди. Рашидиддиннинг фикрича “Керайт” сўзининг маъноси “Қора одам” демакдир.

## ОРҒИН

Орғин уруғининг авлодини Бўлат Хўжа ёки Орғин деб ёзишади. Орғин уруғи Сирдарё, Самарқанд ва Самарқанд вилоятининг Нурота туманларида истиқомат қиладилар. XIV—XVI асрларда кўчманчи Орғинлар уруғи Ишим ва Иртиш дарёлари томонга кўчиб юрганлар. На фақат Амир Темурнинг Тўхтамышхонга қарши юришида Орғин-шоҳ бошчилигида жангларга қатнашибгина қолмасдан бошқа истилочилик жангларига ҳам борган. Орғин лакай қабилаларини бир-бирига яқинлигини Суюндик, туртул, байрақ каби уруғлари таркибида мавжудлигидир.

Орғин қабиласи Қозғистоннинг кенг худудида ҳамда шимолда Тўрғойдан то Иртиш дарёлари бўйларигача жойлашган Сирдарёбўйларидаги Орғинлар теурийлардан Султон Абу Сайид армиясининг асосий қисмини ташкил қилган.

Орғин уруғининг умумий тамғаси оо (кўз тамға), од (юқорига чиқди) ёки оқ (туманга чиқди) кўринишларида бўлади.

## УЙШУН

(Хушин). Рашидиддинни ёзишича Жучихон қўшинида амир Майки (ёки Майку, Байку) уйшун (ушин, хушин) уруғидан бўлган. Минг кишилиқ армияси билан қатнашган. Қора табин шажарасида Майкибий ҳақида: "...уни исми Уйшин Майкибий" — дейилади. Р. Г. Кузеев (1974) ёзадики, Майкибий на фақат қозоқ, бошқирд ва бошқа қарақалпоқ, нуғай табинларини ҳам авлоди бўлиб ҳисобланади. Ч. Валиханов эса Табин-Уйсун-Майкибий деб кўрсатади. Т. А. Жданко (1952) айтадики, ўзбек ва қорақалпоқ уруғларида яқинлик бор, яъни ривоятларга қараганда ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ ва нуғайларнинг умумий бош авлоди Майкибий дейилади.

Майкибий уйшин, ушин, уйсун, усунь номлари билан юритиладиган уруғни бош авлодидир.

Зарафшон водийси ўзбекларда уйшун уруғи бор ёки қорақалпоқ халқида уйшун-митан оиласи мавжуддир.

Қозоқ халқининг катта жузида асосий уюшма Сари-усунь бўлиб ҳисобланади.

Уйшунлар қадимий туркий қабила бўлиб, бизнинг эраимизни II асрларида Етгисувда яшаб келганлар. Турк Каганати ва XI—XII асрларда уйшунларни ғарбга силжишиб, Орол бўйларига келиб қолганлар. Қозоқларни табин (табин ва уйшун қадимдан бир-бирига яқин туркий улуғлари бўлган) қабиласи ҳақидаги ривоятда: "...бизлар денгизлар томонидан "Иргиз", "Узень", "Оқтепа" томонларга уйшунлар билан бирга Волга дарёсидан ҳам ўтганмиз деб айтишади.

Уйшун уруғи Марказий Осиё ва бошқа мамлакатларда кўп тарқалган қабиладир. Ўрта асрларда бу уруғни усунь деб аташган. Ўзбекларда уйшун, қорақалпоқда — уйшун-митан, қозоқларда — сари-усунь, қирғизларда — усонь, сари-усунь, мўғулларда — усинь деб юритишади.

Чингизхон замонида уйшун (хушин) уруғидан Бурагул-нуён деган амир чиққан. Бу амир аввалига Чингизхон салтанатида достурхончи, кейинчалик эса ўнг қанот амир даражасигача кўтарилган.

## АРАБЛАР

Араблар<sup>3</sup> асосан Бухоро хонлигининг жанубий вилоятларида (Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё) ва Тожикистоннинг Қўлоб, Қўрғонтепа вилоятларида истиқомат қилиб келадилар. Араблар ҳозирги пайтда ўзбек ва тожик тилида гаплашувчи арабларга бўлинади. Аммо арабларнинг кўпчилиги ўз она тилларини унутиб маҳаллий халқ тилида гаплашадилар. Айниқса Самарқанд, Бухоро вилоятидаги араблар тўлиқ тожик, ўзбек тилларида гаплашадилар. Арабларнинг аجدодлари билан деярли алоқа узилган бўлиб, авлод-ажлоди, келиб чиққан жойларини ҳам унутиб қўйишган. Араблар VII—VIII асрларда аввал Балх, Мари, Термиз, Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларда жойлашганлар. Ўрта Осиёга келиб қолган

<sup>3</sup> Араблар 92 бовли Ўзбек элини олдинги маълумотларида йўқ. Аммо республикамизда анчагина араблар яшайди.

## СУНИТ

Рашидиддининг айтишича, кабтарин ҳам шу сунит қабиласидан келиб чиққан. Чингизхон замонида сунит қабиласидан кўпгина амирлар яроғдорлар бўлиб хизмат қилган.

## КУРЛАУТ

Курлаут қабиласининг тамғаси кўнғирот, элжигин ва баркут (буркут) қабилалариникига ўхшаш бўлган ва бир-бирлари билан қиз олиб қиз беришган. Курлаутнинг бир бўлаги уймакут (уймавут) деб аталади.

## ТАРҚУТ

Рашидиддининг ёзишича, Мўғулистон томонида ҳам таркутлар яшаган бўлиб, Эрон томон хоқонлиқдан (хоқониядан) Таргудой деган киши келиб, кўпайишиб таркут уруғини ташкил этишган.

## УЙРОТ

Уйротларнинг қадимги юрти Саккиз дарё (секиз мурен) томонидан бўлиб, дарё бўйларида яшашган. Аҳоли кўп бўлган. Рашидиддининг ёзишича, Чингизхон билан бироз ёвлашиб, кейинчалик ярашиб тобелик билдирганлар.

## БАРКУТ, КУРИ, ТУЛАС (тулас) ва ТУМАТ

Бу уруғлар бир-бири билан боғланган қабилалар бўлиб ҳисобланади. Қадимда бу қабилаларни Баркут деб ҳам аташган. Рашидиддининг ёзишича “Баркут” сўзининг асл маъноси Борргужин туқим сўзи бўлиб, дарёнинг у томони деган маънони англатади. Туматлар ҳам Борргужин туқимга яқин қабила бўлиб, Чингизхонга тобелик қилишган, кейинчалик кўзғалон кўтаргани учун кўпи қириб ташланган.

## БУЛОҒОЧИН ВА КЕРЕМУЧИН

Бу қабилалар Борргужин тўим ҳам қирғиз ерларига яқин жойда жойлашган бўлиб, Ирти (Эртиш) бўйларида жуда камчиликни ташкил этган.

## УРАСУТ, ТЕЛЕНГУТ ВА КУШТАМИ

Бу қабилаларни ўрмон қабилалари ҳам деб аташган. Дорилар тайюрлашни, аниқса мўғул дориларини яхши билишган. Бу қабила ҳам қирғиз ерларига яқин жойда жойлашган.

## ЎРМОН УРЯНКАТЛАРИ

Бу қабила одамлари асосан ўрмонда яшаб ҳайвонлар терисидан кийим кийганлар ва кўтос, жайрон каби ёввойи ҳайвонларни боқиб хонакилаштирганлар.

## БАХРИН (баарин)

Бу қабила Дўрмонларга яқин бўлиб, Суканут қабиласи ана шулардан келиб чиққан. Рашидиддин фикрича бу қабиланинг отаси канизакдан туғилган бўлиб, уни Сукай деб атаган ут (қиёқ ёки куга)нинг орасидан топиб олганликлари учун уларни кейинчалик Суканут деб аташиб келганлар. Чингизхон даврида бу қабиладан Янги деган киши тархонлик унвонига кўтарилган.

Бахрин тундра лочини (*Falco pesceginus*) лочинлар кенжа туридан бири. Оқ юзли лочин ҳам дейишди. Йиртқич қўшлар туркумининг лочинсимонлар оиласига мансуб. Шарқий ярим шардаги тундраларга ва шимолий муз океанидаги оролларга уя қуради. Қишлаш учун жанубга учиб кетади. Ўзбекистонда (Фарғона ва Тошкентда) кузда, баъзан қишда ҳам учрайди.

Бахрин турклашган мўғул қабилаларидан бирининг номи. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида Бахринлар Дашти Қипчоққа келиб ўрнашган. 18—19 асрларда Бахринларнинг катта бир қисми Тошкент воҳаси Фарғона водийси (Марғилон атрофи)да яшаган (буларнинг кўпчилиги ўтроқлашиб, қабила ва уруғларини унутиб юборишган), бир қисми эса Зарафшон воҳасига кўчиб борган. 1924 й. маълумотига биноан Ўзбекистонда 9 мингга яқин Бахрин яшаган. Булар асосан Зарафшон воҳаси ҳозирги Самарқанд области (2300 киши), Бухоро области (3770 киши) ва қисман Жиззах районида (2000 киши) яшаган. Бахринлар бир қанча уруғларга бўлинган. Шулардан энг йириклари: бағонали қорақалпоқ, уали.

Бахрин табин бошқирдларини таркибида бахрин бўғини мавжуд бўлиб тамғаси қовшга ўхшайди. Бахрин қирғизларида Хитой, Найман уруғлари билан бағиш гуруҳига киради. Қирғиз бахринларини тамғаси бошқирдларникига ўхшайди. кўринишида. Бахрин табинларини таркибида “тун-катағ” бўғини ҳам бўлиб, “катағ” сўзи кўриқчи маъносидан (баарин, байрин) ҳақиқий мўғуллар бўлиб, XIII асрнинг охирида Селенга водийсида яшаган. Рашидиддин (1952) бахрин (барин) уруғини дурбан қабиласига яқиндир деб ёзади. Бахрин уруғи Оқ Ўрдани XIV асрда бошқарган Тўхтамишхон ва уни отаси Туйхўжани ҳукмронлик йилларида катта мавқега эга бўлган.

XII—XIII асрларда Бахрин уруғини фарбга силжиши бўлиб 1206 йили Чингизхон Энасой қирғизларини жойини бу уруғга топширади. Балким, бахринлар Чингизхон билан жамухони курашлари даврида қора-хитой ва найманларга кўшилиб турклашган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.





**КУРАМА АВЛОДИ**


Аногор районидagi Курама авлодига ҳозирги кунда ҳаммага маълум ва машҳур Эгамберди бобо Жабборов, Халиқ бобо, Кучкин бобо, Қобил бобо, Худоёр бобо киради. Халиқбобо, ўғли Эшпўлат бобо ўғли Ателло ўғли.....

Кучкин бобони ўғли, Сайид бобо ўғли Эркин бобо ўғли

Қобил бобони ўғли, Хуррам бобо, Турсун бобо ўғли, Худояр бобони ўғли, Шавкат бобо

**ОҒЗИ ҚОРА АВЛОДИ**

# НУХ ПАЙГАМБАР





## ХОТИМА

Ўзбек халқининг қабила ва уруғлари Марказий Осиё мамлакатларида кенг тарқалгандир. Бу эса Марказий Осиё халқларини кўпчилиги қадим-қадимдан бир-бири билан оға-ини, қон-қориндош ва қуда-анда эканлигини кўрсатади.

92 бовли ўзбек элати қабила ва уруғлари ҳақида тўлиқроқ маълумот бериш мустақиллик шарофати туфайли вужудга келди.

Ушбу китобчада Ўзбекистонда яшаётган 50 га яқин қабила ва уруғлар, буғинлар ҳақида қисқача маълумот бердик, холос.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда яшаётган қабила ва уруғлар ҳақида бирмунча материаллар йиғиб олдик, ва яна изланишни давом эттираемиз, деган умиддамиз.

Келажакда мақсадимиз қабила ва уруғлар шажарасини, тамғасини кенг юритадиган китоб нашр этиш бўлиб, халқимиз бу маълумотларни интизорлик билан кутмоқдалар.

1996 йил Қурбон ҳайити кунлари Сурхондарё вилояти Ангор райони “Мустақиллик” жамоа хўжалигида раиси Тура бобо ва шу хўжаликда яшовчи: Алломурод, Хушбок, Эгамберди, Эргаш, Тошқобил, Шерали боболарнинг Ангор қишлоғида яшовчи қабила ва уруғлар ҳақидаги суҳбати кўпчилик орасида зўр қизиқиш уйғотди. Боболарнинг айтишига қараганда Ангор қишлоғида Қўнғирот қабиласининг Вахтамғали уруғига қарашли Очамойли бўғини асосан яшайди. Очамойли бўғини ҳам асосан, қуса, ойтувғон, сичқонмурод, оғзи қора, қурама бўлақларга бўлиниши ва бу авлодларни ҳозирги кунгача 8—10 авлоди ҳақида мароқ билан сўзлаб бердилар. Биз шу авлодларни шажарасини иловада келтирдик.

Шуни ҳам айтиш керакки, шу юқоридаги бўлақлар умуман кўса авлодига қарашли деган фикрлар бошқа қариялар томонидан ҳам билдирилди.

Ангор қишлоғида бундан ташқари қовчин уруғи одамлари яшайди. Қовчин уруғидан Тошқобил бобони сўзларига қараганда туғиз даҳасига киради. Норбоев Шерали бобони ва инженер Аллаяров Абдуназарбойни фикрига қовчин уруғи асли Чин (Хитой) мамлакатидан келиб чиққан. Қавмдир, яъни қавми-чин. Маълумки қовчин уруғидан улуғ кишилар тарихда кўп учрайди. Мирзо Улуғбекни узоқ йилла салтанати даврида Амир Мироншоҳ қовчин катта мавқеига эга эди.

Масалан Мухаммад Захириддин Бобирни эшик оғаси Қосимбек қовчин.

Қурама авлодига Райимчақа бобо, Кучкин бобо, Қобил бобо ва Худояр бобо авлодлари киради. Райимчақа бобони ҳозирги кундаги маълум ва машҳур авлоди Эгамберди бобо Жабборов, Кучкин бобони авлоди Сайид бобо Кучкинов, Халик бобони эса Эшпўлат бобо Холиқов, Турсун бобони авлоди Худояр бобо фарзандлари Наушаҳарда истиқомат қилишади.

Китобда қабила ва уруғларни номлари ҳар хил манбаларда ҳар хил ёзилгани учун олинган манбадаги ёзилиш асосида берилди.

Китоб кириш қисмида айтганимиздек, бу ҳато камчиликларни кейинги нашрларда тузатамиз деган умиддамиз.

## АСОСИЙ ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР<sup>4</sup>

1. Абулғозий, Шажарайи турк. Тошкент, "Чўлпон", 1992.
2. Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи Тарокима. Тошкент. "Чўлпон", 1995.
3. Ахмедов Б. А. "Ўзбекларнинг келиб чиқиши". "ФАН", Тошкент, 1964.
4. Ахмедов Б. А., Государство кочевых узбеков. Изд-во "Наука". М., 1965.
5. Ахмедов Б. А. Ўзбек улуси. Тошкент, "Нур", 1992.
6. Бартольд В. В. История Туркестана. Сочинение. Т. II. ч. 1., М., 1963.
7. Валиханов Г. Г. Предания и легенды Большой киргиз-кайсацкой Орды. Алма-Ата, 1958.
8. Вахобов М. Ўзбек социалистик миллати. Тошкент, 1961.
9. Востров В. В., Муканов М. С. Родоплеменной состав и расселение казахов. Алма-Ата, 1968.
10. Гафуров Б. Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. М., 1972.
11. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. Тошкент, "ФАН", 1968.
12. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Тошкент, "Ўқитувчи", 1994.
13. Жданко Т. А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. — ТИЭ, т. IX, 1950.
14. Кармышева Б. Х. "Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана", Изд-во "Наука", М., 1976.
15. Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи. Тошкент, "Чўлпон", 1994.
16. Кузеев Р. Г. Происхождение Башкирского народа. Изд-во "Наука", 1974.
17. Наджимов К. Антропологический состав населения, Сурхандарьинской области, ТСАГУ, нов. сер., вып. 143. Биол. науки. кн. 35. Тошкент, 1958.
18. Рашидиддин. Сборник летописей. т. I, М-Л., 1952.
19. Сагитов С. И. К вопросу о локализации легендарной местности Жидали-Бойсун по данным Ботаники. СЭ. 1968, N 1.
20. Султанов Т. И. Кочевые племена Приаралья в XV—XVII в. М., "Наука", 1982.
21. Хасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. Тошкент, 1995.
22. Шаниязов К. Узбеки-карлуки (Историко-этнографический очерк). Ташкент, 1964.
23. Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа. Ташкент, "ФАН", 1974.

<sup>4</sup> Асосий фойдаланган адабиёни хотимадан кейин бериш керак.

24. Шаниязов К. Ш. "Некоторые вопросы этнической динамики и этнической связей узбеков в XIV—XVII вв. Материалы к этнической истории населения Средней Азии. Т., Изд-во "ФАН", 1986.

25. Шаниязов К. Ш., Исмаилов Х. И. Этнографические очерки материальной культуры узбек. конец XIX — начала XX в. Ташкент, 1981.

26. Эрматов М. М. Этногенез и формирование предков узбекского народа. Ташкент, "Узбекистан", 1968.


27. Якубовский А. Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. Ташкент, "ФАН", 1941.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	1
92 БОВЛИ ЎЗБЕК ЭЛИ ҲАКИДА .....	3
ҚУНҒИРОТЛАР .....	12
МИНГ .....	31
ЖУЗЛАР .....	32
МАНҒИТ .....	37
КИПЧОҚ .....	38
ҚАТАҒОН .....	42
ҚАНҒЛИ .....	47
БАРЛОС .....	49
ҚОРЛУҚ .....	52
ЖАЛАЙИР .....	55
НАЙМАНЛАР .....	56
ҚУШЧИ .....	58
ДУРМОН .....	60
МИТАН .....	61
НУҒОЙЛАР .....	62
ҚИРҚЛАР .....	62
КИНАҒАС .....	63
МЕРКИТ .....	63
ТОҒЧИ .....	64
ЧИНОС .....	64
БОЯВУТ .....	64
ТОТАР .....	65
УЙҒУР .....	65
САРОЙ .....	66
ЧИҒАТОЙ .....	66
ЛАҚАЙ .....	67
ХИТОЙ .....	67
САЛЖУВУТ .....	69
ТОЙЖУВУТ .....	69
КУРАЛАС .....	69
ҚОРАҚАЛПОҚ .....	69

КЕРАЙТ .....	70
ОРҒИН .....	70
УЙШУН .....	71
АРАБЛАР .....	71
МУҒУЛЛАР .....	72
КОЛАЧ .....	72
ОҒОЧ ЭРИ .....	72
КУРКАМ ВА САКАЙИТ .....	73
УНГУТЛАР .....	73
ТАНГУТ .....	73
БЕКРИН ЁКИ МЕКРИН .....	73
УРЕВУТ .....	73
СУЛДУС (Сулдуз) .....	73
ИЛДУРКИН .....	73
СУНИТ .....	74
КУРЛАУТ .....	74
ТАРКУТ .....	74
УЙРОТ .....	74
БАРКУТ, КУРИ, ТУЛАС (тулас) ва ТУМАТ .....	74
БУЛОҒОЧИН ВА КЕРЕМУЧИН .....	74
УРАСУТ, ТЕЛЕНГУТ ВА КУШТАМИ .....	74
ЎРМОН УРЯНКАТЛАРИ .....	74
БАХРИН (баарин) .....	75
ХОТИМА .....	81
АСОСИЙ ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР .....	82

## МАЛЛА БОБО АВЛОДИ



## УРАЗАЛИ ҚИЗИЛ АВЛОДИ

Уразали (лақаби қизил)

Жоннез

Эрнез

Шернез

Хужаназар

Толой

Қурбанназар

Жуманазар

Парда

Норбой

Ойсари

Худойназар

Тошбой

Мурод

Болта    Мулла    Барика

Урал    Баҳодир    Гайрат

Шоди

Аллаберди

Нормурод-полвор

Норбой

Шерали

Норали

Обод

Мамаласул-тура

Мулла Турди

Хуррам

Ғулибой

Тори, Пахжи

## СИЧҚОНМУРОД АВЛОДИ

Хайитали (лақаби Сичқонмурод)

Бозорди

Ғажабил

Норбой

Ашёр

Худоср

Бобомурод


Алимурод

Райимкул    Абдуқашар    Тура


Абдуқошар

Зайиқиддин

Сулик авлодини бош бобоси  
МИРЗАЛИДИР (лақаби Сулик)\*



МАМАЮСУП-ШАЛТАНГ АВЛОДИ (лақаби шалтанг)



Издано РИЦ

РИЦ

Тираж 1000 экз.